

# КАШҚАДАРЁ:


*истиклол  
арафасида*

**1986  
1989**



ҚАШҚАДАРЁ:  
*истиқлол арафасида*

1986-1989





**ПОЁН РАВШАНОВ**

**ҚАШҚАДАРЁ:**  
*истиқлол арағасида*  
**1986 – 1989**  
йиллар



ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2003

Ватанимизнинг истиқлол йўлидаги курашлар тарихида Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолияти даври (1986 – 1989 йиллар) алоҳида ўрин тутади. Халқимиз, миллатимиз учун ўта оғир ва мураккаб ўша йилларда у Қашқадарё эли билан елкама-елка туриб, собиқ Марказдан юборилган қора кучларга қарши мардона курашган, қонли қатагонлар йўлига ғов бўлиб, қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини саклаб қолган, уларни зулм ва зўравонлик, хўрлик ва ҳақоратлардан ҳимоя қилган эди. Иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кескин муаммолар гирдобида қолган вилоятнинг қаддини тиклаб, уни ривожланиш йўлига олиб чиқкан эди.

Кўлингиздаги ушбу китобда ана шу унунтилмас воқеалар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади. Бугун истиқлолимиз тарихининг ёрқин бир саҳифасига айланган ўша давр воқеалари уларга бевосита гувоҳ бўлган, Ислом Каримов билан бирга ишлаган одамларнинг жонли хотиралари орқали баён этилади.

P13

### **Равшанов, Поён.**

Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986–1989.–Т.: «Маънавият», 2003. – 176 б.

ББК 66.3(5У)8+63.3(5У-4)

P 4702620204– 25  
M25(04)–03

©«Маънавият», 2003

**Ислом КАРИМОВ**

## **«У КУНЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН...»**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мұхтарам мәҳмонар!

Бугун қадимий Кеш воҳасида катта байрам, катта тантана.

Оллоҳ назари түшгап Ватанимиз тарихининг энг күхна ва теран илдизларидан бири бўлган қадимий ва доимо навқирон Шаҳрисабз бугун ўзининг 2700 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқда. Дунёга ўзининг кўрку камоли, қадди-бастини намоён қилмоқда.

Бу гўзал шаҳар бугун мана шу заминнинг умрбокий қадриятларини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг нақадар қадимий ва муқаддаслигини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Шаҳрисабз деганда биз, аввало олис замонларда аждодларимиз яшаган, тарихда гоҳ Гава Сўғда, гоҳ Наутака, гоҳ Кеш деб ном олган қадимий маконни тасаввур қиласиз.

Бу шаҳар ўзининг узоқ ўтмиши давомида не-не кунларни кўрмади. Тарих тўфонлари, босқинлар оқибатида неча бор вайронага айланиб, култепалар устида неча бор қайта тикланди.

Аммо на замоннинг мураккаб синовлари, на истилою урушлар, на табиий оғатлар бу шаҳарни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шу табаррук заминда дунёга келиб, унинг тарбиясини олиб вояга етган, доимо мағур бўлиб яшаган инсонлар минг йиллар давомида мардлик ва бунёдкорлик намуналарини дунёга намоён этиб келди.

Шахрисабз деганда, даставвал хаёлимизда ўзининг ақл-заковати, беқиёс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темур бобомизнинг ўлмас сиймоси жонланади.

Шахрисабз бу улуғ зотнинг бешигини тебратган, уни камолга етказган мўътабар маскандир. Бобокалонимизнинг эл-улусни бирлаштириш, она диёрилизни босқинчилардан озод қилишида, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ва қудратли давлат қуришида айнан шу замин унга куч-қувват ва мадад берган.

Амир Темур бобомиз Шахрисабз ва Кеш воҳасини жони дилидан севган, қадрлаган, ҳатто ўз салтанатининг пойтахти қилмоқчи бўлган. Бу ерда қанчадан-қанча гўзал ва бетакрор иншоотларни барпо этиб, шаҳарни қайта қуриб, бутун дунёга танитган, унинг ривожига чексиз ҳисса қўшган.

Соҳибқироннинг: «Кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, биз қурган иморатларни келиб кўрсин», деган сўзлари бугун ҳам ўз маъно-мазмунини йўқотган эмас.

Шахрисабз деганда тасаввуримизда аввало мангу яшил шаҳар, юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак Ҳисор тоғлари намоён бўлади.

Ва, табиийки, Шахрисабз деганда биз «Илму адаб куббаси», деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз. Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, моҳир ҳунарманлари билан шухрат қозонган.

Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машҳур Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкгумбаз каби муҳташам обидалар ва бошқа

бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан то-  
пилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тас-  
диклайди.

Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Мұҳам-  
мад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир  
каби азиз-авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий  
ва Фақирий сингари шоиру алломалар Шаҳрисабз  
довругини дунёга таратган.

Жаҳон маданияти хазинасига бекиёс ҳисса қўшган  
Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Голиб каби  
мумтоз сиймоларнинг насл-насаби Шаҳрисабз за-  
минидан чиққани ҳам бу тупроқнинг илохий хосияти-  
дан далолат беради.

Шу ўринда, азиз дўстларим, сизларнинг эътибо-  
рингизни сирли бир аломатга қаратмоқчиман.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнида бугун ҳам яш-  
наб турган қадимий чинорларни кўпчилигимиз  
кўрганмиз. Мен ҳар гал бу ерда бўлганимда, бун-  
дай дараҳтлар фақат муқаддас жойларда ўсади,  
деган фикр беихтиёр кўнглимдан ўтади. Балки бу  
чинорларнинг ниҳолини бир пайтлар Амир Темур  
бобомиз ўз қўли билан эккан бўлса, ажаб эмас,  
деб ўйлайман.

Ва Шаҳрисабзнинг муқаддас тимсоллари бўлмиш  
бу азамат дараҳтларни илохий бир куч асраб, бугун-  
ги ва келажак авлодларга етказиб келаётгандек тую-  
лади.

## Азиз дўстлар!

Бугун Шаҳрисабз файзу таровати билан кўзларни  
қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб туриб-  
ди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳар-  
ларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот  
бўлмиш ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва  
Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ҳеч шубҳасиз, Шаҳрисабз ва Қашқадарё воҳаси-  
нинг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга

экани, унинг бетакрор ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида гапиришимиз бугун албатта ўринлидир.

Бугун бу ҳақиқатни нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё тан олмоқда.

Лекин мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳақида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлар эдим.

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан ел-кама-елка, ҳамфикр бўлиб меҳнат қилган, ҳаётимнинг азиз дамларига айланган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган ҳурмат ва ишончни, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миннатдорлик билан эслайман.

### Қадрли ватандошлар!

Бизнинг истиқлол йилларида Шаҳрисабз марказида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкалини тиклаганимиз, бу муборак заминда ётган буюк зотларнинг мақбараларини обод қилиб, аждодларимиз руҳи олдидағи фарзандлик бурчини адо этганимиз янги тарихимиздаги катта, унутилмас воқеадир.

Бу юртнинг чиройига чирой, салоҳиятига яна салоҳият қўшадиган ибратли ишларни давом эттиришимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ва Шаҳрисабз нафақат дехқончилик, саноат, хунармандчилик ва маданият масканига, балки бутун дунёдан зиёратчи ва сайёҳлар оқиб келадиган гўзал ва замонавий шаҳарга айланиши муқаррар.

Бу йил Шаҳрисабз, бутун Қашқадарё аҳлининг барча

соҳаларда омади келди. Мен фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун табиий шароит оғир бўлган мана шу мавсумда белни маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилган, мамлакатимизда энг кўп – 684 минг тоннадан зиёд ғалла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиширган азамат дехқонларни, сиз, лафзи ҳалол қашқадарёликларни қўлга киритган улкан ғала-бангиз билан чин қалбимдан табриклайман ва ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдираман.

### Ҳурматли дўстлар!

Мана шу унutilmas, қувончли кунда менинг суюнчим, таянчим бўлган сиз, Қашқадарё ёшларига, сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига бир даъват билан мурожаат қилмоқчиман.

Аслида бу менинг даъватим эмас, балки улуғ аждодларимизнинг бизга қолдирган ўлмас маънавий ўгитларидир. Мен шу даъватни сизларга яна бир марта эслатмоқчиман.

Фурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш Амир Темур бобомизнинг худди шу заминда туриб, келгуси наслларга қарата айтган «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» деган сўзлари ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин.

Токи юрагингизда ўт, билагингизда куч-кудрат бор экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бугунги кунда ана шу даъватга ҳамиша муносиб бўлинг.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деб кўтарған истиқлол байроғини, ҳуррият байроғини сизлар янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман.

### Азиз ватандошларим!

Мен ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда Шаҳрисабз элини, бутун ҳалқимизни бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг очиқ чеҳран-

гизга боқиб, мана шундай ёруғ кунларимиз кўп бўлсин,  
Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари – Шахрисабз дунё тургунча турсин, дейман.

Икки минг етти юз йиллик тарихни ўз елкасида кўтариб турган бу афсонавий шаҳар қошида бош эгиб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган сиз, азиз юртдошларимга таъзим қиласман.

Мен ноёб асрий обидаларимизни кўз қорачиги-дек сақлаб келаётган, кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, янги-янги иншоотлар барпо этаётган моҳир қурувчи ва усталаримиз, муҳандис ва меъморларимизга, мана шу савобли ишларга муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан са-мимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги шодиёнамиизда иштирок этаётган ЮНЕС-КО халқаро ташкилоти ва хорижий элчихоналар ва-килларига чин дилдан ташаккур айтаман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хо-надонларингизга файзу барака ёр бўлсин.

*Шахрисабзнинг 2700 йиллигига  
бағишлиланган тантанали  
маросимдаги сўз.  
2002 йил 1 ноябрь.*

## **МУҚАДДИМА**

Буюк шахсларнинг, айниқса, бутун бир давлатни қайта тиклаб, истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берган, уни тарих саҳнасига олиб чиққан сиёсий йўлбошчиларнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти нафакат улар мансуб бўлган миллат ва халқ вакилларида, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий, албатта. Чунки бундай улуғ зотлар ўзлари туғилиб вояга етган муқаддас замин ва шу ерда яшаган олижаноб халққа хос бўлган барча эзгу фазилатларни ўз тарихий сиймосида ёрқин мужассам этади. Шу боис, уларнинг шахсида, ижтимоий фаолиятида миллат ва халқнинг, даврнинг белги-хусусиятлари аниқ намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов кейинги асрларда халқимиз орасидан етишиб чиққан ана шундай беназир инсон ва улуғ йўлбошчидир.

Ватанимизнинг 130 йиллик мустамлакачилик зулмидан озод бўлиб, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз ўз тарихининг янги даврига қадам қўйиши айнан ана шу шахснинг номи билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда дунё сиёсатшунослигида «Тараққиётнинг ўзбек модели» деган янги тушунча билан бирга «Ислом Каримов феномени» деган атаманинг пайдо бўлгани ва хориждаги кўплаб олимлар, эксперт ва аналитиклар томонидан чукур тадқиқ этилаётгани ҳам бу ҳақиқатни яқзол тасдиқлайди.

Чунончи, Юртбошимизнинг сиёсий фаолияти, раҳбарлик салоҳияти, инсоний фазилатлари жаҳондаги кўплаб атоқли давлат ва сиёсат арబблари томонидан холисона эътироф этилган. Шунингдек, бу мавзу Дональд С.Карлайл, Леонид Левитин, Александр Яковлев, Федор Бурлацкий, Озод Шарафиддинов, Мехман Faффарли, Алан Касаев,

Алок Шекхар каби таниқли олим ва сиёсатшунослар томонидан теран ўрганилган, улар Ислом Каримов ҳақида жиддий таҳлилга асосланган асарлар яратишган ва бу китобларнинг аксарияти дунёнинг қатор халқлари тилларига таржима қилиниб, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия, Хиндистон каби мамлакатларда чоп этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори янада ортиши билан бирга давлатимиз раҳбари фаолиятини ёритиш, бу борада маҳсус тадқиқотлар яратишга бўлган қизиқиш ҳам кучаймоқда. Чунки Ватанимиз тараққиёти, унинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши Ислом Каримов фаолияти билан узвий боғлиқдир. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз сиёсий фаолиятининг қайси бир даври, қайси бир босқичига назар ташламайлик, уларнинг барчаси миллий истиқлолга эришиш, давлатчилигимиз асосларини тиклаш, халқимизнинг қадр-қиммати, ҳақ-хукуқларини жойига қўйиш, мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этиш каби бир-биридан дол зарб вазифаларни амалга оширишда фоят улкан аҳамиятга молик эканини яққол кўриш мумкин.

Шу маънода, яқин тарихимизнинг энг оғир ва мураккаб даври бўлган, собиқ империянинг жон талвасаси авжига чиққан кезларда, яъни мустақиллик арафасида Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилояти раҳбари сифатида олиб борган серқирра фаолияти айниқса диққатга сазовордир.

У республиканинг энг йирик, иқтисодий салоҳияти улкан вилоятларидан бири бўлган мана шу воҳани бошқариб, оддий одамлар билан ҳаёт қувончлари ва ташвишларини баҳам кўриб, улар билан елкама-елка туриб ишлар экан, мустабид тузумнинг куни битиб бораётганини, мустақиллик онлари яқинлашиб келаётганини юрак-юракдан ҳис этарди.

Бинобарин, бу даврни ўрганиш истиқлол йўлидаги дастлабки амалий қадамлар тарихини тадқиқ этиш демакдир.

Маълумки, Ислом Каримов ушбу лавозимда иш

бошлагунга қадар ҳам катта ва масъулиятли вазифаларда ишлаган. Айниқса, республика Молия вазири, Давлат план комитети раиси лавозимларида ишлаганида собик шўро тузумининг файриинсоний, соғлом ақлга зид моҳиятини чукур ҳис қилиб, ўрни келганда бу ҳақда очиқ гапириб, ўзининг янгиланиш ва ўзгаришлар тарафдори эканни доимо намоён этиб келган. Лекин кўп жиҳатдан унинг фаолиятида Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик даври алоҳида ажралиб туради. Ислом Абдуғаниевичнинг ўзи ҳам бу ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлаган.

**«Менинг ҳаётимнинг ҳеч унutilmas даврлари билан узвий боғланган мана шу мўътабар Қашқадарё заминини, мана шу воҳани менинг она юртим, деб умримнинг охиригача ғурурланаман, фахрланаман, – деган эди давлатимиз раҳбари воҳада бўлган учрашувларнинг бирида. – Бу юрт меҳрини қалбим тўрида доимо саклаб юраман».**

Бу давр нафақат Қашқадарё аҳлининг, балки Ўртошишимизнинг ҳаётида ҳам бир умрга унutilмайдиган ўчмас хотира бўлиб қолгани айни ҳақиқатdir.

Мазкур рисола муаллифи кўп йиллардан бўён Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини ўрганиб келади. Биз ўтган давр мобайнида ушбу мавзуга доир жуда кўп далил ва маълумотлар тўпладик, жумладан, у киши билан бирга ишлаган, мулоқотда бўлган одамлар билан сұхбатлашдик, уларнинг ўша мураккаб давр ҳақидаги, вилоятда хукм сурган кескин вазият, ўта қийин шароитда Ислом Абдуғаниевичнинг узоқни ўйлаб, эл-юрт манфаатини кўзлаб, адолат билан иш юритгани тўғрисидаги эсдалик ва таассуротларини ёзиб олдик ва бир жойга жамладик.

Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 1986 – 89 йиллардаги мавжуд ҳолат, воҳадаги инқизорзли манзара, вилоят раҳбарининг қандай оғир қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келгани ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдик. Ва шулардан келиб чиқсан ҳолда, воқеаларнинг бевосита иштирокчилари ва гувоҳларнинг хотираларига таяниб, Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини имкон даражасида ёритишга интилдик.

Албатта, ҳар қандай йирик давлат арбобининг ҳаёти ва сиёсий-ижтимоий фаолиятини тадқиқ этиш ҳам ша-рафли, ҳам ўта масъулиятли иш. Бунда раҳбар шахси, унинг ҳаётий принциплари ва серқирра фаолияти билан бирга, у бош бўлган давлат, у мансуб бўлган халқ тарихи, қадрият ва анъаналарини ҳам ҳар томонлама чуқур билиш тақозо этилади.

Биз, зиммамиздаги вазифанинг ана шундай мураккаб жиҳатларидан келиб чиқиб, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари, журналистлар, шунингдек, Ислом Каримовни яқиндан билган, у киши билан елкама-елка туриб меҳнат қилган инсонлар билан маслаҳатлашдик, уларнинг ёрдамига таяниб иш кўрдик. Шуманода, ушбу китоб ўзаро ҳамфирк одамларнинг биргаликда амалга оширган ижодий иши, десак, бу ҳам ўринли бўлади.

Ушбу китобни нашрга тайёрлашда бизга яқиндан ёрдам берган, ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаган Сойиб Усмонов, Фармон Омонов, Райим Раҳмонов каби ажойиб инсонлар, афсуски, бугун орамизда йўқ. Улар биз билган ва билмаган кўпдан-кўп унтилмас хотираларни ўзлари билан олиб кетгани ҳам аччик ҳақиқатдир.

Биз бу инсонларнинг айрим эсдаликларига тартиб берар эканмиз, кечаги кунимизни англашда, тарихни ҳаққоний ифода этишда бундай хотираларнинг аҳамияти бекиёс эканига қайта-қайта икрор бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай хайрли ва эзгу ишда ҳам ижодий, ҳам амалий ёрдам берган барча дўстларга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Ишончим комилки, биз бошлаган бу иш келажакда яна давом эттирилади. Ушбу китобни эса буюк давлат арбоби, миллий давлатчилигимизнинг асосчиси Ислом Каримовнинг Қашқадарё воҳасидаги фаолиятини ёритиш йўлидаги дастлабки тажриба сифатида қабул этгайсиз.

Муаллиф

## **1986 ЙИЛНИНГ 27 ДЕКАБРИ**

Қора совуқ бир ҳафтача давом этди. 27 декабрга бориб ҳаво бир оз юмшади. Ҳали ерга қор тушмаган, шу боис «Келаси йил ҳам қуруқ келади шекили» деган хавотир одамларнинг юрагини сиқарди.

Кўқдаги увада булутлар кунчиқар тарафга ошиғич сузиб борар, шамол эса дарахт шохларидағи қорайған япроқларни юлқилаб ўйнар эди.

Икки-уч соат бурун одамлар билан гавжум бўлган Қашқадарё вилоят партия қўмитаси биносининг олди яна жимжит бўлиб қолди.

Тошкентдан келган раҳбарлар ҳам жўнаб кетди.

Тўртинчи қаватдаги биринчи раҳбар хонасида боягина ўз ишини тугатган вилоят партия комитетининг пленумида биринчи котиб этиб сайланган қирқ саккиз ёшлардаги одам ўтиради. Бу одам вилоятнинг янги раҳбари Ислом Каримов эди.

У 1938 йили Самарқандда, оддий хизматчи оиласида туғилиб ўсган. Мактабни олтин медаль билан тугатиб, Ўрта Осиё Давлат политехника институтининг инженер-механика факультетида таълим олган. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводида уста ёрдамчиси сифатида бошлаган, кейинчалик В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида мұхандис-конструктор, сўнг етакчи мұхандис бўлиб ишлаган.

1966 йилнинг ноябридан эътиборан республика Давлат план комитети фан ва янги техникаларни жорий этиш бўлимида бош мутахассис сифатида ўз фаолиятини давом эттирган. Унинг ўн етти йиллик ҳаёти ушбу идора билан чамбарчас боғланган. Ке-

йинчалик у мазкур комитет раисининг биринчи ўринбосари, 1983 йилнинг апрелидан молия вазири, 1986 йилнинг февраляидан Министрлар Совети Раисининг ўринбосари – Давлат план комитетининг раиси сифатида фаолият юритади.

У стол устидаги қоғозларга кўз тикиб ўтирад экан, бўлиб ўтган йиғилиш манзараси, унда айтилган фикрмуроҳазалар хаёлидан бир-бир ўтар эди.

Ислом Каримовга оғир мерос қолган эди. Мажлисда таъкидланганидек, вилоятда ҳамма соҳалар бўйича ўн бир ойлик режа барбод этилган, капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари ўлда-жўлда қолиб кетган.

Ўтган уч йил мобайнида режага нисбатан 700 минг тонна пахта кам топширилган, 1986 йилда эса мавжуд 143 хўжаликнинг 136 таси, пахтачилик бригадаларининг қарийб 82 фоизи қолоқлик ва қарздорлик ботқогига ботиб қолган. Сўнгги йилда ўртacha ҳосилдорлик вилоят бўйича атиги 14 центнерни ташкил этган.

50 минг гектар ерни қамиш босган, 60 минг гектар ер кучли даражада шўрланган.

Ўтган уч йил давомида вилоятдаги раҳбар кадрларнинг қарийб 900 нафари алмаштирилган. Туман ва шаҳар партия қўмиталарининг қатор котиблари, ижроқўм раислари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, яқиндагина ишга тавсия этилган, эндиғина иш бошлиган кўпдан-кўп масъул шахслар вазифасидан олиб ташланган. Аммо бу ўзгаришлар мавжуд аҳволнинг ўнгланишига таъсир кўрсатмаган. Ҳамон ишлар орқага кетмоқда, йиллар давомида ечилмай келаётган ижтимоий муаммолар туфайли аҳоли ўртасида норозилик кундан-кунга авж олмоқда...

Лавозимидан олинган раҳбар ва мутахассисларнинг барчаси ҳам ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жазога тортилган, деб бўлмасди. Бунинг замирида нафақат қашқадарёликлар, балки бутун

ўзбек халқига қарши қаратилган жинояткорона мақсадлар яширин эканини Ислом Каримов яхши биларди. «Ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталган бу жараён Москвадан туриб бошқарилар эди.

Гарчи буни кўриб-билиб турса-да, табиатан заиф ва иродасиз бўлган, Кремль чизиб берган чизиқдан чиқа олмайдиган Ўзбекистон Компартияси Марказ-қўмининг биринчи котиби И.Усмонхўжаев бу жараёнга қарши чиқиш у ёқда турсин, республикани «тозалаш» учун Марказдан «ҳалол ва пок кадрлар» юбориши сўраб илтимос қилиш билан овора эди. Ҳолбуки, вилоятда инсонлар ҳақ-хуқуқи, шаъни, фурури ва қадр-қиммати топталаётган, Гдлян ва Иванов гурӯҳи қонунга зид равишда қанчадан-қанча оддий одамларнинг молу мулкини талаб, оила бошлиқларини кечалари уйидан олиб кетиб, қамоқقا тиқаётган эди. Лекин бугунги йиғилишда ҳам нотик бу ҳакда лом-мим демади...

«Қишлоғимизда 3000 дан кўп одам яшаса-да, бирон-бир кинотеатр ва майший хизмат тармоқлари мавжуд эмас. Ясли, ҳаммом, сартарошхона, ҳатто спорт майдончаси ҳам йўқ. Ҳозиргача табиий газ нима эканини билмаймиз. Етти юз нафар боламиз учун мактабда синф хоналари етишмайди. Мактабнинг ўзи ҳам жуда noctor аҳволда. Энг ёмони, ичимлик сувиғоят тақчил. Биз саккиз чақирим наридаги «Кўқдала» совхози марказидан сувни нақд пулга сотиб олиб келамиз. Буни ҳамма жуда яхши билади, ҳатто раҳбарларга қайта-қайта арз қилганмиз, аммо бирон-бир натижка бўлган эмас...

Чироқчи туманидаги Ворошилов номидаги совхоз ишчилари».

Биринчи котибнинг столида бундай хат ва аризалар жуда кўп эди. Уларнинг аксариятида одамлар ўз қишлоқларида яшаш учун оддий шарт-шароит йўқлигидан, ҳаттоки электр сими ҳам тортилмаганидан шикоят қиласарди.

Янги раҳбар суриштириб аниқлади: ўтган уч йил ичида вилоятдан ижтимоий масалалар бўйича қарийб ўн минг ариза ва шикоят ёзилган. Лекин аҳволни ўнглаш, вилоятни оёқقا турғазиш учун деярли ҳеч қандай амалий иш қилинмаган. Одамлар тақдирига мана шундай бепарвонлик, лоқайдлик ва ўзибўларчилик оқибатида вилоятдаги вазият шундай аянчли аҳволга келиб қолган.

Ислом Каримов ҳеч кутилмагандага Қашқадарё вилоятига биринчи котиб этиб тайинланишини кеъинчалик қуидаги изоҳлайди:

**«Мен ҳеч қачон том маънода партия ходими бўлган эмасман. Ўз ҳаёт йўлимда мана шундай бурилиш юз беришини, лавозим пиллапоясида кўққисдан «четга сакрашим» мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Тўсатдан вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб қолдим.**

**Воқеа бундай бўлган эди.**

1986 йили, Давлат план комитетининг раиси бўлган пайтимда, ишларнинг аҳволини чукур ўрганиб чиққач, республика иқтисодий ҳалокат ёқасида турганини англадим. Шу боис менинг шахсий иштирокимда «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари тўғрисида» маҳсус хат тайёрланди ва у республика раҳбариютига тақдим этилди.

Ўшанда мен бу хат жиддий кўриб чиқилишига умид қилган эдим, лекин бунинг ўрнига жер-киш эшитдим.

Москванинг ўша пайтдаги гумаштаси, республика Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби Анишчев менга қаттиқ ва кўпол танбех берди. Умуман, мен ўша вақтда ўзимни курсаб олган тазиқ ҳалқаси тобора сиқиб келаётганини сезар эдим. Раҳбарият мени очик-ошкора ажратиб ташлаётган эди. Бундан буён Тошкентда туришим номақбул бўлиб қолди.

# ҚАШҚАДАРЕ: истиқлол арағасыда 1986-1989



1986 йилнинг 27 декабри.

Ислом Каримовга оғир мерос қолган,  
инқиrozли базият ва «ўзбеклар шин» деб аталмиш  
сўнгги қатагон Қашқадарё аҳлини  
эзиз ташлаган эди...

**Қаршига, Қашқадарё вилоятига «сургун» қилинишимдан олдинги воқеалар, қисқача айтганда, ана шулардан иборат.**

**Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ўринда партия тизимида жорий этилган тартиб-қоидалар, яъни вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимини эгаллаш тартиби умуман бузилган эди. Мен КПСС Марказқўми аппаратаста стажировкадан, аникроғи, текширувдан ўтиш у ёқда турсин, ҳатто Сиёсий Бюро мажлисида ҳам сиртдан тасдиқланган эдим»<sup>1</sup>.**

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг машъум XVI пленумидан сўнг собиқ иттифоқ раҳбариятидан чексиз ваколат олган, республикага гўёки тартиб ўрнатиш учун келган В.Анишчев каби шахсларни амалда аҳволни ўнглаш қизиқтирган, албатта.

Мазкур хатда зикр этилган масалалар, яъни Ўзбекистондаги мавжуд ускуна ва технологияларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолгани, уларни янгилаш, замонавий техника воситалари билан таъминлаш, пахта яккаҳо-кимлигига чек қўйиш ҳақидаги фикрлар, табиийки, Марказ ва унинг вакиллариiga қарши бош кўтаришдек бўлиб туюлган. Ва шунинг учун ҳам улар «Биз яратиб берган шарт-шароитдан кўнглингиз тўлмаётган бўлса, марҳамат, ботқоқقا ботиб қолган Қашқадарё вилоятига бориб ишланг. Кўрайлик, қани, охири нима билан тугар экан!» деган фаразли ниятда Ислом Каримовни пойтахтдан четлатишган.

Ҳақиқатан ҳам, ўша йилларда Қашқадарё вилояти ҳар томонлама орқага кетган, собиқ иттифоқда «пахта иши», уюшган жиноятчилик каби бутун Ўзбекистонни ўз домига тортган салбий ҳолатлар аслида мана шу воҳадан бошланган, деган сохта ва мудҳиш бир тасав-

<sup>1</sup> Леонид Левитин (Дональд С.Карлайл билан ҳамкорлиқда). «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 7-бет.

вур уйғотилган, шу боис бу вилоятга гүё тавқи лаънатга гирифтор бўлган макондек, ўгай кўз билан қаралар эди.

Вилоятнинг янги раҳбари олдида Қашқадарёни ана шундай чуқур инқироздан чиқариш, бунинг учун эса аввало бу ерда ҳукм суроётган адолатсизликка барҳам бериш, ноҳақ жабр чекаётган минг-минглаб одамларни ҳимоя қилишдек оғир вазифа туради. Чунки юрак-бағри эзилган, фурури топталган инсонлар қалбидага эртаниги кунга умид уйғотмасдан, уларнинг адолатга бўлган ишончини тикламасдан туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмасди.

Бундай мушкул вазиятда фақат халққа, унинг иродасига суюниб ишлаш мумкин эди.

**«Дастлаб қилган ишларимдан бири – оқсоқолларни йифиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган мўътабар кишилар билан яқиндан танишдим, сухбатлашдим, – деб эслайди кейинчалик Ислом Каримов. – Ким қаерда униб-ўсган, илдизи қаерга, кимга бориб туташади, энг муҳими, палаги тозами, ўз ортида қандай яхши изқолдирган?**

Мен бу ҳақиқатни билиш учун одамлар билан бир эмас, бир неча маротаба учрашдим, сухбатлашдим. Ҳамиша маслаҳат билан иш тутдим. Айтиш керакки, биринчи навбатда гуноҳсиз бўла туриб қамоқ азоби, зулм-зўравонлик ва ситамини юрагидан ўтказган жабрдийдаларга алоҳида эътибор қаратдим. Мен бу одамларнинг уйларига бордим, бағриқон бўлган оила аъзоларидан кўнгил сўрадим, уларнинг оғирини енгиллатиш учун қўлимдан нима ёрдам келса, барчасини қилдим.

Одамлар билан яқинлашиш, уларнинг ташвиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритиш фаолиятимнинг асосига айланди. Шунинг учун ҳам улар менга бағрини очди, доимо қўллаб-куватлашди».

Халқ демократик партияси Чироқчи туман кенгашининг собиқ биринчи котиби Мусулмон Бойхонов ҳикояси:

— Эсимда, 1986 йилнинг охирлари эди. Ўшанда мен ҳозирги «Ҳайиткўл» жамоа хўжалиги раиси эдим.

Янги раҳбаримиз Ислом Каримов вилоятдаги ҳар бир хўжалик бошлиги билан сухбатлашиб, ишининг умумий аҳволи билан яқиндан танишаётган эмиши, деб эшитдик.

Вақти-соати билан бизнинг туманга ҳам нафбат келди. Раҳбарлар, барча хўжалик бошлиқлари жам бўлди. Кўп ўтмай, биринчи котиб келиб, ҳар биримиз билан сўрашиб чиққач:

— Алишер Ўролович, — деди туман раҳбарига юзланиб.  
— Хўш, танишишини кимдан бошлаймиз?

— Ленин номли колхоздан бошласак,- дея жавоб қилди туман раҳбари кўрсаткичлари нисбатан яхши бўлган хўжаликни назарда тутиб.

Лекин Ислом Каримов бу таклифга рози бўлмади.

— Йўқ, ишни энг қолоқ, иқтисоди начор хўжаликдан бошлаймиз, — деди у киши, сўнг: — Қайси хўжаликнинг молиявий аҳволи танг? — деб сўради.

Шунда ҳозирги «Чиял» хўжалиги тилга олинди ва унинг раҳбари Ўрол Жуманов ўрнидан туриб, ўз хўжалиги, унинг начор аҳволи ҳақида изоҳ берди. Бу хўжалик бир вақтлар донг таратган, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етишиширишдаги яхши натижалари билан танилган эди. 20 минг гектар ерга ғалла, 1000 гектар ерга пахта экарди. Вилоят раҳбари мана шунга алоҳида эътибор қаратди.

— Ўрол ака, — деди у, - ёшингиз ҳам мендан катта экан. Қўлингиздан иш келишига ишонаман. Энди маҳкам бўлинг, ишни барбод этиб, обруни тўкиб қўйманг. Агар сизга бирон-бир амалий ёрдам керак бўлса, тортинмай айтинг, қилиб берамиз. Факат бир илтимос — белни боғлаб, ишга астойдил кишишинг!

**Ниҳоят, наabbат менга етиб келди. Ислом Абдуганиевич:**

— Менинг сизга иккита саволим бор, — деди. — Шунга жавоб беринг. Биринчидан, хўжаликни иқтисодий тангликтан олиб чиқиши учун қандай режа ва дастур тузгансиз? Иккинчидан, одамларнинг шикоят аризалари билан қайтарзда ишлайпсиз?

Мен хўжалик иқтисодиётини кўтариши учун янги ерлар ўзлаштираётганимизни айтдим. Ҳақиқатан ҳам, қўшимча равишда яна 1000 гектар ерни қишилоқ хўжалиги муомаласига киритиш имконияти бўлиб, лойиҳалашишлари аллақачон тугалланган, ерларни ўзлаштиришига киришилган эди. Қолаверса, ижара пудрати ҳам яхши самара бераётганди. Мен бу борадаги илк тажрибалар ҳақида гапира бошлагач, у кишининг чироий очилиб кетди.

Иккинчи саволга жавоб беришда, рости, қийналдим, тер қуйилиб келаверди юзимдан. Чунки хўжалик шикоятвозлик борасида туманда эмас, ҳатто вилоятда ҳам биринчи ўринда турагарди. Раис бўлиб иши бошлагач, олтинчи куни менинг устимдан ҳам ариза ёзишган. Яна қаерга денг — нақ Москванинг ўзига.

Мен бор гапни яширмасдан гапириб бердим.

— Эл ҳақига хиёнат қиласмайман, — дедим. — Бошқаларнинг талончиллик қилишига ҳам йўл қўймайман. Нима қиласак, шу эл, шу юрт учун қиласмиз, лекин начора, ахвол шундай...

— Чироқчидаги жони бор раислар топилар экан-ку, — деди вилоят раҳбари. Бир оз тин олгач: — Кимда-ким нопок ишига қўйлурмаса, элим деб ҳалол-покиза меҳнат қиласа, ҳалқнинг дардига малҳам бўлса, бундай одамни шахсан мен ўзим қўллаб-қувватлайман, — деди таъкидлаб. — Бойхонов, мен сизга ишондим, ишни шу тартибда давом эттиринг, тўғри ишласангиз, баъда бериб айтаманки, мен сизни ҳимоя қиласман.

Тўғриси, мен умрим давомида бирон-бир раҳбардан бундай илиқ ва самимий гапни эшишмаган эдим.

Болаликдан етим қолганман, кўп қийинчилкларни боши

дан кечириб, ҳатто институтда ўқиган кезларим марди-корлик қилиб кун кечирғанман, шу боисми, вилоят раҳбарининг оталарча далласи, қўллаб-қувватлаши кўнглимни төгдек юксалтириди. Ўзимга ишончим ортди.

Бу воқеа ҳали-ҳамон ҳаётимни нурлантириб туради.

Албатта, мен у кишининг олдида ерга қараб қолишни истамас эдим. Шунинг учун куч-гайрат билан ишига киришдим. Лекин баривир акси содир бўлди.

1987 йилнинг май ойи эди. Туман раҳбарияти кенгайтирилган бюорода бизнинг колхоз билан Файзулла Хўжаевномли совхозда яганалаши, гўзага ишлов бериш масаласини муҳокама этиб, ишини қониқарсиз аҳволда, деб топди. Худди шу пайт, ҳеч куттилмагандан, Қаршидан телефон бўлди.

Туманимизнинг биринчи котиби вилоят раҳбарига мавжуд аҳвол ҳақида маълумот берар экан, энди кўрмайсизми, мана шу икки хўжалик оёғимизга тушов бўляпти, уларнинг раҳбарларини ишдан олмоқчиман, деб қолди.

Мен бир четда, бурчакка қисилиб ўтирган эдим, бу гапдан оёғимнинг учига довур музлаб кетди. Ишдан олмоқчи бўлгани учун эмас, балки мана шу гапни Ислом Абдуғаниевичга айтгани учун туман раҳбаридан хафа бўлдим. Худди шу пайтда у:

— Бойхонов, — деди мени имлаб. — Сизни Ислом Абдуғаниевич сўраяптилар.

Қани энди ер ёрилсаю ерга кириб кетсан! Рост-да, у кишига нима дейман? Важ кўрсатишга юз борми? Кеча, яхши ишлайман, деган эдим-ку!

Бир амаллаб ўрнимдан турдим-да, телефон гўшагини қўлимга олдим, салом бердим. Овозим титраб чиқди шекилли, Ислом Абдуғаниевич:

— Ишлар қандай, Бойхонов? — деди бир оз юмшоқ овозда.

Азбаройи шошиб қолганимдан:

— Яхши, — дебман.

— Яхши бўлса, нега масалангиз бюорода кўриляпти? — деб сўради вилоят раҳбари. Мен мулзам бўлиб, нима де-

ишини билмай қолдим. Ислом Абдуғаниевич ахволимни тушундими, яна сабол берди:

— Қани, айтинг-чи, нега хўжаликда иш бир текисда кетмаяпти? Бирон нима етишимаяптими?

— Айрим эҳтиёт қисмларни топиш қийин бўляпти, — дедим мен. — Бугун-эрта топиб келишади, бир-икки кун ичida ишини ўнглаб оламиз.

Ислом Каримов яна икки кундан кейин туманимизга келишини, хўжалигимиздаги ишлар билан танишишини айтди. Сўнг туман раҳбари билан гаплашди.

Орадан бир кун ўтгач, эрталаб соат еттида вилоят раҳбарининг оқ «Волга»си дала шийпонимиз олдига келиб тўхтади. Ислом Абдуғаниевич машинадан тушиб, мен билан самимий сўрашди, сўнг пайкалга қараб юрди. Ҳар бир чопиқчи билан ҳол-аҳвол сўрашиб, кўнгилни кўтарадиган гаплар айтди. Шу билан бирга, ғўзанинг туп сони, культивацияянинг сифатини кўздан кечирди. Ишнинг ма-ромидан қониқиши ҳосил қилди шекилли, Нормурод Тоштемиров бош бўлган бригадага қараб юрди. Одамлар билан саломлашиб, бир коса чалоп ичди, сўнг ўзини қуршаб олган колхозчилар билан дехқончасига дилкаш гурунг қилди.

Сўнг яна пайкалларни оралар экан, культивация қилаётган тракторчининг ишидан бир оз ранжиди. Нимага деганда, культиваторнинг «тиши» нотўғри жойлашгани учун ғўза илдизини қирқиб юбориши эҳтимоли бор эди. У ўша мосламани ўз қўли билан созлаб берди.

Нихоят, культиватор «тиши»лари бир хил чуқурликда тупроқни юмшатиб кета бошлиди. Бундан хурсанд бўлган Ислом Абдуғаниевич тракторчи йигитни имлаб, ёнига чақирди.

— Ука, исминг нима?

— Холмат.

— Болалар нечта?

— Бешта.

Ислом Абдуғаниевич унга ҳазиллашиди:

— Холматжон, бир илтимосим бор, агар иложи бўлса,

*культивация тугагунча келиннинг ёнига йўламасанг. Чунки ўзага биринчи ишлов бериши оғир ва ўта нозик иши, бу ҳам келинчакка ўхшаб алоҳида эътибор талаб қиласади...*

**Ҳаммамиз кулишидик.**

*Вилоят раҳбари хайрлашаётган пайтида:*

— Бардам бўлинг, — деди менга юзланив. — Одам бўшашиб маслиги керак. Нимага деганда, хўжалик аъзолари сизга қараб қадам ташлайди. Тушундингизми? Агар бирон-бир камчилик бўлса, ҳеч тортинмай ўзимга мурожаат қилинг.

*Менинг кўнглим яна тоғдай кўтарилиди.*

*Ўйласам, ҳайрон қоламан. Агар икки кун аввал Ислом Абдуғаниевич туман раҳбарига қўйқисдан телефон қилмаганида, эҳтимол ишдан олинган, ҳаётим бутунлай бошқа ўзанга тушиб кетган бўлармиди?*

## **ТАНГЛИКНИНГ ТУБ ИЛДИЗЛАРИ**

Ислом Каримов вилоятда иш бошлагач, биринчи навбатда аввалги йилларда бошқарувда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, тармоқлар ва умуман, ишлаб чиқаришдаги, иқтисодиётдаги тангликнинг туб илдизларини жиддий ўрганиб чиқишига киришди. Бу ҳолатни чуқур таҳлил этиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликдаги оқсоқликдан тегишли хулосалар чиқариш керак эди, албатта. Шу мақсадда у ҳар бир соҳа вакили билан алоҳида сұхбатлашди, ўтган уч йилга тааллуқли ҳужжатларни бир-бир кўздан кечириб чиқди. Чунки ҳеч бир муаммо тасодифан пайдо бўлмайди. Барча иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бепарволик ҳукм сурган жойдагина хўжасизлик илдиз отади. Ҳар бир раҳбар ўз тасарруфидаги хўжалик ишини тўғри йўлга қўйса, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиб борса, янгиликларни ҳаётга жорий этса, одамлар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўсиш ҳам, улғайиш ҳам бўлади.

Айтиш керакки, янги раҳбарнинг қадами ёқди, 1987 йилнинг феврали ёғин-сочинли келди.

Ўтган икки ой ичida Ислом Каримов барча туманларни бирма-бир айланиб чиқди, олис, чекка қишлоқларда, одамларнинг уйларида бўлди, катта-кичик билан танишди, уларнинг шарт-шароитини ўз кўзи билан кўрди, экин экиладиган ерларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганди. Шу билан бирга, қабулига келаётган юзлаб-минглаб кишиларнинг арзу додини эшитди. Арзгўйларнинг аксарият кўпчилиги «пахта иши» бўйича ноҳақ жазога тортилган одамларнинг оила аъзолари, хўрланган ва ҳақоратланган аёллар, қадди

букилган чол-кампирлар бўлиб, улар ҳақсизлик жафосидан шикоят қилишар, вилоят раҳбаридан нажот кутиб қараб туришар эди.

Кечқурун соат 11 дан сўнггина қабулхона сокинлашар, ўтган куннинг оғир таассуротлари хаёлни банд этарди.

Вақт ярим кечага яқинлашганда ҳам биринчи раҳбар хонасида чироқ ўчмас, у газета тахламларини дикқат билан кўздан кечирав экан, айрим сатрларнинг остига чизиб ўқир эди:

*«Қайси бири олдинда юрмоғи керак: инсонми ё шуҳрат? Ҳаётда ҳар икки ҳол ҳам юз бериши мумкин. Инсон шуҳратдан олдин юрса, шуҳрат унга эргашса, нур устига нур. Аксинча, инсон шуҳрат ортидан қувса, бундан ёмони йўқ. Ульянов туманида кейинги уч йил мобайнида айни мана шу иккинчи ҳол содир бўлди...»*

*«Кўзбўямачилик, давлатни алдаш, шахсий бойлик орттириш сингари салбий ҳолатлар Фузор туманида ҳам юз берган. Аҳолидан ўтган йили 777 бош қорамол сотиб олиниб, семиртирилмасдан гўштга топшириб юборилган...»*

*«XVI пленум талаблари асосида бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўтган вақт ичida Яккабоғ туманида раҳбар ва масъул ходимлардан 14 киши ўз вазифасидан озод этилди...»*

Ўша давр руҳини ўзида ифода этган ушбу сатрлар замирида қанчадан-қанча чалкаш тақдирлар, оғир қисматлар, инсонларнинг кулфат ва мусибатлари яширин эди.

Кейинчалик Ислом Каримов ўзи бу ҳақда шундай деб қайд этган эди:

*«Одамлар бизга ишонч ва талаб билан мурожаат этишади. Улар илгари сураётган масалалар ичida озиқ-овқат савдоси, майший хизмат кўрсатиш ва уй-жой таъминоти алоҳида ўрин тутади. Аслида бу муаммоларни куйи ташки-*

**лотлар ҳал этиши лозим. Лекин кишилар бизга мурожаат этаётган экан, бу – куйи бўғиндаги масъул шахслар жавобгарликни тўла хис қилиб ишламаётганини кўрсатади.**

**Одамлар қаердан ва кимдан нажот топса, ал-батта, ўшанга мурожаат қилишади.**

**Усмон Юсупов туманидаги 21-совхозда дех-қончилик ҳам, иқтисодиёт ҳам орқага кетди. Аҳволни ўнглаш учун нималар қилмадик. Ҳатто, вилоят раҳбари вакили ойлар мобайнида шу хўжаликда бўлса-да, сезиларли ижобий ўзгариш кўзга ташланмади. Ахийри, Чўли Бегимкуловнинг ўғли, тажрибали миришкор Иброҳим Бегимкулов раҳбарликка тайинланди, шундан сўнг ишлар юришиб кетди.**

**Бу нимани англатади?**

**Раҳбарнинг одамийлиги, ишнинг кўзини билиши, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги доимо муҳим аҳамият касб этади».**

Афсуски, республиканинг ўша даврдаги раҳбаријати кадрлар масаласида Марказдан ёрдам сўрагач, кейинчалик «десантчи»лар деб ном олган, Ўзбекистоннинг шарт-шароитини, ҳалқнинг менталитетини мутлақо билмайдиган, маҳаллий аҳолига менсимай қарайдиган шахслар турли ўлкалардан келиб, масъул лавозимларни эгаллай бошлади. Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг раиси А.Кадин ҳам мана шуларнинг бири бўлиб, у Белгород шаҳридан келган ва вилоятдаги ўзига ўхшаган ўн саккиз нафар «десантчи»дан бошқа ҳаммани ўғри, порахўр, муттаҳам деб биларди. Шу боис унинг «тозалаш» ўтказишдан бошқа дарди-фикри йўқ эди.

Буни 1985 йилнинг уч ойида вилоят раҳбарининг уч муовини, саккиз нафар бўлим мудири, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижрокўмлари

нинг 12 нафар раиси, вилоят миқёсидаги йирик ташкилотларнинг 27 нафар раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раис ва директорлари ишдан олингани ва уларнинг аксарият кўпчилиги жиноий жавобгарликка тортилганидан ҳам билса бўлади.

«Тозалаш» кампанияси кўпдан-кўп тажрибали ва ишбилармон мутахассисларни, жонкуяр инсонларни ўз домига тортиб, вилоятдаги аҳвол янада мураккаблашмоқда эди. Гарчи буни англаб турса-да, танаси бошқа – дард билмас, деганларидек, А.Кадинга ўхшаш кимсалар ўзбошимчалик ва зўравонликка чек қўйишни хаёлига ҳам келтирмасди. Улар учун бу вилоят гўёки «тажриба майдони»га айланган, энг ёмони, бундай кимсаларнинг шаштини қайтаришга журъат этадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Айтиш керакки, бошқа вилоятлар ҳам бу мудҳиш қатағон гирдобидан четда қолган эмас. Лекин Қашқадарё аҳли учун бу кулфат жуда қимматга тушди.

Ислом Каримов мана шундай изтиробли ўй-хаёллар билан тонг оттиргач, сахар туриб Баҳористон туманига йўл олди.

У 70-йилларнинг бошида ушбу туманни айланниб кўрган эди. Ўшандан бу ерда қиш қаттиқ келиб, қалин қор ёқсан, Чандир ва Помук қишлоқлари ёғин-сочинга чидаш бермаган, уйлар қулаб тушган, аҳоли бошпанасиз қолган эди. Одамлар чодирларга кўчирилиб, сўнг уларга турар-жой бинолари курилган эди. У Давлат план комитетининг масъул ходими сифатида ана шу ишларда иштирок этган эди. Аммо ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди.

Хозир бу қишлоқларда аҳвол қандай экан? Бошқа жойларда-чи? Қиш яна қаттиқ келиб, ёғин-сочин авж олса, уйлар чидармикан?

Турмуш-чи? Одамларнинг турмуши қай ҳолатда?  
Улар ҳаётдан розими?

Мана, узоқдан Чандир қишлоғи кўзга ташланди, турар-жой бинолари режа асосида курилган, ши-

нам иморатлар, кенг-мўл кўчалар кўзга қувонч бағишилайди. Қишлоқдан ўтиб, яна бир оз йўл юрилгач, қинғир-қийшиқ кўчалар, гувала девор урилган кўримсиз ҳовлилар бошланди. Ҳатто туман марказида ҳам кўзга кўринарли бирон кўча ёки иморат деярли учрамас, бозор ҳам ўзига яраша, ғариф ва қаровсиз эди.

Мактабнинг аҳволига-ку, қараб бўлмайди. Тутдек тўкилай деб турибди.

Хўш, бу ерда одамларнинг бошини бириктирадиган, уларнинг ҳаётига маъно-мазмун, ёруғлик олиб киришга хизмат қиладиган қандай маскан бор? Қачон бу ерда чиройли гузарлар, майший хизмат шохобчалари, маданият уйлари барпо этилади?

Кўчалар умри бино бўлиб асфальт кўрмаган. Наҳотки, йўлнинг икки тарафига дов-дарахт экиш, бу жойларни обод қилиб, боғ-роғга айлантириш шунчалик қийин бўлса? Наҳотки, одамзот, ҳаётнинг бўлган-тургани шу, деб ўтиб кетаверса?

Ислом Абдуғаниевич омонат қурилган, сувоклари кўчиб тушган, файзсиз уй-жойларга қараб, афсус билан бош чайқади.

Бу жойларни обод этиш ўз-ўзидан бўладими? Бунга озмунча маблағ керакми?

Холбуки, ўтган йили бирон-бир туман пахта тайёрлаш йиллик режасини бажармаган. Вилоятда 596 минг тонна ўрнига атиги 354 минг тонна пахта тайёрланган, йиллик режа 59 фоизда қолиб кетган. Агар аҳвол яна шундай давом этса, ҳеч кимнинг косаси оқармайди, вилоят иқтисодиётида ҳам, одамларнинг шахсий турмушида ҳам ўсиш бўлмайди.

Биргина «Қаршицелинхлопок» трести тизимида-ги чўл хўжаликларининг давлат олдидаги қарзи 158 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ҳамма соҳада ишлар издан чиқсан. Бу эса ўз навбатида аҳолининг, ишчи ва колхозчиларнинг турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хўш, бу мушкул вазиятни, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни қандай ўнглаш мумкин? Белгиланган режа ва олинган мажбуриятларни бажариш учун нима қилиш даркор? Ишни қандай ташкил этса, са-марадорликка эришиш мумкин?

Ўтган йилларнинг аччиқ сабоги, таҳлиллар шуни кўрсатадики, аввал-бошдан вилоятнинг на яқин келажакка, на узоқ истиқболга мўлжалланган ўз ривожланиш дастури бўлган. Қашқадарёнинг вилоят сифатида тугатилиб, Сурхондарё вилояти таркиби-га қўшиб юборилиши, сўнг яна қайта тикланиши, раҳбарларнинг лоқайд ва бепарволиги бошланган ишларнинг ўлда-жўлда қолиб кетишига, жойларда мана шундай аҳволнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Кейинги йилларда эса иш тамомила ўз ҳолига ташлаб қўйилган, оқибатда одамларнинг меҳнатдан кўнгли совиб, мавжуд имкониятлар ҳам бой берилмоқда.

Вилоятни кўтариш – бу фақат режаларни уdda-лашдан иборат эмас. Энг аввало, ҳар бир киши қилган меҳнатининг самарасини кўрсин, даромад топсин, бу эса янги қурилишларга, ободончиликка замин яратсин, кишилар турмушига файз киритсин.

Мана шунда эл-юрт рози бўлади, ишлар олдинга босади.

Бунинг учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини, агротехниканинг илғор усулларини, пешқадам пахтакорларнинг қимматли тажрибалирини кенг жорий этиш зарур. Чунки ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам омилкорлик билан мўл ҳосил этиштираётган, уни ўз вақтида йиғишишириб олаётган, юзи ёруғ, турмуши бекаму кўст бўлган жамоалар оз эмас. Кўплаб бригада ва бўлимлар, айrim хўжаликлар ҳатто ўтган йили ҳам яхши натижаларга эришган. Уларнинг тажрибасини оммалаштириш, одамларда ўз кучига ишонч ҳиссини уйғотиш лозим.

Шу мақсадда 12 январь куни вилоят партия құмітаси қошида қишлоқ хұжалигига илғор тажрибаларни тарғиб қилиш ва амалиётта тәдбиқ этиш бүйича кенгаш тузилди.

Ислом Каримов кенгашнинг вазифалари ҳақида тұхталиб, күпчилик әътиборини пахтачилиқдаги әңгдолзарб масалаларга қаратди.

Инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, астайдыл интилса, ҳаракат қилса, албатта унга эришади, деди у, биз вилоят хұжалигини оёққа қўймоқчимиз, уни қолоқлиқдан чиқариб, турмушимизни фаровон этмоқчимиз. Бугун бошлаётган ишларимиз ана шу эзгу мақсадга хизмат қиласди.

Кенгаш ўзининг дастлабки йиғилишини пахта уруғчилиги борасидаги муаммоларни мухокама қилишга бағишилади. Ҳар бир туман ва хұжаликнинг ўзига хос табиий иқлими, сув таъминоти ва ернинг ҳолатидан келиб чиқиб, чигитнинг қайси навидан экиш мақсадга мувоғиқ эканини олдиндан белгилаш, юқори сифатли уруғлик тайёрлаш масаласига алоҳида әътибор қаратилди.

Кўпни кўрган пахтакорлар, малакали мутахассислар, селекционер олимлар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, уруғликни танлаш, саралаш ва ўз вақтида ерга қадаш, фўзани астайдил парвариш қилишнинг ижобий самаралари ҳақида мухим фикрлар, пахта уруғчилигини янада яхшилаш бўйича қимматли мулоҳазалар билдиришди.

Йиғилишда сифатли ишлов берилган сара уруғлик экилган тақдирда ҳосилдорликни ўттиз фоизга қадар кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди. Энг асосийси, ерни меҳр билан парвариш қилиш, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш, ўз вақтида экишга тайёрлаш, вақтида чигит қадаб, уни бир текис кўкартириб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кўриқ туманларда ишчи кучи оз, шу боис, чигитни аниқ ташлайдиган сеялкалардан унумли фойдала-

ниш даркор. Шунда яганалашга зарурат қолмайди. Асосий ерларда чигитни пуштага экиш мақсадга мувофиқ.

Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, кўчат бир текис кўкаради, фўзанинг ўсиши тез кечади. Чунки пуштада тупроқ ҳарорати сакланади. Буни иnobatga олиш лозим, албатта.

Пахта навларини районлаштиришда тупроқ-икълим шароитини ҳисобга олиш, шунингдек, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида тез ва соз ўтказилишини назорат қилиш СоюзНИХИ вилоят филиали мутахассислари зиммасига юклатилди.

– Менимча, дехқончиликда айни фақат уруғга ёки бўлмаса, об-ҳавога тўнкаш ҳам унча тўғри эмас, – деди Қарши туманидаги 8-совхоз агроучасткаси бошлиғи Лев Николаевич Ким. – Ўтган йил жуда оғир келган бўлса-да, биз ўзимиз кўзда тутган ҳосилни йиғишириб олдик. Албатта, бунинг учун қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келди. Ўз вақтида кузги шудгорлашни ўтказдик, керакли миқдорда ерга ўғит солдик, тупроққа обдон ишлов бердик. Еrimiz ҳам шунга яраша ҳосил берди. Бу – оддий қонуният. Лекин, бугун таъкидланганидек, эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори навлар бўлса, шу билан бирга, селекционер олимларимиз ўз вақтида келиб, «Ҳорма – бор бўл!» деб, қимматли маслаҳатлар бериб турса, бунга нима етсин. Минг афсуски, биз олимлар билан амалий ҳамкорлик қилишни унутиб кўйганмиз. Умуман, кейинги йилларда бирон марта мана шундай йиғилишиб, ўзаро фикрлашиб, шундан сўнг ишга киришганимизни эслай олмайман. Ҳар ким ўзича иш юритади. Бу эса биз, дехқонлар учун қимматга тушмоқда. Агар, очиқ айтадиган бўлсам, бугунги мулоқотдан жуда кайфиятим кўтарилди, нега деганда, биз шу тобда жамиятга керакли одамлар эканимизни, ҳар бир саъй-ҳаракатимиз вилоят раҳбарининг назарида турганини ҳис этдик.

Ишимизнинг мана шундай амалий тарзда бошлангани кишини қувонтиради. Шу маънода, бугун иш бошлаган кенгаш янада яхши самаралар беришига асло шубҳа қилмайман. Тўғри, вилоят бўйича ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп ҳосил етишириш осон бўлмайди, лекин, бу – қилса бўладиган иш, деб ўйлайман.

Йиғилишда Ислом Каримов Қашқадарёни тараққий эттириш учун битмас-туганмас табиий имкониятлар мавжуд эканига алоҳида тўхталди.

– Унумдор тупроғимиз, саховатли еримиз, серҳосил боғ-роғларимиз бор, – деди у. – Энг муҳими, омилкор ва заҳматкаш халқимиз улуғвор ишларни амалга оширишга қодир. Вилоятни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш ҳам, унинг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўшадиган ҳиссасини ошириш ҳам қўлимииздан келади. Бунинг учун бирбиримизни қўллаб-қувватлаб, файрат ва шижоат билан ишлашимиз лозим бўлади.

Мана шу рух ва қатъият воҳа ахлининг кучига – куч, файратига файрат қўшди. Эрта кўкламдан улар янги раҳбар атрофида жипслашиб, енг шимариб ишга киришди. Ният ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп пахта, тўққиз фоиз кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат эди.

Ишчию дехқон ҳам, пиллакору чўпон ҳам, зиёли ва хизматчи ҳам – барча-барчаси воҳа ҳаётига янги бир нафас кириб келаётганини сезар, шундан куч олиб, қийинчиликларни енгиб ўтишга интилар эди.

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалигининг собиқ бригада бошлиғи Гулчеҳра Мўминова ҳикояси:

— Саксонинчи йилларнинг охирида вилоятимизда одамлар тинчини, ҳаловатини йўқотган, ишилар орқага кетиб, мусибат ва ташвишлар элни эзib ташлаган эди. Бу кулфатлар камлик қилгандек, ҳарбий қисмлардан кетмакет жез тобутлар келарди. Қисқаси, юртдан файзу бара-ка кўтарилиган эди.

Мана шундай базиятда камтар ва жонкуяр, қатъиятли ва матонатли инсон — Ислом Каримов вилоятимизга раҳбар бўлиб келди.

Орадан кўп ўтмай, 1987 йилнинг 12 январида «обком бова»нинг ташаббуси билан вилоятимизда ошкора мулоқот ташкил этилди.

Ислом ака ўшанда Қашқадарёнинг обрўсини тиклаш, шаҳар-қишлоқларни обод этиши, ҳалқни рози қилиши ҳакида қўйиниб гапирди, сўнгра «Хўш, бунинг учун ишини нимадан бошлишимиз керак?» деб сўради.

Вилоятда ҳар бир киши ўз фикрини очиқ айтишига дастлаб ўшанда йўл очилган. Фикрлар хилма-хил, ҳатто бир-бирига зид эди. Лекин Ислом ака вазминлик билан ҳаммани тинглади, кейин хулоса қилиб, ишор тажрибаларни тарғиб қилиши ва амалиётга тадбиқ этиши бўйича кенгаш тузишни таклиф этди.

Шу ишчилишида у, «пахта иши» бўйича қамалганлар ишини атрофлича ўрганиб, ноҳақ жабр чекаётганларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳалқнинг руҳини кўтариш лозим, деб уқтирди.

Ҳакиқатан ҳам, «қўшиб ёзиш»да айбланиб, кўпдан-кўп обрўли раҳбарлар, ҳатто oddий одамлар, бригадир ва ҳосилотлар қамоқча олинган, бу иши жуда оммавий тус олиб кетган эди. Қамалганлар қанчалик жабр чекса, уларнинг ортида қолган, юрак-бағри қон бўлган қариндош-уругла-

*ри, ҳар куни терговга қатнаётган яқынлари янада күпроқ қийналарди. Аслида мана шу бесаранжомлик туфайли жойларда иш тұхтаб қолған әди.*

*Ислом ақа бу масалани ечишига астайдил киришиди. Үша кундан бошлаб вилюятимизда ҳақиқат үз үрніга туша бошлади, десам, хато бўлмайди.*

**Меҳнат фахрийси Ёмғирчи Бозоров ҳикояси:**

*— Бу воқеа 1988 йилнинг 22 марта содир бўлган әди.*

*Мен үша кезлар Косон туманидаги Ленин номли хўжалик раиси әдим. 1984 йилда, энди иш бошлаган давримда пахтадан атиги 14 центнердан ҳосил олинди. 1987 йилга келиб, бу кўрсаткич 29 центнерни ташкил этди.*

*Үша йили саломатлигим оғирлашиди, шу сабабли ишдан озод этишиларини сўраб ариза ёздим. Мени шифохонага ётқизишди. Даволаниб чиққач, туман раҳбарининг қабулуга бордим, аризам инобатга олиннишини илтимос қилдим. Худди шу пайт телефон жиринглаб қолди. Туман раҳбари ким биландир гаплашиди, сўнг:*

*— Ҳа, мана ўзиям ёнимда ўтирибди, — деди-да, трубкани менга узатди ва: — Ислом Абдуғаниевич сизни сўрапяти, — деди.*

*Ислом ақа соглизимни, уй ичиларни суришитирғач:*

*— Эртага менинг олдимга кела оласизми? — деб сўради.*

*— Албатта бораман, — дедим мен.*

*Эртаси куни вилюят раҳбарининг қабулхонасида ўтирсам, ичкаридан Ислом Абдуғаниевичнинг ўзи чиқиб келди, сўрашиди, сўнг кабинетга таклиф этди.*

*— Шундай одамлар бор, амал деса, ўзини томдан ташлайди. Нега энди сиз раисликдан кетмоқчисиз? — деб сўради менга синчков назар ташлаб.*

*— Тансихатлик бўлмаса, одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас экан, — дедим мен.*

*— Яхши, — деди Ислом Абдуғаниевич. — Мен колхозингизнинг молиявий аҳволини ўрганиб чиқдим. Хўжалик бир бақтлар бўғзигача қарзга ботган экан, хўш, сизнингча, бу гунги ютуқларнинг асосий омили нимада?*

— Биз ингичка толали пахта экамиз, — дедим мен. — У саноат учун қимматбаҳо хомашё ҳисобланади, нархи ҳам баланд.

— Бу — масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати — одамлар ишилаяпти. Демак, улар сизга ишонади. Аммо бу имзосиз хатларни ким ташкил этяпти? — деди Ислом Абдуганиевич стол устида турган хатларга ишора қилиб.

— Менимча, шикоятбозликдан безор бўлиб, ариза бергансиз, тўғрими?

Тасдиқ маъносида бош ирғадим. Пировардидаги киши, бориб ишини давом эттиринг, сизни ўзим кафилликка оламан, деди.

Кўнглим тоздай ўсиб, хўжаликка қайтдим, енг шимаруб ишига киришдим.

Кўп ўтмай, вилоятда чигит экиш даврида сувни тежашга башибланган йизилиши бўлди. Ўшанда мен, қандай бўлмасин, аввало ерни сугориб, кейин чигит экиш керак, дедим. Аксарият раҳбарлар эса сувни тежаш лозим, деб менга қарши чиқшиди.

Баҳор серёғин келса-да, саратондаги гармесел тупроқдаги намни қуритиб юборди. Аксига олиб, сув тақчил, лекин ўззани сугориш керак. Ахийри, зовур сувларидан фойдаланишига мажбур бўлдик. Шундай кунларнинг бирида, адашмасам, июль ойи эди, Ислом Абдуганиевич хўжалигимизга келиб, пайкалларни айланди, ташвишланиб зовур сувининг таъмини тотиб кўрди, сўнг:

— Ёмайричи ака, ширин-ку! — деди чироий очилиб. — Бемалол сугорса, бўлади. Насиб этса, августда теримга киришасиз, шекилли?

— Насиб, — дедим мен.

У киши гоят хурсанд бўлди.

Ислом Каримовнинг ҳар бир меҳнаткаши тақдирига алоҳида куюнчаклик билан қараши, унга холис муносабатда бўлиши, инсонни қадрлашини. мен ўз ҳаётимда кўрганман.

Шуни ҳам айтишим керакки, у киши ёлғиз менга эмас, менга ўхшаган минглаб одамларга тоздек таянч бўлган.

## ҚАТЬИЯТ

Ислом Каримовнинг кундалик иш тартиби қатъий эди: тонг ёришмасдан туриб, навбатдаги туманга йўл олар, дала ишларини кузатар, аксарият ҳолларда эса колхозчилар ишлаётган далада ёки бирон-бир қишлоқда тўхтаб, кишилар билан сухбатлашар эди. Одамларнинг муносабати ва гап-сўзларидан жойдаги ҳақиқий аҳволни, иш қандай бораётганини билиб оларди.

Биринчи котиб келиб, ишларни кўриб кетганидан ўша хўжалик ёки туман раҳбари кўпинча кейинчалик хабар топарди ва дарҳол Ислом Абдуғаниевич билан ҳамсуҳбат бўлган одамларни қидириб, вилоят раҳбари нима ҳақда сўраб-суриштирганини аниқлар, безовта бўлиб, ўз ишига янада қаттиқ киришар эди.

Ислом Абдуғаниевич кунни асосан туманларда, хўжалик ва саноат корхоналарида ўтказар, гоҳо қош қорайганда, гоҳо эса туш пайти идорага кириб келар эди.

У, одатда, эл қатори биринчи қаватда жойлашган оддий ошхонада овқатланарди. Кунлик ишларини қандай режалаштиришдан қатъи назар, идорага қайтгач, ярим кечагача, албатта, кабинетда ишлар, хизмат юзасидан ўзи чақирирган шахсларни, муҳим аҳамиятга молик масала юзасидан келган раҳбарларни, ариза ва шикоят билан мурожаат этган фуқароларни, журналистларни қабул қиласарди. Шубоис вилоятдаги ташкилот раҳбарлари, каттаю кичик амалдорлар ҳам ўзларининг иш тартибига ислоҳ

киритган, энди уларнинг кабинетларида ҳам ярим кечагача чироқ ёниб турар эди.

Ислом Каримовни, айниқса, Нишон туманидаги аҳвол безовта қиларди. Нега деганда, тумандаги аксарият хўжаликлар янги ўзлаштирилган ерларда ташкил топган эди. Одамлар ўз вақтида бу хўжаликларда ишлаш учун иссиқ уй-жойини, қишлоғини ташлаб, чўл бағрига кўчиб келишган, кутилмаганда бошланган «қама-қама»лар эса бу заминда шакланаётган осойишта ҳаётни пароканда этиб ташланган эди.

Вилоят раҳбари туманинг ҳар бир хўжалигини, ҳатто катталарнинг оёғи етмайдиган овлоқ далаларни ҳам айланиб кўрди, одамларнинг турмуш шароитини обдон ўрганди.

Кимдир қамалган, кимдир кўчиб кетган.

Қаёққа қараманг, қўнимсизлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик.

Йўқ, одамлар меҳнатдан қочмайди, қийинчиликдан қўрқмайди, фақат уларнинг кўнглини кўтариш, ақл-идрок билан бошчилик қилиш даркор.

Қандай бўлмасин, аҳволни ўнглаш керак. Агар ўзгариш бўлмаса, аниқки, на даромад, на тўкинчилик, на қурилиш ва на ўсиш бўлади.

Шу мақсадда тумандаги танг вазият, қолоқликни келтириб чиқарган асосий сабаблар ҳамда янги хўжалик йилига тайёргарлик масаласи вилоят партия ташкилотининг биринчи бюроси кун тартибиға қўйилди.

Ислом Каримов мажлисда бу масала расмиятчилик учун кўрилмаётгани, масъул шахслар ҳушёр тортиши, туманда тартиб ўрнатиши зарурлиги, агар ишлар тўғри ташкил этилиб, ҳозир жонлантириб юборилмаса, кейин кеч бўлишини алоҳида уқтирди.

Нима учун мана шу тумандаги б-совхознинг иши ҳамиша сезилиб туради? Нега одамлар ҳамжиҳат, ишга бир ёқадан бош чиқариб киришади? Чунки совхоз директори Ҳайитмурод Фармонов, қачон қара-

## ҚАТЪИЯТ

Ислом Каримовнинг кундалик иш тартиби қатъий эди: тонг ёришмасдан туриб, навбатдаги туманга йўл олар, дала ишларини кузатар, аксарият ҳолларда эса колхозчилар ишлаётган далада ёки бирон-бир қишлоқда тўхтаб, кишилар билан сұхбатлашар эди. Одамларнинг муносабати ва гап-сўзларидан жойдаги ҳақиқий аҳволни, иш қандай бораётганини билиб оларди.

Биринчи котиб келиб, ишларни кўриб кетганидан ўша хўжалик ёки туман раҳбари кўпинча кейинчалик хабар топарди ва дарҳол Ислом Абдуғаниевич билан ҳамсуҳбат бўлган одамларни қидириб, вилоят раҳбари нима ҳақда сўраб-суриштирганини аниqlар, безовта бўлиб, ўз ишига янада қаттиқ киришар эди.

Ислом Абдуғаниевич кунни асосан туманларда, хўжалик ва саноат корхоналарида ўтказар, гоҳо қош қорайганда, гоҳо эса туш пайти идорага кириб келар эди.

У, одатда, эл қатори биринчи қаватда жойлашган оддий ошхонада овқатланарди. Кунлик ишларини қандай режалаштиришдан қатъи назар, идорага қайтгач, ярим кечагача, албатта, кабинетда ишлар, хизмат юзасидан ўзи чақирирган шахсларни, мухим аҳамиятга молик масала юзасидан келган раҳбарларни, ариза ва шикоят билан мурожаат этган фуқароларни, журналистларни қабул қиласарди. Шу боис вилоятдаги ташкилот раҳбарлари, каттаю кичик амалдорлар ҳам ўзларининг иш тартибига ислоҳ

киритган, энди уларнинг кабинетларида ҳам ярим кечагача чироқ ёниб туради.

Ислом Каримовни, айниқса, Нишон туманидаги аҳвол безовта қиласиди. Нега деганда, тумандаги аксарият хўжаликлар янги ўзлаштирилган ерларда ташкил топган эди. Одамлар ўз вақтида бу хўжаликларда ишлаш учун иссиқ уй-жойини, қишлоғини ташлаб, чўл бағрига кўчиб келишган, кутилмагандан бошланган «қама-қама»лар эса бу заминда шакланаётган осойишта ҳаётни пароканда этиб ташланган эди.

Вилоят раҳбари туманнинг ҳар бир хўжалигини, ҳатто катталарнинг оёғи етмайдиган овлоқ далаларни ҳам айланиб кўрди, одамларнинг турмуш шароитини обдон ўрганди.

Кимдир қамалган, кимдир кўчиб кетган.

Қаёққа қараманг, қўнимсизлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик.

Йўқ, одамлар меҳнатдан қочмайди, қийинчиликдан қўрқмайди, фақат уларнинг кўнглини кўтариш, ақл-идрок билан бошчилик қилиш даркор.

Қандай бўлмасин, аҳволни ўнглаш керак. Агар ўзгариш бўлмаса, аниқки, на даромад, на тўкинчилик, на қурилиш ва на ўсиш бўлади.

Шу мақсадда тумандаги танг вазият, қолоқликни келтириб чиқарган асосий сабаблар ҳамда янги хўжалик йилига тайёргарлик масаласи вилоят партия ташкилотининг биринчи бюроси кун тартибига қўйилди.

Ислом Каримов мажлисда бу масала расмиятчилик учун кўрилмаётгани, масъул шахслар ҳушёр тортиши, туманда тартиб ўрнатиши зарурлиги, агар ишлар тўғри ташкил этилиб, ҳозир жонлантириб юборилмаса, кейин кеч бўлишини алоҳида уқтирди.

Нима учун мана шу тумандаги б-совхознинг иши ҳамиша сезилиб туради? Нега одамлар ҳамжиҳат, ишга бир ёқадан бош чиқариб киришади? Чунки совхоз директори Ҳайитмурод Фармонов, қачон қара-

манг, ишчилар билан бирга, уларга бош-қош. Тўйда ҳам, азада ҳам элдан ажралмайди.

Прокуратура ходимлари бу хўжаликни тўрт марта тафтиш қилишди, ҳатто гдлянчилар ҳам тиш қайраб кўришди, аммо бирон-бир жиноят аломатини топа олишмади.

Нега? Чунки иш тўғри ташкил этилган.

Омилкорлик туфайли хўжаликда мунтазам режалар бажариб келинади, энг муҳими, одамлар ҳаётдан, қилаётган меҳнатидан рози, уларнинг бели бақувват, турмуши фаровон.

Лекин нега тумандаги қатор хўжаликларда аҳвол тамоман бошқача? Давлатнинг иши ҳам, одамлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган?

Ахир, бирор келиб сиз билан бизнинг ҳаётимизни тартибга солиб бермайди-ку!

Вилоят раҳбарининг куюниб айтган фикрларидан, ҳақиқатдан кўз юмиш осон эмас эди, албатта.

Берилган маълумотга кўра, 1987 йилнинг 6 январига қадар тумандаги ерларнинг қарийб 4 минг гектари ҳайдалмай қолиб кетган эди.

– «Оқ олтин» совхозида неча гектар ер ҳайдалмаган? – деб сўради вилоят раҳбари. Аммо туман партия ташкилотининг биринчи котибидан саволга тайинли жавоб ололмагач, яна сўради: – «Самарқанд», «Туркманистон», «Коммунист» совхозларида шудгорлаш охирига етказилдими?

Туман раҳбари ҳеч тап тортмай, бу хўжаликларда шудгор аллақачон тугалланган, деди.

Ислом Абдуғаниевич ўйланиб қолди.

Дили бошқа, тили бошқа раҳбарларнинг мана шундай хатти-харакатига қандай баҳо бериш мумкин? Ишга, ҳаётга бундай лоқайд ва бепарво муносабат қандай ёмон оқибатларга олиб келишини наҳот бу одам тушунмаса? Ахир, ҳақсизлик, адолатсизлик мана шундай муносабатдан келиб чиқмайдими?

– Минг афсуски, сиз кўп нарсаларни, ҳатто ўз

туманингиздаги ҳақиқий аҳволни ҳам билмас экан-  
сиз, – деди вазмин оҳангда вилоят раҳбари. – Фик-  
римнинг тасдиғи сифатида шуни айтмоқчиманки,  
«Оқ олтин»да 900, «Туркманистон»да 210, «Самар-  
қанд»да 160, «Коммунист»да эса 90 гектар майдон  
мутлақо шудгор қилинган эмас. Энг ёмони, пай-  
каллар ҳатто фўзапоядан тозалангани йўқ. Агар,  
сиз ишдан чарчаб келиб, ечинмай ётиб қолсангиз,  
ухлагандек бўласизми? Йўқ. Ер ҳам тирик жон, шун-  
дай экан, вақтида шудгор қилиниши, вақтида иш-  
лов берилиши лозим. Унга меҳр кўрсатилмаса, ўз  
вақтида парвариш қилинмаса, билингки, у ҳам  
ҳосил бермайди.

Биз, нимагадир, жуда кўп ҳолларда ўзимизни ўзи-  
миз алдаб юрамиз, кун ўтса бўлди, деб ўйлаймиз, мана  
шундай алдам-қалдам ҳаракатлар оқибатида одамларни  
ишдан совутамиз, барчамизни боқадиган ернинг ум-  
рини увол қиласиз. Бундай иллатлардан бутунлай воз-  
кечишнинг вақти етди. Бутун халқимизнинг насибаси  
мана шу заминда кўкаради. Буни ҳеч ким, ҳеч вақт унту-  
маслиги лозим. Бугун биринчи навбатда шудгорни  
тугаллашимиз, кейин зудлик билан кўкламги тадбир-  
ларга тайёргарлик кўришимиз, ишларни олдинга сил-  
житиб, йилни ёруғ юз билан якунлашимиз даркор. Ана  
шунда даромад келади, қурилишлар қилишга, янги иш-  
ларни бошлишга йўл очилади, дастурхонимиз тўкин,  
турмушимиз фаровон бўлади.

Вилоят раҳбарининг тумандаги аҳволни яхши би-  
лиши, масалани холис таҳлил этиши, куюниб айтган  
ҳаққоний фикрлари, айниқса, гап оҳангидаги қатъият  
мажлисда ўтирган аксарият кўпчиликни хушёр торт-  
тирди.

Йиғилишда туманинг биринчи котиби қаттиқ огоҳ-  
лантирилди, ҳар бир раҳбар зиммасига талабчан-  
ликни ошириш ва бир ой муддат ичидаги йўл қўйилган  
камчиликларни бартараф этиш вазифаси юкланди.

Вилоят партия қўмиталари тажрибасидан маълум-

ки, бундай бүролар, мана шу тарздаги огохлантиришлар ҳамиша бўлган, аммо бу сафар ҳеч кутилмаган воқеа рўй берди.

Орадан ўн саккиз кун ўтгач, 1987 йил 30 январида кадрларнинг ижро интизоми бўйича яна Нишон тумани ҳамда Қарши шаҳар партия ташкилотлари масаласи навбатдаги бюро мажлисининг кун тартибидан ўрин олди.

Муҳокама пайтида туман раҳбарияти гарчи жиддий огохлантирилган бўлса-да, ўтган вақт ичida ахволни ўнглаш учун ҳеч бир амалий ҳаракат қилмагани, умуман, бу ерда лоқайдлик, сусткашлик ва ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш иллати чуқур илдиз отгани кундек равshan бўлди.

Афтидан, туман раҳбари «Бюорода бизнинг ишимиз сиёsat учун кўрилди, холос», деб ўйлаган, шу боис бепарволик қилган, мана шунинг оқибатида тақдири ҳал бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Чунки вилоят партия қўмитаси бюросида бундай масалалар илгари ҳам кўп кўрилар, камчиликлар танқид қилинар, ҳатто огохлантирилар, лекин бюородан сўнг иш яна «эски ҳаммом, эски тос» тарзида давом этар эди. Аммо бу гал масала шу қадар жиддий қўйилдики, туман раҳбари ҳатто ўзини оқлаш учун баҳона келтириши ортиқча эканини ҳис этди.

Йифилиш ижро интизомидаги масъулиятсизлик ҳолатлари учун туман раҳбариятининг ишини қониқарсиз, деб топди.

Кескин ва қатъий бу чора-тадбир ҳамон ўз ишига беписанд қараб келаётган аксарият раҳбарларни ғоят ҳушёр торттирди, улар бундан буён эскича кайфиятда ишлаб бўлмаслигини, масалага янгича кўз билан қараб, вилоят раҳбари билан қадам-бақадам одимлаш кераклигини англаб етди.

Орадан кўп ўтмай, қишлоқ-شاҳарларда ижобий ўзгаришлар сезила бошлади.

Ислом Каримов вилоят миқёсидаги навбатдаги мажлисда жойларда, хусусан, одамларнинг интилишларида, фикрлаш тарзида янгилик куртаклари, муаммоларни ижодий ҳал этиш, истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилаб олиб, амалий ҳаракат қилиш кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлади.

– Давр илгари сураётган ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун воҳада барча имкониятлар мавжуд, – дея уқтириди у. – Бизда саховатли замин, қулай табиий иқлим шароити, улкан ишлаб чиқариш захираси бор, энг муҳими, халқимиз жонкуяр ва меҳнатсевардир. Бундай имкониятдан фойдаланмаслик, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бермаслик гуноҳи азим бўлади.

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Саидов ҳикояси:

— Адашмасам, 1987 йилнинг 3 феврали эди.

Ўшанда мен Усмон Юсупов туманидаги 26-совхозда директор эдим. Менга қўнгироқ қилиб, вилоят раҳбарига учрашим лозимлигини айтшишди.

Қоши қорайган бир пайтда Қаршига кириб бордим.

Ислом Абдуғаниевич ишлаб ўтирган экан. У киши билан биринчи маротаба юзма-юз келишиш эди.

У киши ҳол-аҳвол сўрашгач, гапни мухтасар қилди.

— Биз сизни ўзингиз туглиб ўсган хўжаликка раҳбар этиб тайинламоқчимиз, — деди. — Шу масалада фикрингизни билмоқчи эдим.

— Ислом Абдуғаниевич, мен бу хўжаликда иш бошлаганимга ҳали бир йил ҳам тўлган эмас, бир оз ишлаб, ўзимни кўрсатсан, кейин бошқа жойга ўтсан, яхши бўлармиди?

— Масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўриш керак, албатта, — деди Ислом ака. — Лекин биз, ўзингиз туглиб ўсган хўжаликда астойдил меҳнат қиласиз, натижада шу жой обод бўлади, эл-юртга кўпроқ нафингиз тегади, деган фикрдамиз. Бафуржа мулоҳаза қилиб кўринг, бу масалага яна қайтамиз.

Жейновга қайтиб келганимда соат иккидан ошган эди. Лекин қани энди ухлай олсан.

Тонг отгунича ўйланиб ётдим. Қаранг, шу ёшга кириб, шунча жойларда ишлаб, ўз қишлоғим, ўз ҳамқишлоқларим ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Жейнов фарзанди бўлиб, уларнинг оғирини енгил қиласам, шу юртни обод этишга ўз улушимни қўшимасам, ким деган одам бўламан?

Мана шу воқеа рўй берган куни Ислом Каримовнинг вилоятда иш бошлаганига бир ой ҳам тўлмаган эди. У киши

мени Жейновга жүннатар экан, ушбу хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириши вазифасини зинмамага юклади.

Шахсан Ислом Абдуғаниевичнинг кўрсатмаси ва амалий ёрдами билан хўжаликда 4 та замонавий мактаб биноси қурилди, уларда қарийб 1500 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шунингдек, ҳар бирин 140 ўринли 3 та болалар боғаси, 100 ўринли 2 та шифохона, 3 та қишлоқ врачлик пункти ва ҳаммоллар барпо этилди.

Қўши қаватли «Жейнов» сабдо маркази, муҳташам Маданият саройи, ёзги кинотеатр, қатор сабдо рассталари, ошхона ва чойхоналар қад ростлади.

112 хўжалик истиқомат қилаётган «Ёшлиқ» мавзеси, консерва ва ғишт заводлари бунёд этилди. Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираасига улуғвор ёдгорлик ўрнатилди.

Бугун сиз Жейновнинг марказий кўчасини, боғ-роғларни, хиёбонларни айланиб кўрсангиз, кўзингиз қубонади.

Ислом Абдуғаниевичнинг шарофати билан умримнинг кейинги ўн олти йилини мана шу жойни обод этишига сафарбар этганимдан ўзим ҳам хурсандман.

Бугун Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси қатори жейноввиклар ҳам юртимиз фаровонлигини оширишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Нишон тумани деҳқон ва фермерлар уюшмалари вакиллиги директори Ҳайитмурод Фармонов ҳикояси:

— Ўша кезларда мен 6-давлат хўжалигининг раҳбари эдим. Бир куни Ислом Абдуғаниевич йўқлаб қолди, дарҳол қабулига етиб бордим.

У киши мендан:

— Қандай қиласак, ҳамма хўжаликларни сиз бошқарашётган совхоз даражасига чиқара оламиз? — деб сўради. — Ўзингизга маълум, 1986 йили вилоятда имконият ёмон бўлмаган, лекин, шунга қарамай, иш орқага кетган, кўпдан-кўп хўжаликлар бўғзигача қарзга ботган. Сиз бунинг асосий сабаби нимада, деб биласиз?

— Кейинги даврда ишининг орқага кетишига сабаб шуки, меҳнаткашларнинг базри бутун эмас, — дедим мен. — Сиз иш бошлигунча «пахта иши» бўйича ўн мингга яқин одам қамалган, бирон-бир хонадон йўқки, бундан жабр кўрмаган бўлса...

Ислом Абдуғаниевич қаттиқ ўйга толди.

— Кўп одамлар терговга чақирилиб, сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Бундай вазиятда кўнгилга иш сизармиди? Алам қиласигани - кўпчилик ноҳақ қамалган. Уларнинг қариндош-уруги, фарзандлари ўзи билан ўзи овора. Ишининг олдинга силжиши одамларнинг кайфиятига бевосита боғлиқ, албатта. Яна бир масала - ўзи ёки ёру биродари вақтида жабр кўрган дехқончилик усталари бор, бугун улар ҳам, оч қорним - тинч қулогим, деб ўзларини четга тортиб юрибди, - дедим мен.

— Ўзингиз яқиндан билган мана шундай инсонларни номма-ном айтинг, — деди у киши.

Мен асоссиз равишда ишдан бўшатилган, ҳалол ва меҳнаткаш ўн олти кишининг исм-фамилиясини айтдим, вилоят раҳбари уларнинг номини бирма-бир ёзib олди.

«Пахта иши» бўйича азият чеккан Равшан Тоштемиров, Ўрол Болтаев, Бердиёр Дўстмуродов, Мамарасул Баҳромов каби кўплаб собиқ раҳбарлар Ислом Абдуғаниевичнинг алоҳида эътибори туфайли қайта ишига тикланди. Улар ўзларининг диёнатли, меҳнатсевар, ишининг кўзини биладиган омилкор инсон эканини кейинчалик яна иш жараёнида намоён этишиди.

Бу ҳақиқатнинг гувоҳи бўлган эл-улусда эса ижтимоий адолатга ишонч пайдо бўлди, вилоят раҳбарига ҳурмат янада ортди.

Мен юқорида «алоҳида эътибор» деган иборани бежиз тилга олмадим. Бу ибора жуда чуқур маънога эга.

Ислом ака мана шу инсонларнинг «иши»и юзасидан қанча-қанча ҳужжатларни кўздан кечирган, уларнинг ҳар бирининг шахсий ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан изчил танишиб чиқкан. Яна вақт топиб, кўплаб киши-

лардан уларни сўраб-сурештирган, обдон ўргангандан, мен бунга асло шубҳа қилмайман. Бу - кўп баът, дикъат талаб этадиган иш, албаттада.

Вилоятнинг мингта ишидан, ташвишидан ортиб, ҳатто республиканинг катта-катта раҳбарларига ҳам тазиик ўтказилиб турган қалтис бирор вазиятда бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, катта журъат ва жасорат билан бу масалага қўл уриш, очиқ айтишим керакки, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди.

## **«ҲАММАСИНИ ЎЗИМИЗ ҚИЛИШИМИЗГА ТҮФРИ КЕЛАДИ!..»**

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг XVI пленумидан сўнг Марказнинг тавсияси билан республикага келган кадрлар вилоят партия қўмитаси бюроси таркибида аксарият кўпчиликни ташкил этар эди. Бундан ташқари, ўша даврда улар жуда ҳовли-қиб кетган, босар-тусарини билмай, ҳаддидан ошиб юради. Чунки уларнинг айтгани – айтган, дегани – деган эди. Бирор мушугини «пишт» дея олмасди.

1987 йилнинг 30 январида вилоят партия қўмита-си бюросида Қарши шаҳар раҳбариятининг фаолияти муҳокама этилди. Ўша кунларда бу ҳақда эшитган одам бир сесканиб тушган бўлса ажаб эмас. Чунки шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби В. Лозицкий вилоят миқёсидаги «десантчи»лар орасида иккинчи шахс ҳисобланар, унинг масаласини буруда муҳокама этиш – очиқдан-очиқ Марказ сиёсатига қарши чиқиши билан баробар эди. Лекин бюро мажлисида айтилган ҳаққоний фикрлар, рад этиб бўлмайдиган далиллар ва таҳлиллар, холис танқидий мулоҳазалар шаҳар раҳбарини буткул шошириб қўйди.

Хаётда шундай ҳақиқатлар борки, улардан қочиб кутилиб бўлмайди. В. Лозицкий ўз вазифасини унтиб қўйган, очиқ айтадиган бўлсак, нима иш қилишини, ишни қандай бошлаб, қандай тугатишни аник билмасди. Шу пайтга қадар у айшини суриб юрган, лекин бугунги йиғилиш дунё беэга эмаслигини, ҳар бир нарсанинг сўрови бўлишини кўрсатиб турар эди.

Бюорода «Шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби В. Лозицкий фаолияти қониқарсиз» деб топилди.

Биргина Лозицкий эмас, балки унинг шериклари ҳам икки куннинг бирида қўшотар милтиқни олиб, япянги «УАЗ»ларда Сечанкўлга ёки бўлмаса Амударё бўйларига чиқиб кетар, кийик ва ўрдак овлашдан, майшат қилишдан ортмас, улар вилоят халқининг қувончу ташвишлари, дарду кулфатларига тамомила бегона эди. Кишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналаридаги ҳақиқий аҳвол бу шахсларни ҳеч қачон қизиқтирган эмас. Улар мажлисларда сўзамоллик қилишдан, одамларнинг нафсонияти, фурурига тегишдан бошқа нарсани билмасди, лекин, минг афсуски, шу пайтга қадар ҳеч ким уларга бу ҳақда очиқ гапира олмаган эди.

Оқибатда ўзларининг «аҳволни ўнглаш учун юборилган»ига, «ҳалол, партия ишига ўта садоқатли, тажрибали раҳбарлар» эканига ниҳоятда ишониб қолишганди.

Ислом Абдуғаниевич бу ҳақда кўп ўйлади. Бу ким-саларнинг вилоят ҳаёти, унинг муаммоларини ечишда нафи тегмаслигини у яхши биларди. Чунки улар ўзларининг коммунистик калондимоғлигини, маҳаллий халқقا бўлган беписанд муносабатини яшириб ўтирмасди. Шундай экан, ягона умид – ёшлардан.

Вилоятда яшайдиган ёшлар орасида ишнинг кўзини биладиган, билимли, фидойи йигит-қизлар оз эмас, лекин Марказ гумашталари томонидан уларга нисбатан «пахта иши»нинг бўлажак давомчилари сифатида қаралар, ишончсизлик кайфияти хукм суриб келарди. Бироқ ҳақиқий ишбилармон ва ташаббускор раҳбарлар мана шу ёшлар орасидан етишиб чиқмаса, ўзларини «катта оға» деб ҳисоблайдиган, одамларга менсимай қарайдиган кимсалардан нима кутиш мумкин?

Қашқадарё ҳаётидаги ўзгаришлар, даврнинг, шароитнинг ўзи итоатгўй ва ижрочи кимсаларни бир четга суриб, чуқур мулоҳаза юритадиган, янгиликка дадил йўл очадиган, тадбиркор ва фидойи инсонларни та-

лаб қила бошлади. Шунинг учун қандай бўлмасин, истеъдодли, ишчан, юрагида ўти бор ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-куватлаш, уларнинг қобилияти ва билимини рўёбга чиқариш лозим эди.

– Хозиргача кимдир юқорида туриб, одамларни ҳаёт учун зарур неъматлар билан таъминлайди, деган сохта тасаввур хукм суреб келади. Бундай деб ўйлайдиган кишилар партия, совет ва жойлардаги хўжалик ташкилотларида, ҳатто вилоят миқёсидаги раҳбарлар орасида, афсуски, оз эмас, лекин улар жуда қаттиқ янглишадилар. Шуни унутмаслик керакки, ҳаммасини ўзимиз, ўз қўлимиз билан қилишимизга тўғри келади.

Ислом Каримов вилоят меҳнаткашлари билан бўладиган учрашув ва суҳбатларда мана шу фикрни кўп такрорлар эди.

У республика раҳбарларини ҳоли жонига қўймай, иттифоқдош республикалар олий партия мактабларида вилоят ёшларини ўқитиш учун нисбатан кўп – ўттизта ўрин олади. Ўқишга тавсия этилган ёшларнинг ўн бир нафари Москва, Свердловск, Ленинград, Новосибирск, Минск, Киев ва Саратов шаҳарларида таҳсил олиши, ўн тўққиз нафари эса Тошкент олий партия мактабида ўқиши кўзда тутилган эди.

Марказий матбуот «пахта иши» баҳонасида ҳамон халқимиз бошига «кўзбўямачи», «қўшиб ёзувчи», «жиноятчи» деган бир-биридан даҳшатли тухматларни ёғдириб турган бир пайтда Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаган бундай саъй-ҳаракати йигит-қизларимизга бўлган қатъий ишонч ва меҳр-муҳаббат намунаси эди.

У бошқаларни ҳам ҳар доим шунга даъват этар эди.

– Олға интиладиган, ўйлаб иш қиласидиган, амалий самараларга эришишнинг уддасидан чиқадиган ҳаракатчан йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш даркор...

Шуни ҳам айтиш керакки, ўша даврда ўзи билан

бирга ишлаган кўп раҳбарларнинг эҳтиёткорлиги, сусткашлиги, ўзгалар тақдирига бефарқ қараши Ислом Каримовнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлган. Чунки у ҳар қандай раҳбар, энг аввало, етук билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши, кундалик ташвишлар билан эмас, балки эртанги кун ҳаёли билан яшashi, келажакни ўйлаб иш тутиши, қўл урган иши эртага қандай самара беришини аниқ тасаввур этиши, энг муҳими, ташаббускор ва тадбиркор бўлиши лозим, деб ҳисобларди. Юрагида ўти бор бундай инсонлар ишлаб чарчамайди, элни ўз ортидан эргаштира олади, ҳаётга янги бир нафас олиб киришга курби етади. Мана шундай фазилатга эга бўлган, оёғидан ўт чақнаган ёшларни тарбиялаш, рўёбга чиқаришни ўша оғир ва мураккаб даврдаги ўзининг асосий вазифаси деб биларди.

Вилоят раҳбарининг кўпчилик ҳолларда ҳеч кимга айтиб ўтирмасдан одамлар орасига тўғри кириб бориши, бамаъни инсонлар, хусусан, ёшлар билан атрофлича мулоқот қилиши бир жиҳатдан шу билан изохланарди. Ишбилармон, тадбиркор инсонларни учратганида унинг кўнгли ёришиб кетар, уларнинг шу пайтга қадар эътиборсиз қолиб келаётганидан айниқса ташвишланар эди.

Фузорлик ҳосилот Санобар Муродова ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич билан дастлабки учрашув ҳамон ёдимда. Бир куни кечқурун, соат олтилар эди, қарасам, икки киши бригадамиз даласини айланиб юрибди. Секин уларнинг ёнига бордим, бири — туманимиз раҳбари, иккинчиси эса нотаниш эди, бу киши, ҳойна-ҳой, Каримов бўлса керак, деб ўйладим. Ўшанда Ислом акани биринчи бор кўришим эди. Оёқларида сал уринган туфли, уст-бошлари ҳам одмигина, қараашлари жуда саммий. У кишининг ёнида турган туманимиз раҳбари мени таништируди.

Улар далани айланиб кўргач, шийпонга қараб юришиди. Дастурхон ёзилди. Ўша куни, иттифоқо, шийпондаги тандирда кадинон — қовоқкулча ёпилган эди. уни дастурхонга қўяр эканман, бу кишилар еярмикан, деб хижолат бўлдим. Лекин Ислом Абдуғаниевич ҳеч тортинмай кадинонни шитаха билан ея бошлади. Кейин:

— Нима, шийпонда обқат қилинмайдими? — деб сўради.

Пешинда ўзимиз учун макарон шўрва қилган эдик, уни меҳмонларнинг олдига қўйишга юзим чидамади. Шу боис уйга одам юбормоқчи бўлдим, лекин менинг ниятимни у киши сезиб қолди.

— Ташибиши қилманг, шу ерда борини олиб келинг, — деди.

Нима қиласримни билмай, ахийри икки коса макарон шўрва сузиб келдим. Гўшт бўлмаса-да, кади, шолгом, картошка солинган эди.

Таомни келтириб қўйганимдан сўнг Ислом Абдуғаниевич менга ёнидан жой кўрсатди. Ўтиридим. У киши эса алюмин косадаги обқатни кадинон билан ея бошлади.

Албатта, бундай воқеалар ҳаётда ҳар куни бўлавермайди. Шу боисми, орадан шунча йил ўтган бўлса-да, ҳамон ёдимда.

Ислом Абдуғаниевич биз билан хайрлашар экан:

— Хўш, қандай камчиликлар бор? Сизларга нима ёрдам керак? — деб сўради.

Шунда жамоамиз аъзолари асосан тожиклар бўлгани учунми, вилоят раҳбаридан Қарши давлат педагогика институтидан тожик филологияси бўлими очиб беришда ёрдам кўрсатишни илтинос қилишиди.

Орадан кўп ўтмай институтнинг ўзбек филологияси факультети таркибida тожик тили ва адабиёти бўлими ташкил топди.

«Нуроний» жамғармаси Қарши шаҳар бўлимининг раиси Эркин Жалолов ҳикояси:

— Ислом Абдузаниевич мендан икки ҳамиахрим ҳақида фикр сўради, «Сиз уларни яқиндан биласиз, қани, айтинг-чи, қобилияти, маълумоти, эл ичида обрўйи қандай ўзи?» — деди.

Афтидан, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидан қандайдир лавозимга уларнинг номзоди кўрсатилган эди, шу боис шахслари ўрганилаётганди.

Кўп ишлардан буён Қарши шаҳрида яшаганим учун бу кишиларни яқиндан билмасдим. Етти ўлчаб, бир кесадиган Ислом Абдузаниевич эса ҳар қандай фикрнинг холис ва ҳаққоний бўлишини талаб этарди. Шу боис икки кунлик муҳлат олиб, тугилиб ўсган жойимга бордим ва ўзим билган мўътабар кишилардан, бирга ишлайдиган ҳамкасларидан уларни сўраб-сuriшитирдим.

Шаҳрисабз туманидан номзоди кўрсатилган шахс яқинда катта лавозимга кўтарилган, лекин етарли тажрибага эга эмас экан. Энг ёмони, имзосиз хат ёзишдан ҳам тап тортмас экан.

Иккинчиси эса, гарчи ўз вақтида иширик хўжаликни бошқарган қобилиятили одам бўлса-да, ўз манфаатини умум манфаатидан устун қўяр экан.

Бирор ҳақида нохуш гап айтиши нокулай бўлса-да, Ислом Абдузаниевичдан ҳақиқатни яширмадим. У киши менинг гапимни дикқат билан тинглади. Сўнг:

— Менга бу одамларни казо-казолар кўп яхши кадр-

лар, деб таърифлаган эди-ку, мабодо сиз янглишмадингизми? — деб сўради.

Мен ўзим сұхбатлашган кишилар уларга нисбатан бегараз бўлиб, билдирган фикрлари холис эканини айтдим.

Шундан сўнг анча вақт ўтди, лекин ўша кадрлар ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, улар билан боғлиқ масала қайтиб қўзгалмади.

Албатта, Ислом Абдуғаниевич мен айтган фикрдан келиб чиқиб, узил-кесил хуоса қилган эмас, балки зиддан уларни кузатиб юрган экан.

Бундай дейшишимнинг сабаби шуки, кейинчалик, сайловолди ҳаракатларида Шаҳрисабзга масбул лавозимга мўлжалланган йигит, бир гурӯҳ аризачиларга қўшилиб, жуда кўп одамни безовта қилди.

Шу кунларда молиявий масала бўйича вилоят раҳбаримизнинг қабулига кирдим. У киши стол четидаги турган хатларга ишора қилиб:

— Ўша кадрга берилган баҳо тўғри экан, — деди. — Лекин иккинчиси бамаъни одамга ўхшайди.

Мен Ислом Абдуғаниевичнинг инсонлар тақдирига мана шундай жиҳдий ёндашишига бир неча бор гувоҳ бўлганман.

## **ЭСКИ МОЖАРОНИНГ ЕЧИМИ**

– Бизнинг олдимизда одамларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжига яраша муносиб шароит яратиб бериш вазифаси турибди. Бугун амалга оширадиган ишларимизнинг мазмун-моҳияти мана шундан иборат. Нега деганда, ижтимоий муаммолар вилоятда фавқулодда кескин тус олган. Йиллар давомида улар ўз ечимини топмай келган ва қор уюмлари каби босилиб қолган, – деган эди Ислом Каримов ўша пайтда вазиятга баҳо бериб.

Ҳақиқатан ҳам, нафақат Қашқадарёда, балки бутун мамлакатда мана шундай ташвишли аҳвол ҳукм сурарди.

Олтмишинчи йилларда Шаҳрисабз туманидаги «Партия XX съезди» ва «Социализм» жамоа хўжаликлари қўшиб юборилган, яъни йириклиштирилган эди.

«Партия XX съезди» хўжалиги асосан Катта Мўминобод, Кичик Мўминобод, Бешкапа ва Бигми қишлоқларидан ташкил топган. «Социализм» хўжалиги эса кенг яйловлардан иборат бўлган.

Орадан йиллар ўтди. Бир пайтлар жамоа хўжалиги бошқаруви жойлашган Катта Мўминобод қишлоғи энди батамом ҳувиллаб қолди. Авваллари обод бўлган бу қишлоқдан файзу тароват кўтарилди, ўз ечимини кутаётган ижтимоий муаммолар янада кўпайди.

Янги хўжалик раҳбари ва унинг сафдошлари «Социализм» хўжалиги ҳудудидаги Шавкан қишлоғидан эди. Шу боисми, Катта Мўминобод ва яна уч қишлоқ мутлақо эътибордан четда қолди. Хўжалик маркази ўн чақирим нарида, арзимаган маълумотнома олиш

учун ҳам сарсон-саргардон бўлишга тўғри келар, бир ишни битириш қийин, қолаверса, тоза ичимлик суви ҳам анқонинг уруғи эди.

Ўша вақтда шахсий машина жуда кам бўлган, шунинг учун тоза ичимлик суви олиб келиш ёки бўлмаса, бирон-бир кишини шифохонага элтиш, кўзӣ ёриётган аёлларни туғруқхонага олиб бориш катта қийинчилик туғдирарди. Оқибатда кетма-кет кўнгилсиз ҳодисалар рўй берган. Ниҳоят, ахоли Шахрисабз тумани раҳбариятидан бу масалани кўриб чиқиши илтимос қилган. Лекин қайта-қайта мурожаат қилинишига қарамасдан, 1986 йилга қадар бу масала ҳал этилмай келган.

Ислом Каримов вилоятда иш бошлагач, қишлоқ аҳли янги раҳбарга арз қилди, шундан сўнг муаммо атрофлича ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал этилди.

Ушбу воқеанинг туб илдизига назар ташланса, ўша даврда кўпгина раҳбарлар масаланинг моҳиятини англаб турса-да, уни бартараф этишдан, амалдаги тартибларга ислоҳ киритишдан ўзларини олиб қочгани, содда қилиб айтганда, бошини оғритгиси келмагани ойдинлашади. Мана шундай совуққонлик оқибатида 1985 – 86 йиллар давомида Кашқадарё аҳли юқори ташкилотларга 9 мингдан зиёд ариза ва шикоят ёзган, 13 мингдан ортиқ жабрдийда нажот истаб турли идораларга мурожаат этган. Уларни бунга ўткир ҳаётӣ, ижтимоий муаммолар мажбур қилган, албатта.

Ислом Каримов хўжалик ишларидан ортиб, инсонларни тинглашга имкон топди, энг муҳими, уларни қўллаб-қувватлади. Одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун бутун куч-ғайратини сафарбар қилди.

Эртанги кунга бўлган ишонч мустаҳкамлангани сари кишилар берилиб ишлай бошлади. Ана шу ишонч уларга ғайрат ва шижоат бағишилади.

Бу ҳақда шаҳрисабзлик ўқитувчи Хўжақул Бобоқулов шундай ҳикоя қиласди:

— Бизнинг Катта Мўминобод қишилогимиз илгари жуда обод бўлган. Биринчи клуб, биринчи ҳаммом, биринчи водопровод, биринчи чойхона, дастлабки бадиий ҳаваскорлик жамоаси, илк асфалът кўчалар шу ерда барпо этилган, десак, хато бўлмайди.

Хўжалик ишиклашгач, идора қишилоқдан кўчирилди. Оқибатда кўпминг кишилик аҳоли яшайдиган маскан таомомила унумилди. Мен ўз ҳасратимни шеърга солиб, уни туман газетасида эълон қилдирдим. Бошқалар эса најот истаб, катталарга мурожаат қилди.

Албатта, бу туман раҳбарларига маъқул тушмади. Шеър баҳонасида мени таъқиб эта бошлидилар.

Яхши ҳамки, бу орада вилоят раҳбари ўзгарди. Кунлардан бир кун Ислом Абдуғаниевич қишилогимизга ташриф буюрди. Ўша кезлар мен «ўз аризамга биноан» мактаб директорлигидан бўшатилган эдим. Вилоят раҳбари ҳеч кутимагандага мактабга кириб келди, ҳар биримиз билан сўрашиб чиққач:

— Сиз нега мактаб директорлигини топширдингиз? — деб сўради мендан. Табиийки, мен шошиб қолдим. Нима деяримни билмай:

— Толикдим, — дедим, — саломатлигим ҳам яхши эмас, Ислом Абдуғаниевич.

Вилоят раҳбари менинг ишларим, услубий соҳадаги фолиятим билан батофсил танишиди, сўнг дарсимга кириб, уни таҳлил этди. Ўқувчиларимдан бирини ўрнидан тургизиб, билимини синааб кўрди ва ғоят хурсанд бўлди.

Мактаб ҳовлисига, туман раҳбарлари олдига чиққанимизда Ислом ака:

— Бобоқулов шеър ёзишдан бошқани билмайди, деган эдинглар, ахир бу киши малакали мутахассис экан-ку, — деди. — Менимча, бу киши ўз ўрнида ишласа, жамиятга кўпроқ фойдаси тегади.

Шу гандан сўнг вилоят раҳбари қишилоқ аҳли билан

*уирашиди, улар билан ёнма-ён ўтириб, узоқ сұхбатлашиди.*  
*Гап орасида:*

- Нега энди эски хұжаликни тиклаймиз, деб югурib юрибсизлар? — деб сүради. Шунда мен у киши ҳамма гапдан хабардор экан, деб ўйладим.
- Қишлоғимиз ташландиқ ұлға келиб қолди, — деди одамлар. — Эски хұжаликни тикласак, рўзгоримиз бут, қишлоғимиз обод бўлади, деб ўйладик, бошқа ниятимиз йўқ.
- Қишлоқни айланиб кўрдим, ўз вақтида бошланган қурилишлар, кўп-кўп иморатлар ҳаробага айланибди, — деди Ислом Абдуғаниевич. — Шу маънода, айтиши керакки, масала тўғри қўйилган. Мен раҳбарият билан масла-ҳатлашиб, сизларнинг талабингизни иложи борича ҳал этишига ҳаракат қиласман. Аммо бир шартим бор — сизлар ҳам ўз сўзингизда турасиз, мана шу жойни обод қиласиз.

Ислом Абдуғаниевич қишлоқ аҳли истагини рўёбга чиқарди. Мўминободликлар ҳам лафзида туриб, қишлоқни обод этди, хұжаликни илгорлар қаторига олиб чиқди.

## ИСЛОХОТЛАР ДЕБОЧАСИ

Қашқадарё баҳорининг таровати бўлакча. Тоғ этаклари, қир-адирлар, дашту далалар ям-яшил майсалар билан қопланади. Чиял ва Кўкдала фаллазорлари денгиздек чайқалиб, кўнгилга завқу шавқ бафишлайди.

Вилоятнинг бепоён худудида ястанган баланд тоғ чўққилари, ям-яшил қир-адирлар, гўзал воҳалар, уфқа туташиб кетган кенгликлар бағрида бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фаслига хос манзарапарни кўриш мумкин. Фilonда қор энди эриётган бир пайт-да, Паландара ва Ҳисоракда бодом гуллайди, Қаршида эса тут пишади.

Китоб ва Шаҳрисабз, Майманоқ ва Чимда, Дўстберди ва Қоратепада етишириладиган мева-чеваю лалми қовун-тарвузлар шираси тилни ёради. Бу ноз-неъматлар ва фусункор манзарапар Қашқадарё замини хосиятидан, ушбу юрт одамларининг қалб меҳри, юрак ҳароратидан далолат беради.

Ислом Каримов ана шундай оддий ва жайдари, тоғни урса талқон қиласидиган, танти ва меҳнаткаш, олижаноб инсонларни foят қадрлар эди. Эртанги кун ташвиши билан яшайдиган, камтарона ҳаёт кечирадиган, ишлаб чарчамайдиган кишиларни кўрса, меҳри товланиб кетарди. Уларни кўнглига яқин олар, шу боис улар билан тезда тил топишиб кетарди.

Агар биз бугун ўша йилларда чоп этилган газета саҳифаларига кўз юргутирсак, 1987 йилнинг 14 июляда вилоят фаллакорлари қарийб 100 минг тонналик хирмон бунёд этганига гувоҳ бўламиз, бу – режага нисбатан уч минг тонна зиёд кўрсаткич эди.

Айни ўша кезларда вилоят раҳбарининг ташаббуси билан Қарши шаҳрида янги бозор бунёд этишга киришилди. 22 август куни эса бозорнинг биринчи навбати ишга туширилди. Кўп ўтмай бозор худудида ўн ол-

тита дўкон, маҳсус омборхона, Дехқонлар уйи барпо этилди.

**«Ажойиб ва меҳнатсевар халқимиз бор, – дейди Ислом Каримов 1987 йилнинг 25 июлида. – Қашқадарёning фахри, таянчи бўлган фидойилар меҳнати ўз натижасини бермоқда.**

Вилоят ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш янада чукурлашмоқда. Олға қараб ҳаракат қилишга халақит бераётган ҳар қандай тўсиқлар олиб ташланмоқда.

**Хозир асосий вазифа – кишиларда пайдо бўла бошлаган кўтаринки кайфиятни пасайтирмаслик, аксинча, уни янада ўстириш, ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиб беришдан иборат».**

Ўша йили қашқадарёликлар 400 минг тонналик пахта хирмони бунёд этган бўлса, шунинг 113 минг тоннаси саноат учун қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали пахта эди. Лекин бу ютуқлар вилоят раҳбарини қаноатлантируйди. Аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш борасида ўта муҳим муаммолар йиғилиб қолгани, бу масалани бартараф этишга эскирган инструкция ва меъёрлар ҳамон монелик қилаётгани уни қаттиқ ташвишлантиради.

**«Вилоятда газлаштириш масаласини узил-ке сил ҳал этишга нима халақит беради? – дейди у ҳар гал халқнинг офирини енгил қилиш ҳақида гап кетганда. – Ахир, биз мамлакатда ишлаб чиқарилаётган газнинг анчагина қисмини қазиб оламиз ва қайта ишлаймиз. Шунга қарамасдан, вилоят аҳолисининг газ билан таъминланиши 17 фоизни, қишлоқ жойларда Эса бундан ҳам кам – 4 фоизни ташкил этади.**

Раҳбарлар кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига бефарқ қарайдилар, одамлар ниманинг ҳисобидан, қандай яшайдиганлигини билмайдилар, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун жон куйдирмайдилар. Мана шу бепарволик ва локайдлик оддий меҳнаткашларнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлади.

**Айниңса, қишлоқ жойларыда бу соҳа жиддий орқада қолган. 180 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 10 та қишлоқ ҳатто электрлаштирилмаган, 206 та қишлоқ эса газлаштирилмаган.**

**Айтинг-чи, меҳнаткашнинг турмушини енгиллаштирмай туриб, уни чинакамига кўтариш мумкинми?»**

Шу мақсадда бошланган кенг кўламли ишлар 1987 йилнинг иккинчи ярмига келиб, салмоқли натижалар бера бошлади. Қайдадир йўл, қайдадир кўпприк, яна қайдадир маданият уйи ва бошқа иншоотлар, янги мактаблар барпо этилди, кенг тус олган ободончилик ишлари одамлар ҳаётига файз кирита бошлади.

Бундай ижобий ўзгаришлар бошқа соҳаларда ҳам кўзга ташланди.

Қисқа вақт ичидаги 198386 квадрат метр турар-жой бинолари, жами 24680 ўринга эга бўлган замонавий мактаблар, 2350 ўринли болалар боғчалари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Саноат соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ўн ойда 103 фоизга бажарилди. Қўшимча равишда 33 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 894 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш режаси ҳам ошиғи билан уddeланди.

Вилоятда қўшимча равишда 1400 миллион кубометр табиий газ, 123 минг тонна нефть ва конденсат қазиб олишга муваффақ бўлинди. 3000 тонна олтингугурт, 483 тонна сут маҳсулоти, 1866 дона шартли банка консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Қашқадарёда янгича фикрлаш аломатлари кўзга ташланиб, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш, олдинда турган вазифаларни бажариш борасида ижодий ёндашувлар шакллана бошлади.

Ҳар ишда фикр-мулоҳаза, одамлар билан маслаҳатлашиш асосида иш тутадиган, етти ўлчаб бир кесадиган, ҳаётни ислоҳ этиб, янгиликка йўл очиб, одамларни

рози қилиб яшашни ўз умрининг маъно-мазмуни деб биладиган Ислом Каримов янги-янги, катта орзу-режаларни тузиб, жамоатчиликни ана шу мақсадлар сари сафарбар этмоқда эди.

Вилоятда одамлар ўзининг ижодкорлик, ташаббускорлик кучига, бунёдкорлик салоҳиятига тобора кўпроқ ишониб, меҳнатнинг аниқ натижаларидан баҳраманд бўлаётгани уларнинг биринчи раҳбарга бўлган ҳурмат-эътиборини янада оширади.

Маълумки, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бутунлай тақиқлаб кўйган собиқ шўро тузумида инсон манфаати билан боғлиқ ташаббусларга асло йўл берилмасди. Ислом Каримов Қашқадарё заминида ўз фаолиятини бошлаган кезда бундай хукмрон мафкура ҳали ҳам ўз кучини кўрсатиб турган бўлса-да, у ҳеч иккиланиб ўтирумай, бу ерда одамларнинг хусусий тадбиркорлик қобилиятини намоён этадиган ижара пудратига кенг йўл очди. Бу эса ўз навбатида одамларда эгалик туйғусини уйғота бошлади.

Вилоят раҳбари аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш борасида ҳам биринчи навбатда хусусий тармоқни ривожлантириш, шу тариқа ноз-неъмат етиштиришни кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият берди. Шу тариқа шахсий томорқа мўл-кўл маҳсулот етиштиришнинг асосий манбаи экани Қашқадарёда ўзининг амалий тасдифини топа бошлади.

— Асрлар давомида шундай бўлганки, — деган эди вилоят раҳбари ўша пайтлардаёқ бу масалага эътибор қаратиб, — қишлоқ шаҳарни боқиб келган, ҳозир эса кўпгина колхозчиларнинг ўзлари боқиманда бўлиб қолган. Улар ноз-неъмат харид қилиш учун бозорга боради. Ҳолбуки, у ўз томорқасига, шахсий хўжалигига эга. Бу тармокда мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкони мавжуд.

Ҳакиқатан ҳам, шўро тузуми томорқани социализмга зид кайфият пайдо қиласидиган хусусий мулкчилик манбаи сифатида бутунлай эътибордан соқит этганди. Шу

билан бирга, пахта етиштиришга бўлган талаб йилдан-йилга ўсиб борар ва оқибатда, саксонинчى йилларга келиб, қишлоқда яшовчи аҳоли уйларининг бўсағасига қадар чигит экиш одат тусига кирган эди. Ҳатто Тошкентдаги партия Марказқўми ҳовлисида ҳам хўжакўрсин учун пахта экиб қўйилган эди.

Сув – энг оғир муаммо эди. Томорқалар сувсизликдан қақраб ётарди. Ҳовлидаги бир парча ерга қараш, дехқончилик қилиш мاشаққатга айланганди.

Ниҳоят, вилоят раҳбарининг саъй-ҳаракати билан томорқа ва ундан оқилона фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилди. Яъни, шахсий хўжаликдан самарали фойдаланишга диққат-эътибор қаратилди.

Ўша йилнинг ўзида шаҳрисабзлик Э.Тиркашев ўз томорқасида икки тонна бодринг етиштириб, уч минг сўм даромад олди. Шу тумандаги Абзият қишлоғида яшовчи Б.Ҳақназаров плёнка остида помидор етиштириб, ҳамқишлоқларини ҳайратга солди. Бундай ижобий мисолларни ўша давр ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин, албатта.

Ислом Каримовнинг ўша кезларда колхоз ва совхоз раҳбарларидан бугун қандай газета ўқигани, ижара ва оиласиий пудратнинг қандай афзалликларга эга экани, чек билан ишлаш тартибларини сўраб-суриштиргани аксарият кўпчиликни ҳайратга соларди.

Бундай иш усули замирида раҳбар ва мутасадди одам нафақат ўз соҳасидаги ўзгаришлардан, балки ён-атро-фидаги, бутун дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиши керак, деган қараш мужассам эди. Шу тариқа Ислом Каримов инсон ҳаётида нафақат моддий, балки маънавий қадриятлар ҳам ҳал қилувчи ўрин тутиши лозимлиги ҳақидаги ўз эътиқодини ўша йиллардаёқ амалга оширишга киришган эди.

Шу маънода, 1989 йилнинг ёзида Ислом Каримов республика раҳбари этиб сайланганидан сўнг мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ислоҳотлар дебочаси аслида икки ярим йил аввал Қашқадарё заминида куртак отган эди, десак, асло хато бўлмайди.

«Қашқадарёсайёх» ҳиссадорлик жамияти раиси Қўчқор Тўйчиев ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич вилоятимизга етакчилик қилган даврда Қарши шаҳри ва туманлар марказларини ободонлаштириш бўйича мебъморлар, қурувчи ва масбул шахслар иштирокида ҳафтада бир маротаба йигилиши ўтказиш одатга айланган эди.

Йигилиши ўтадиган залга олдиндан шаҳар ва туман марказларида бўладиган қурилишлар, ободонлаштириш ишлари лойиҳалари осиб қўйилар, сўнгра шундан келиб чиқилган ҳолда кун тартибидаги масала муҳокама этиларди.

Вилоятнинг аксарият жойларида бўлгани каби, мен раҳбарлик қилган Косон туманида ҳам одамлар бозорда ерда ўтириб савдо-сотик қиласар, чунки пештахталар этишимас эди. Ислом Абдуғаниевич бу ҳолнинг гувоҳи бўлгач, янги бозор барпо этиши ҳақида кўрсатма берди, биз қурилиш лойиҳасини тайёрладик, у муҳокамадан ўтгач, ишлар юришиб кетди.

Расталар тикланиб, кўзга кўринадиган бўлиб қолди. Бир якшанба куни Ислом Абдуғаниевич келиб, қурилишини бошдан-оёқ синчиклаб кўздан кечирди ва хурсанд бўлди. Шунда мен:

— Ислом ака, бозорни бузиб, қурилишини бошлишга бошлидик, аммо бир оз қийин бўляпти, — дедим.

У киши шу куннинг ўзида вилоятнинг тегишли ташкилотлари раҳбарларини қурилиши бўлаётган жойга йиғди, улар билан бирга барча муаммолар ҳақида батифсил гаплашиб олди. Суҳбат сўнгида ҳар бир масбул шахсга аниқ топшириқ берди. Натижада иш яна тезлашиб кетди ва янги бозор икки ой ичида қуриб битказилди.

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулло Сайдов ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич вилоят раҳбари сифатида иш бошлигунча мен қарийб ўн нафар биринчи котиб билан бирга ишилаганман. Уларнинг иш услуби деярли бир хил эди. Туманларга чиқадиган бўлса, аввал хабар қилинар, сўнг вилоядаги тўрт-бешта раҳбар билан бирга ДАН ходимлари кузатувида ўша ҳудудга кириб борилар эди.

Ислом ака эса, аксинча, бир ўзи, ҳеч кутимаганда кўрмоқчи бўлган хўжаликка кириб келар ва ишнинг боришини кўздан кечирар эди.

Бизнинг хўжалигимиз Баҳористон ва Муборак туманларига туташ катта йўл ёқасида жойлашгани учун ҳам Ислом Абдуғаниевич бу ердан тез-тез ўтиб турарди.

Олдинги «биринчи»лар шу йўлдан ўтадиган бўлса, бир кун олдин ҳамма оёққа турар, йўлга сув сепилар, керак бўлса, дараҳтлар хўjakўрсинга оқланар эди. Лекин Ислом аканинг қачон, қаёққа ўтганидан биз ҳамто хабар топмай қолардик. Мабодо хўжалигимизга келиб қолсалар, йўлларнинг носозлигига қараб ўтирмаи, энг чекка жойларгача эринмай бориб, пайкаллардаги ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрар, бригадир, сувчи ва механизаторлар билан қуюқ суҳбат қурав эди. Айниқса, бир одати ҳаммазига жуда ёқарди. У ғўзанинг ҳолатини дехқоннинг ўзидан билишга интилар, хайрлашаётib, албатта одамларни руҳлантирадиган сўзлар айтиб, самимият билан қўлинни сиқиб кетар эди.

Шунинг учун ҳам ҳалқимиз Ислом Абдуғаниевични кўнглига яқин олар, унга тортишмай юрагида бор гапни очиқ айтар, сўнг у киши билан бўлган гурунгни тилдан қўймай ҳикоя қилиб юрав эди. Бундай илиқ таассуротлар Ислом Абдуғаниевични яхши билган одамларнинг тили ва дилида ҳамон яшаб келмоқда.

## **АДОЛАТ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА**

Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолиятида «ўзбеклар иши», «пахта иши» деб аталган кампаниялар туфайли ноҳақ жабр кўрган инсонларни ҳимоя қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини тиклаш алохидা ўрин тутади.

Республикада собиқ Марказ томонидан ташкил этилган сиёсий қатағон ҳаракатлари ҳали давом этажётган, «уюшган жиноятчилик», «пахта мафияси», «давлатнинг илдизига болта уриш» деган мудҳиш айбловлар кун тартибида турган бир пайтда Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан вилоятда ноҳақ қамалган, асоссиз равишда жазо олган раҳбарлар, оддий бригадир ва дехқонлар «иши», уларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Чунки вилоят раҳбари бу «сиёсий ўйин»нинг бутун оғирлиги жафокаш ҳалқ бошига тушганини, унинг жабрини аввало бегуноҳ одамлар тортаётганини яхши билар эди.

Синчилаб ўтказилган қайта текширишлар натижасида уларнинг аксарият кўпчилиги ғайриқонуний асосда жазога тортилгани, ноҳақ хўрлик ва ҳақоратларга дучор этилгани тасдиқланди.

Айнан мана шундай дадил ҳаракатлар туфайли кейинчалик бутун республика бўйича ноҳақ жазо олган инсонларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳақикутини тиклаш бўйича ишлар кенг тус олди.

Халқимизнинг топталган шаъни ва ғурурини тиклаш, ўзбек деган муборак номни ҳар хил тухмат ва бўхтонлардан халос қилиш борасида нафақат республикамиз, балки собиқ иттифоқ миқёсидаги минбарлардан туриб, бутун дунёга очиқ ҳақиқат ай-



Қалыңадаренниң  
бетәкөрүштәбәттү



тилди. Бундай мардона ҳаракатлар бошида Ислом Каримовнинг шахсан ўзи тургани бежиз эмас, албатта. Чунки бу ҳаракат унинг ташаббуси билан айнан мана шу ерда – Қашқадарёда бошланган эди.

1987 – 89 йилларда коммунистик тузум томонидан айбланган, «урилган» одамни оқлаш, ўз моҳият-эътиборига кўра, ҳукмрон партия сиёсатидаги ноҳақликка қарши дадил бош кўтариш билан баробар эди.

Албатта, бундай жасоратнинг оқибати ёмон тугаши ҳеч гап эмасди. Лекин вилоят раҳбари адолат йўлида ҳеч қандай хавф-хатардан кўрқмади, ҳайикмади. Чунки адолат ва ҳақиқат учун курашиш, ноҳақ жабр чеккан одамларнинг қаддини, қадр-қимматини тиклаш – унинг бош маслаги эди.

Ана шу оғир ва мураккаб даврда дастлаб Шахрисабз туманининг собиқ биринчи котиби Неъмат Ҳикматовга берилган ноҳақ партиявий жазо бекор қилинди. Ҳолбуки, бу пайтда у шўро матбуотида «узоқ вақтдан буён давлат мулкини ўғирлаш билан шуғулланган шахс», «уюшган жиноий гуруҳ раҳбари» сифатида қоралаб келинарди.

Ўз вақтида ноҳақ жабр кўрган яна бир инсон – Юрий Мелентьев Чироқчи тумани раҳбарлигига тавсия этилгани ҳам катта жасорат намунаси эди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Мұхтарам Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаб юрган чоғларида бегуноҳ жабрланган қанчадан-қанча юртдошларимизни кўрқмасдан, дадил ҳимоя қилганига ўзим гувоҳман, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. – Демак, эркесварлик, орият, адолат учун кураш туйғуси бизнинг қонимизда мавжуд».

Ўзларини «уюшган жиноий гуруҳ»ларга қарши изчил курашчилар сифатида тақдим этган, миллий маданият, урф-одат ва анъаналарни оёқости қилган Гдлян ва Иванов бош бўлган қатағончилар бутун бир республикани, жумладан, Қашқадарё вилоятини ос-

тин-устун қилиб ётган бир пайтда адолатни ҳимоя этиш, шўро тузумининг машъум сиёсатига қарши туриш ҳақиқий қаҳрамонликни талаб этарди.

Кейинчалик, ўша даврни эслаб, Ислом Абдуғаниевич нафақат вилоятни оёққа қўйиш, юксалтириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларга, янги корхоналар ва қурилишларга, балки гуноҳсиз одамларнинг хор бўлишига йўл қўймаслик, бадном этилган минглаб кишиларнинг пок номлари ни тиклаш каби масалаларга ҳам асосий эътиборни қаратади. Ва буларнинг мисолида биз Ислом Каримовнинг вилоятни обод этиш йўлида нимаики иш қилган бўлсак, барчасини элимиз, юртимиз, одамларимиз учун қилдик, деган сўзларининг яна бир тасдигини кўрамиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳикояси:

— Ватан озодлиги учун курашган, шу йўлда жон фидо этган Тўмарису Широқ, Муқаннаю Маҳмуд Торобий, Жалолиддину соҳибқирон Амир Темур сиймолари доимо диламиизда, халқимиз уларга юксак эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Нега деганда, биламизки, озодлик осмондан тушган эмас.

Бунинг далили сифатида яқин ўтмишини, сўнгги қатагон қурбонларини эслаш кифоя, деб ўйлайман. Бундан ўн беш йилча муқаддам халқимизни муте ва оёқости қилиш учун озмунча тажовуз қилиндими, ахир?

«Ўзбеклар иши», «пахта иши» деган уйдирма айб қанча оиласи қон қақшатиб юборди, шаънимизни ер билан битта қилди. Одамларни ҳатто «Мен — муттаҳамман», «Мен — порахўрман» дейишгача мажбур этдилар. Бизни уюшган жиноятчиликда айблаб, бутун дунёга номимизни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлдилар.

Хўш, бунчалар ҳақорат, бунчалар хўрлик нима учун эди?

Бутун бир халқнинг шаънини топтаб, унинг устидан бўхтон ҳукм чиқаришга кимнинг ҳаққи бор эди?

Буadolatсизликдан мақсад — халқнинг руҳини синдириши, гурурини поймол этиши, ўзига, ўз истикболига бўлган ишончини сўндириши эди. Аммо ўша нотини ва мураккаб даврларда ҳам ҳақсизликка қарши қатъий туриб, мардонавор курашган, ўз халқини кўкрак кериб ҳимоя қилган шахслар бўлган.

Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаб юрган чоғларида ноҳақ жабрланган қанчадан-қанча юртдошлиаримизни қатъият ва жасорат билан ҳимоя қилганига мен гувоҳман.

Ёдимда, бир сафар қабулига кирсам, у киши жуда ҳоргин қиёфада ўтирган экан, стол устидаги бир таҳлам қозоз-

ни мен томонга суреб қўйди. Бу – ноҳақ қамалган, қатагон этилган шўрпешоналар рўйхати эди.

– Буларнинг айби нима? – деди Ислом Абдуғаниевич оғриқ ва изтироб билан. – Ҳар бирининг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруглари бор. Уларни бадном этишидан мақсад нима? Бу ноҳақликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш, уларни озод этиши керак-ку!..

Ислом Абдуғаниевич қўлимга яна бир қоғозни тутқазди. Бу – бегуноҳ қамалганларни зудлик билан озод этиб, оила аъзолари бағрига қайтариш лозимлиги ҳақидаги талабнома эди. Тўғриси, «юқори»га ёзилган бу расмий хатни ўқиб, менинг аъзои баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Чунки ўша вақтда Москвадан юборилган бу балою оғатга қарши чиқиши ҳамманинг ҳам қўлидан келавермас эди. Мабодо шундай одам топилгудек бўлса, уни синдириб ташлаш марказ учун ҳеч қандай қийинчилик тұғдирмасди.

– Бу ишларингиз учун жазолашлари мумкин! – деб, хаёлимга келган фикрни беихтиёр айтиб юбордим.

– Тўғри, лекин томошабин бўлиб ҳам ўтиrolмайман, – деди Ислом Абдуғаниевич қатъият билан. – Яқинда ҳузуримга бир аёл арз қилиб келди. Унинг ҳам эрини қамаб қўйишибди. Оғир меҳнатдан қавариб кетган қўлларига разм солиб, бармоқларида узукнинг изини кўрдим. Кейин сўраб билсан, тишининг кавагида асраб юрган қиммат баҳо буюмларига қўшиб, тақиб олган узук ва зирағигача «десантчи»лар ечиб олишибди. Қанчалик оғир бўлмасин, бундай бедодликка чек қўйиши учун мен охиригача курашишига тайёрман...

Ўшанда Ислом Каримов ўз халқи, ўз миллати учун ҳар қандай мушкул юмушини ўз зиммасига олишига тайёр матонатли инсон эканини юракдан ҳис этганиман. Қонсираган империя, юрсанг – нега юрасан, тўхтасанг – нега тўхтайсан, турсанг – нега турасан, деб бошимизда тегирмон тошини айлантираётган бир пайтда шундай қатъият кўрсатиш, замона зайлига қарши чиқиши осон бўлган эмас. Бунинг учун халқпарварликнинг ўзи кифоя қилмас эди, бунинг учун одамга битта юрак камлик қиласарди.

Ислом Каримовни ҳаётнинг ўзи тарих саҳнасига олиб чиқди. У фақат Йўлбошли сифатида эмас, балки жасоратли шахс сифатида ҳам ҳар биримиз учун ибрат на-мунасидир. Адолатпарварликни, юрт учун фидойиликни, бағрикенгликни у кишидан ўрганишишимиз даркор.

Мавжудлигим балки ўзимга керак,  
Тахтим – оиласминг балки тахтидир.  
Ислом ака, Сиз бор, биз ғолиб бешак,  
Сизнинг борлигинги – халқнинг баҳтидир.

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг раиси, марҳум Сойиб Усмонов ҳикояси:

— Очиги, Ислом Каримов Қашқадарёга раҳбар бўлиб келганида, вилоят тўқилиб қолган, абгор бир аҳволда эди. У киши ишга кишишидан аввал шу юртнинг кайвонилари-ни, ҳурматга сазовор кишиларини ишишиб, уларнинг кўнглига қўл солиб кўрдилар. Ўша ишинда мен ҳам бор эдим.

— Бу ерга ишилишдан мақсад битта – шу вилоятни оёққа тургазиши. Қани, кимнинг дилида нима гапи бўлса, айтсин. Кўпчилик бўлиб, ҳар қандай муаммони ҳал эта-миз, – деди Ислом Абдуғаниевич гапни лўнда қилиб.

Биз кўндан буён барчамизни қийнаб юрган масалаларни кўндаланг қўйдик.

Ислом Абдуғаниевич биз айтган фикрларни умумлашириб, ҳақиқатан ҳам, вилоятда аҳвол ниҳоятда оғир эканини таъкидлади.

— Қиладиган ишлар кўп, – деди у киши. – Аммо буларнинг ишида энг мухими – ҳозир авж олган адолатсизликка барҳам беришдан иборат. Вилоятда 3000 нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг кўпчилиги терговсиз, суд ҳукмисиз қамоқда ётибди. Ҳибсга олингандан ҳар бир кишига боғлиқ равишда яна 20 – 30 одам сўроқ беряпти, қариндош-уруглари сарсон-саргардон бўляпти. Бу кулфатга чек қўйиш, ноҳақ қамалганларни озодликка чиқариш даркор. Фақат ҳамжихатлик билан бу муаммоларни ҳал этиши, ишида ижобий силжисига эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Ислом Абдуганиевичadolatни тиклаш борасида, ўша давр нуқтаи назаридан, жуда қалтис ишини ўз зиммасига олди. Собиқ имтифоқ ва республика прокуратураларига талабномалар ёэди, Тошкентга, Москвага кўп бор қатнади, у ердаги амалдорлар билан талашиб-тортишиди, хуллас, ўз фикрини ўтказди. Мен бу воқеаларга шахсан гувоҳ бўлганман.

Бугун бу тўғрида хотиржам гапириш осон, аммо ўша пайтда бундай қилишига ҳар кимнинг ҳам юраги бетламас эди. Чунки арзимаган бир айб топиб, ҳар қандай одамни партиядан ўчириш, ишдан олиб, қатагон этиши Москва учун ҳеч гап эмас эди. Буни Ислом Абдуганиевич жуда яхши биларди. Лекин шунга қарамасдан, ҳалқ учун,adolatning қарор топиши учун ўзида куч топди, бор масбулиятни бўйнига олиб, буюк инсоний фазилатларини намоён этди.

Бу жасорат ҳеч қачон унумтимайди. Чунки мана шу ҳаракат наинки Қашқадарё, балки бутун ўзбек ҳалқи ҳақидаги уйдирма тасаввурларни ҳам яхши томонга ўзгартириб юборди. Бу вилоятда бағрикенг, заҳматкаш, эзгу мақсад йўлида жонини беришига ҳам тайёр бўлган одамлар яшаётгани амалда ўз тасдигини топди. Шунинг учун ҳам қашқадарёликлар Ислом Абдуганиевич сиймоси олдида доимо ҳурмат билан бош эгадилар ва у кишини ўзларининг ҳалоскори сифатида ардоқлайдилар.

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Одил Ёқубов ҳикояси:

— Бу гурунг Қаршида, боз-санаторийда бошланди.

Агар, уни баённома тарзида ифода қилсак, ўйлайманки, бор ҳақиқат ўз ҳолича қайд этилади.

Суҳбатимизда иштирок этганинг бири - Январ Иноятов - «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган уйдирма асосида ўн минглаб одамлар қатагон этилган даврда Шаҳрисабз ва Дехқонобод туманларига раҳбар бўлган.

Фармон Омонов эса ўша кезларда Касби ва Шаҳрисабз туманларига етакчилик қилган. (Суҳбатимиздан кейин

бирор йил ўтгач, бу инсон бевақт вафот этди, Оллоҳ раҳмат қиласин.)

Нуриддин Зайнисев — Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиги...

Камина ўша даврда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг муҳаррири эдим. Адашмасам, саксон олтинчи йил. «Қама-қама», ур-тиқит авжига чиқкан. Ҳар куни юрак қони билан битилган юзлаб шикоятлар келади. Ана шундай арзу додлардан бири ҳамон ёдимда. Уни Жалилов деган ишит Фузор туманидаги Киров номли совхоздан ёзган эди.

«Бир умр пахта деб қора меҳнат қилган оддий одамлар ноҳақ жабр тортини адолатданми? — деб бошлиган эди бу хат. — Менинг отам мана шундай ҳақсизлик туфайли қамоқхонанада ётибди.

Онам оиласи тебратишга қийналшиб, бизга бирон иш топиб беринг, деб совхоз директоридан илтимос қилди. Лекин ёрдам қаёқда дейсиз, директор отамнинг қамалганини юзимизга солди.

Ҳозир одамлар бизга ғалати кўз билан қарайди. Шундай пайтларда ич-ичимдан эзилиб кетаман.

Пахта деб кишиларни айблаш, қамаш қачон тугар экан? Юрак тўклиб кетди-ку! Ахир, бу ўттиз еттинчи ишлнинг ўзгинаси, репрессия эмасми?

Айтишларича, отамнинг қамалгани бизнинг келажагимизга ҳам салбий таъсир қилар эмиш. Шунинг учун онам ажрашимоқчи.

Наҳот оиласиз бузилиб кетса? Кейин нима бўлади? Бир умр ота меҳрига зор бўлиб юрамизми? Наҳот бизга ҳеч кимнинг раҳми келмайди?»

— Ҳақиқатан ҳам, ўша қора кунларда кўпдан-кўп одамларнинг уйи кўйиб кетди, — деб ҳикоя қиласи Январ Иноятов. — Ўшанда мен Шаҳрисабз туманида раҳбар эдим. Ишонсангиз, биргина бизнинг тумандан 1058 одам терговга тортилган, кўпчилик хонадонларда йиши-сизи, ҳамма авахтага қатнайди, сарсон-саргардон...

Одамга алам қиласынан – терговчилар босар-тусарини билмасди, ўзларича турли хил дахшатлы тартыб-қоидалар жорий этишиган, сүрокқа чакирған одамларга ўтказаётган тазиик өзіншілдерге «Нима қиляпсан, ҳаддингдан ошма!» дейдиган бир мард топылмасди.

Айниқса, аёл раҳбарларга жуда қийин бўлди, улар менинг олдимга келиб, унсизгина йиғлашар, гоҳо фарёд қилишарди.

– Бу золимлар ҳеч кимни аяб ўтирумайди. Биз қамаладиган бўлсак, бола-чақамизнинг ҳоли не кечади? – деб қон бўлишишарди.

Терговчилар эса одамни одам ўрнида кўрмайди. Хўжалик раҳбарларини чақириб олиб, столни муштлаб қўрқитишади, зулм ўтказишади, чўнтакларини қоқишиади...

Бир кун кўчада бораётсам, нотаниш енгил машина келиб йўлимни тўсди. Қарасам, ўша – «Бу одамларни истаганча топтаймиз, хоҳласак, йўқ қилиб юборамиз», деб юрган нокаслар.

– Сиз Иноятов бўласизми? – деб сўрашиди.

– Ҳа, – дедим.

– Машинага чиқинг!

«Навбат менга етиб келибди», деб ўйладим. Лекин мен машинага чиқиб ўтиргач, бошқа гап айланди:

– Биз сизни яхши биламиз, – дейшиди улар. – Ишингизни итидан иғнасигача ўрганиб чиқдик. Керак бўлса, яна текширамиз. Ҳозир сиз биз учун иккита яхши хона ажратиб беринг. Туман прокуратурасидан...

Мен прокуратурага топшириқ бергач, уйга қараб юрдим. Борсам, хотиним:

– Нега рангизда ранг йўқ? – дейди...

Улар туманимизни роса оёқости қилишиди. Жуда кўплаб ажойиб, софдил, шибилармон кишиларни истаганча топташиди. Мехнаткаш халқни тоза эзив ташлашиди. Ахийри, чидай олмадим. Тоқатим тоқ бўлиб, Тошкентга, ўша даврдаги биринчи раҳбарга қўнгироқ қилдим.

У киши «Сиз бу ишларга аралашманг», деди.

— Ҳеч бўлмаса, Бутурлинни юборинг, — деб илтимос қилдим. — Бу зўравонлар билан ўзи гаплашсин. Ахир, у республика прокурори-ку!

Бутурлин келди. Лекин у терговчиларга бир нима деган эмас, ҳатто уларга учрашгани ҳам йўқ. Гапнинг очизи, ҳайиқди. Чернобил атом электростанцияси портлаганини баҳона қилиб, ота-онам ўша ерда туради, бориб улардан хабар олишим керак, деди ю жуфтакни ростлади.

Хуллас, биздан кўнгил сўрайдиган инсон топилмади.

Мен кейинчалик республика прокурори этиб тайинланган Д. Усатовга ҳам телефон қилганман. Лекин у ҳам, «Сиз айттаётган одамларга жуда катта ваколат берилган. Биз уларнинг ишига аралаша олмаймиз», деган.

— Лекин Худо бор экан! — деди Январ Иноятов чукур энтикиб. — Худди ўша кунларда ҳалқнинг оҳу зори Аллоҳ таолога этиб бордими, ҳеч куттилмаган ўзгариш рўй берди — бизнинг баҳтимизга Ислом Каримов вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келди.

— Тўғри айтасиз, — деди Фармон Омонов. — Худо бор экан!

— Янги раҳбар ишини пахта, чорва ёки ғалладан эмас, балки вилоятда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга чек қўйишдан бошлиди, — деб ўз ҳикоясини давом этитирди Январ Иноятов. — Ислом Абдуғаниевичнинг ҳимматига қаранг, мана шу ишини охиригача олиб борди. Худо бизнинг баҳтимизга у кишини шердил қилиб яратган экан, деган эдик ўшанда.

— Биз, қашқадарёликлар унча-мунчага кўнглимиз эрийдиган одамлар эмасмиз, — дейди Фармон Омонов. — Қийинчиликларни кўравериб дийдамиз қотиб кетган. Лекин Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёга келиб, раҳбарларни ишиб айтган биринчи гапини эсласак, ҳамон юрагимиз титраб кетади. «Кимда-ким гуноҳкор бўлса, ўз айбини тан олсин. Бошка йўл йўқ, — деган эди у киши. — Лекин кимнинг айби бўлмаса, ноҳақ қатагон этилган ёки тухматга учраган бўлса, бундай инсонлар ҳақ-ҳуқуқини ҳар қандай вази-

ятда ҳимоя қиласыз, бунга құрбимиз етади. Эхтимол, мен үзимни ҳимоя қила олмасман, лекин ноҳақ зулм күрган, ноҳақ жабрланаётган одамларни ҳимоя қила оламан».

Бу, яғни аввало бошқалар ҳақида қайғуриш, уларнинг ташвишини чекиши жуда ноёб, ибратли хислат. Негаки, үзини қадрламаган одам үзганинг ҳам қадрига етмайди.

У киши инсонларга бир-бирини қадрлашдан сабоқ берди, десак, бу ҳам түғри бўлади.

Мана шу гаплардан сўнг одамлар ўзларини босиб олди, кеча ҳадик-хавотир билан қараган нарсалардан энди ортиқ چўчимай қўйди. Чунки уларнинг қалбида ҳақ қарор топишига умид уйғонган эди.

— Қани, ўзингиз айтинг-чи, ўша даврда ким шундай қатъият билан гапиришига журъат этган? Ахир, аввалги «биринчи»лар эл-юртни оёқости қилган қатагончилардан кўрқиб, доимо қочиб юрган-ку! Ислом Абдуғаниевич эса тан тортмай уларни тартибга чақирди, қонунга риоя қилишини талаб этди, тухматга учраган одамларни мардона ҳимоя қилди. Бу кураш пировард натижада шу билан якун топдики, муттаҳамлар бирин-кетин вилоятни тарк этди, уларнинг думи туғилди.

Қашқадарё ҳалқи Ислом Абдуғаниевични бежиз эъзоз-ламайди, у киши воҳада иш бошлагандага вилоят уч юз минг тонна пахта берган бўлса, орадан икки йил ўтиб, бу кўрсаткич қарийб икки баробар кўпайди. Бошқа соҳаларда ҳам худди шундай ўсиш бўлди.

Бунинг биринчи омили Ислом ака кўпдан-кўп одамларни қатагон кулфатидан асраб қолгани, ҳар бир инсонга бўлган меҳр-муҳаббати билан изоҳланса, иккинчи омил — у киши ишини камдан-кам раҳбарга хос бўладиган ҳалқчил усулда ташкил этди. Яғни, у кечако кундуз одамлар орасида юриб, уларнинг ташвишу қувончларига доимо шерик бўлиб, ҳамма билан елкама-елка турриб ишлади.

— Ўша пайтларда мен вилоят партия қўмитасида саноат бўлмишини бошқарар эдим, — деб ҳикоя қиласади Нуриддин Зайнисев. — «Пахта иши» билан шуғулланган қатагончилар табиати равишда пахта заводлари ишига аралаша бошлади.

Бир томондан, хўжалик раҳбарлари, ҳосилоту бригадирлар тергов қилинар, иккинчи томондан эса, мана шу заводлар ходимлари, тарозибонлар, ҳатто лабораторияда ишилаётган қиз-жувонлар қийнок-қистовга олинар эди. Бу ҳам етмагандек, улар мана шу лабораторияларга ўз «агент»ларини жойлаштириб қўйишганди.

Биласизми, улар жиноят изларини очишидан кўра кўпроқ хўжалик ишиларини «боиқариш», арзимаган баҳона билан одамларни талаши, бойлик тўплаш билан шуғулланар эди.

Лаборант қизларимиз хўжаликдан келган пахтанинг намлигини 20 фоиз деб белгиласа, улар 60 фоиз деб қайд этган. Яъни, шу тариқа қабул қилинаётган пахтанинг учдан бирни уриб қолинган. Яна, «Сенлар ўғри, муттаҳам, қаллобсанлар», деб одамларни ҳақорат қилганини айтмайсизми?

Шўрлик раисларнинг фигони фалакка чиқарди, мен нима қилишини билмай вилоят раҳбари муовинларининг олдига кирадим.

Масала кўтарилади, ҳамма норози бўлади, лекин ҳеч ким бу бемаъни ишиларга қарши чиқа олмайди.

Нимасини айтасиз, ўша даврда жуда қийналиб кетганмиз. Пичоқ бориб суюкка қадалган. У ёқда «Правда» каби газеталар «олтин устидаги кўзойнакли илон» деган бўхтон гаплар билан миллатни камситади. Бу ёқда эса, қилич ялангочлаб булар зуғум қиласи, очиқ айтсам, ўша азобларни ҳатто душманинга ҳам раво кўрмайман.

Яхши ҳамки, шу орада Ислом Абдуззаниевич вилоятга раҳбар бўлиб келди. У кишии хавф-хатарни писанд этмай бу муттаҳамларнинг ёвуз кирдикорига ўз вактида чек қўйди, бўлмаса, билмадим, Қашқадарё бутунлай ёниб кетармиди?!

— Адашмасам, 1988 йилнинг май ойидага Китоб туманидан бир хат олганмиз, кейинчалик бу хат газетада ҳам босилиб чиқди, — деб сүхбатни давом эттираман мен. — Мана шу хатда айтилган фикрлар ҳам сизнинг гапингизни тўлиқ тасдиқлайди.

«Менинг исмим — Раъно, — деб ёзган эди китоблик

құзимиз. — Ойлада беш кишимиз. Онам бөгчада ишлайди. Отам эса қамоқда... Болаларнинг каттаси менман, түққи-зинчи синфда ўқийман. Агар, бундан уч-түрт йил илгари ҳозиргидек соглом мұхит бўлганида менинг отам қамал-мас эди. Бошқалар ҳам бунчалик қийналмасди. Мана, бугун ноҳақ қамалганлар озодликка чиқяпти. Отам ҳам эрта-индин уйга кириб келишига ишонаман».

Мен бу хатни бежиз эсга олғаним йўқ. Унда адолат тантанасига ишончми, умидворликми, хуллас, шундай бир некбин руҳ борки, у кўнгилга қувват базишлайди.

Биз, қатагон нима эканини кўрган-билган ва унинг мусибатларини ўз юрагидан ўтказган одамлар бу ёруэликни ғоят қадрлаймиз.

Қашқадарё гурунгларига якун ясад, шуни ҳам айтиш керакки, сабиқ Марказ ўз вақтида «ўзбеклар иши»ни бошлиб берган шахсларга нисбатан ҳам вафо қилмаган. Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг тўрт нафар котиби, вилоятларнинг саккиз нафар раҳбари, умуман, республика аҳамиятига молик 62 нафар масъул шахс ҳибсга олинган, биргина Усмонхўжаевнинг орқасидан 9 нафар қариндоши қамалган, ҳатто ўндан ошиқ фарзанди бўлган Алимова, Долиева, Сайдова каби оналарга раҳм-шафқат қилинмаган, улар турмага ташланган ўша тўфонли даврда Ислом Абдуғаниевичнинг аввал қашқадарёликларни, сўнг Ўзбекистоннинг ноҳақ жабр чексан фарзандларини ҳимоя қилиб, адолат тантанаси ва миллатимизнинг шаъни учун олиб борган мардона кураши чинакам қаҳрамонлик, десак, асло муболага бўлмайди.

Ғузор шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳалла фуқаролар йигини раиси Эгамберди Ҳамроев ҳикояси:

— Менинг олти нафар фарзандим бор. Улар вояга етган бир пайтда, саксонинчи йиллар ўртасида бошимга ташвиши тушибди. Туҳматга учраб, ҳибсга олиндим. Гарчи жиноий ишига зияирча алоқам бўлмаса-да, қарийб ярим йил қамоқда азоб тортдим. Жиноят очилгач, мени қўйиб юборшиди.

Лекин ҳамқишлоқлар, қариндош-уруг ва бола-чақа олдида юзи қаро бўлиб қолган эдим. Бу етмагандек, 1987 йилгача муттасил тазийк ўтказиб, хўрлаб келишиди. Бутун республикада жонимга аро кирадиган бирон-бир одам йўқ эди.

Ислом Каримов вилоятга раҳбар бўлиб келгач, биринчилардан бўлиб қабулига кирдим.

У киши менинг ҳасратимни охиригача эшиоди, сўнг шошилмасдан ҳужжатлар билан танишиб чиқди.

Вилоят раҳбарининг аралашиб туфайли адолат қарор топди, менга нисбатан ноҳақ зулм ўтказган прокурор ўз вазифасидан четлатилди.

Мен эса онадан қайта тузилгандай эдим. Шаъним, қадр-қимматим, ҳақ-хуқуқим тикланди. Юзим ёруғ бўлди.

Фузор туманидаги Абдулла Турсунов номли хўжалик раиси Ўрол Исмоилов ҳикояси:

— Бир куни тўрт нафар ички ишлар ходими фуқаро кийимидағи тўрт-беш киши билан бирга идорага келиб, ҳибсга олинганимни маълум қилишиди.

— Айбим нима, билсан бўладими? — деб сўрадим.

— Нима, бизни сўроқ қилмоқчимисиз? — деб даёдага қилди улардан бири.

Кейин билсан, улар аввалига уйни тинтуб қилган, сўнг мени ҳибсга олгани келган экан. Кечқурун эса оёғимдаги пайтоқдан токи бошимдаги телпаккача рўйхатга олиб, нархлаб чиқшиди.

— Кимларга пора бергансан? Шуни ўз қўлинг билан ёзib берсанг, бу азобдан қутуласан!..

Одамнинг умрини эговловчи бундай даёдага ва қийиноқлар қанчалаб юртдошлиаримизнинг бошига етди. Бизнинг баҳтимиз шундаки, Ислом Абдуганиевичнинг кўмаги билан озодликка чиқдик. Кўпчилик ҳалол-покиза инсонлар аввалиги ишларига тикланди, яна қадр топди. Шахсан ўзимга келсак, олти йиллик иш ҳақим ундириб берилди. Энг муҳими, тухмат балосидан қутулдим.

Қашқадарёда менга ўхшаганлар оз эмас...

## **МУАММОЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**

1987 йилнинг ўрталариға келиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари бўйича вилоятда ижобий ўзгаришлар сезила бошлади. Ўзаро сұхбатларда, йиғилишларда қўлга киритилаётган ютўклар қайд этилиб, ўтган олти ой ичидаги Фидойилик кўрсатган инсонлар номи тилдан тушмай қолди. Ҳатто Ислом Каримов йирик анжуманда пешқадам ишчию дехқон, чўпону соғувчи, муаллиму мураббийларнинг исмларини бирма-бир тилга олиб, улар Қашқадарёning фахри, деб барчага намуна қилиб кўрсатди.

Агар, биз ўша мураккаб даврни, мамлакатнинг нотинч ҳаёти, республикадаги ўта қалтис вазиятни тасаввур этсак, кўз олдимиизга келтирсак, вилоядаги бундай ўзгариш кишини таажжублантириши, бунга қандай қилиб, нима ҳисобидан эришилди, деган табиий савол туғилиши муқаррар. Чунки саксон еттинчи йилда наинки республикада, балки собиқ иттифоқда бир-бирини таъқиб этиш, бир-бирини камситиш, машмаша ва тўполонлар авж олган, одамлар ўз турмушидаги ўткир ижтимоий муаммо ва этишмовчиликларни митинглар, намойишлар, ур-йиқитлар воситасидә «ҳал этиш»га киришиб кетган эди.

Мана шу нотинч ва бекарор, хатарли вазиятда Қашқадарёда бирдан-бир тўғри йўл танланди – элнинг кучфайрати бунёдкорлик ишига сафарбар этилди.

Ҳар бир эл ўз шаҳар-қишлоғини ўз қўли, ўз кучи билан обод қилиши, турмушини ўз пешона тери билан фаровон этиши даркор. Чунки, ҳеч ким четдан келиб, унинг учун бу ишларни қилиб бермайди.

Буни минг йиллардан бүён амал қилиб келаётган ҳаёт қонунияти ҳам яққол тасдиқлайди.

Ислом Каримов вилоят ахли айнан ана шундай кайфият билан яшаётганидан хурсанд эканини яширмай, «Қарор топаётган янги вазият, одамларнинг фаоллиги, мутахассисларнинг ўз ишига муносабатидаги ижобий ўзгаришлар иқтисодий тараққиётимизга сезиларли таъсир қўрсатмоқда», – дея таъкидланган эди ўша йиллари.

Ҳақиқатан, сўнгги пайтда батамом «ўтириб» қолган саноат корхоналари ҳам, ниҳоят, биринчи маротаба ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича ярим йиллик режани тўлиқ бажарган эди. Қурилиш соҳасида ишлар жадал тус олган, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари – фалла, пилла, гўшт, сут, ҳатто тухум етиштиришда ҳам ялпи ўсиш суръатлари аниқ кўзга ташланиб туради.

Ислом Каримов вилоят раҳбари сифатида иш бошлаган йили баҳорда чигит ўн икки кун ичида экиб тугалланган, яхши парвариш туфайли ғўзалар баравж ўса бошлаган эди. Энг муҳими, одамларнинг шаштини қайтармасдан, уларнинг ғайрат ва шиҷоатини, янгиликка интилиш ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш зарурлигини катта-кичик барча раҳбарлар тушуна бошлаган эди.

Ҳўжалик, корхона ва муассасалар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, орттирган маблағи ҳисобидан қурилишлар қилишга кириша бошлади.

«Ҳаммасини ўзимиз, ўз қўлимиз билан қилишимиз керак бўлади!»

Ислом Каримов одамлар онгига бу ҳақиқатни янада чуқурроқ сингдиришга интиларди. Чунки бу ҳаётий ҳақиқатни англаган инсон оламга бошқача кўз билан қарайди, бοқимандалик кайфиятидан халос бўлади, умрнинг, ўтаётган ҳар бир лаҳзанинг қадрига етади.

Ҳалол ва жүшқин мәхнатгина турмушга файз киритади, дастурхонга тұқынник бағишилайди.

Собиқ иттифоқ иқтисодий бўҳрон гирдобига чўкиб бораётган ўша оғир даврда аввал вилоят марказидаги эски бозор кенгайтирилиб, қайтадан қурилгани, расталар устидан шарқона баланд тимлар барпо этилгани, бозорнинг чор атрофида, шунингдек, йўл бўйларида дўконлар, хунармандчилик устахоналари қад ростлагани, бир сўз билан айтганда, амалий ўзгаришлар нафаси ҳар қадамда сезила бошлагани одамлардаги бунёдкорлик ҳиссини яна-да кучайтирас эди.

Шаҳар чиройини очиб юборган ана шу мажмуда қурилиш бошлангач, вилоят раҳбари деярли ҳар куни, гоҳо кечалари ҳам келиб, ишнинг боришини дикқат билан кузатар, ишчи ва мутахассислардан ўз ёрдами ва маслаҳатини аямас эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинчалик вилоятнинг барча туман марказларида Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуси билан мана шундай замонавий шарқона бозорлар қад ростлади.

Энг муҳими, бу жойлар аста-секин ҳунармандчилик, косиблик, халқ амалий санъати ўчоқларига айланди, шу тариқа хусусий тадбиркорлик янгитдан тиклана бошлади.

Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи Нуридин Зайнинев ҳикояси:

— Мен ўша пайтларда, яъни 1986—87 йилларда вилоят партия қўмитасида хизмат қилганман.

Ислом Абдуганиевич вилоят раҳбари сифатида иш бошлиши билан барча соҳалардаги, жумладан, газ саноатидаги аҳволни атрофлича ўргана бошлади. Гапининг маромидан у киши бу соҳа муаммоларини чуқур билиши кўришиб турарди.

Ислом Абдуганиевич ўзининг учинчи иш кунида, яъни 1986 йилнинг 30 декабрида «Шўртнангаз» корхонаси ёрдами чи жўжалиги мажлислар залига соҳа мутахассисларини ишгаб, улар билан батофсил сұхбатлашиди.

Ўшанда бир ҳақиқат юзага қалқиб чиқди: қазиб олинаётган табиий газ суб текинга четга олиб кетилади, хўши, нега энди шунча бойликни тайёрлаб бералётган корхонанинг ишчи-хизматчилари ҳолидан ҳеч ким келиб хабар олмайди? Ислом Абдуганиевич, айниқса, мана шу табиий бойликнинг нақ устида яшаётган, унинг қонуний эгаси бўлган Қашқадарё вилоятининг атиги 4 фоизигина газлаштирилгани мутлақо номақбул ҳол эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, у биз қазиб олаётган табиий газ таркибида катта миқдорда этан ва пропан каби қимматбаҳо моддалар мавжуд эканига барчамизнинг эътиборимизни қаратди. Афсуски, ўша пайтларда бу моддалардан ўринли фойдаланиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, шу боис қазиб олинаётган газга фақат ёқилғи манбаи сифатида қаралар эди.

Афтидан, собиқ иттифоқ раҳбарияти бу моддалар асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилшини, яъни ўзбекистонда хомашёни қайта ишлаш саноати вужудга келишини истамаган бўлса керак.

Ислом Каримов шу долзарб масалани Марказда ўтирган, шу масалага бевосита жавобгар бўлган мутасадди раҳ-

барлар олдига кўндаланг қилиб қўйди. Лекин ижобий натижажа чиқмади. Ниҳоят, вилоят раҳбаримиз «Шўртнагаз» корхонасининг бош муҳандиси Олег Блюмберг, Руслан Абдуллаев, Эркин Вагапов ва ўқтам Эшимуродов каби қатор етакчи мутахассисларни ишиб, мана шу соҳага доир дунё тажрибасини, энг мукаммал технологияларни атрофлича ўрганиб чиқши, кейин тегишили таклиф тайёрлаш ҳақида топшириқ берди. У кишининг, ишончингиз комил бўлсин, биз бу масалани, албатта, ечамиз, дегани ҳамон ёдимда.

Ислом Абдуғаниевич айтган сўзининг устидан чиқшишини, қатъиятини яхши билганимиз учун ҳам белни боғлаб ишга киришидик. Тўғри, у кишининг эзгу мақсадлари рўёбга чиқшиши учун бирмунча вақт керак бўлди ва бу олижаноб ният истиқлол йилларида гина амалга ошиди.

Бугун барчанинг ҳавасини келтириб турган, дунёда ўхшаши кам бўлган замонавий Шўртнагаз-кимё мажмуни ана шу катта ишонч ва уни рўёбга чиқариш йўлидаги амалий ҳаракатлар маҳсулидир, десак, тўғри бўлади.

Ўрни келганда мен яна бир ҳақиқатни айтишим жоиз, Ислом Каримов вилоятдаги ёшларни, айниқса, тадбиркор ва қобилиятли йигит-қизларни ғоят қадрларди. Гдлян ва Иванов халқимиз шаънини ерга урадиган вирт тухмат гапларни айтиб, бутун дунёга жар solaётган бир пайтда у киши бу ердаги кўпдан-кўп маҳаллий қадрларни ҳимоя қилган, тарбиялаган, йўлини очиб берган. Мен ўзим ҳам у кишидаги мана шу олижаноб фазилат туфайли кўкарган одамларнинг бириман. Шу боис, Ислом Абдуғаниевичдан кўрган яхшиликларимни одамларга қайтарсан, деб астойдил ҳаракат қиласман.

Қашқадарё вилояти раҳбарининг собиқ шофёри Суюн Сувонов ҳикояси:

— Ҳеч ёдимдан чиқмайди, авжи саратон эди. Ўшанда Ислом ака собиқ имтилоқ энергетика ва электрофикация базири А. Майорең билан бирга ГРЭС қурилишини кўриш учун Таллимаржонга бораётганди. Ориқа ўриндиқда, базир-

нинг ёнида КПСС Марказқұманинг шу соҳа бүйіч арасынан  
ходими үтирады.

Ислом ака уларга қурилишни жадаллаштириши лозим-  
лігінің үқтираётган бир пайтда, ҳеч күтілмагандың ви-  
зир: — Ислом Абдулғанисевич, — деб қолди. — Биз мана шу  
қурилиш учун яна бир неча вагон цемент ажратдик. Шуни  
“Олинди” деб расмийлаштириб құясиз, лекин уни Уралға  
жүннатамыз.

— Нега? — деди Ислом ака таажжубланғанини яшир-  
май. — Биринчидан, цемент қурилишга сүв билан ҳаводек  
зарур, иккінчидан, нимага энді олмаган нарасамизни ол-  
дик деб күзбұйямашилик қилишимиз керак экан?

Вазирнинг авзойи бузилди.

— Ана, холос, — деди у. — Нима, сиз шундай қылсан-  
ғыз, осмон узилиб ерга туашадими?! Ёки биз, уй қурамыз,  
деб одамларингиз вагон-вагон цементни ўзлаштириб юбо-  
раётганини билмаймизми?!

— Сиз нега бундай деяпсиз? — деди Ислом ака астай-  
дил жағли чиқиб, сүнг менга ўғирилди-да: — Қишлоққа  
хайданғ, қишлоққа! — деди жуда кескин оғанғда.

Шоша-пиша машинаны чап томондаги қишлоқ ійлігі  
бурудим. “Волга” нинг ичига ёптириліб чанг-түзон кирди. Ва-  
зир бундай бўлишини кутмаган экан, шекилли, бесаранжом  
бўлиб қолди, лекин Ислом ака унга зиярча эътибор қилма-  
ди. У қаттиқ асабийлашган эди. Ниҳоят, қишлоққа етиб  
келдик ва уни бир сидра айланиб чиқдик, қишлоқ адогида  
уч-түртта ишит — бошини оқ қийиқча билан танешиб  
олиб пахса девор ураётган экан, шу ерга келганды вилоят  
раҳбари “Тұхтатинг” деган маңнода ишора қилди.

— Мана, бутун бошли бир қишлоқни ўз күзингиз билан  
күрдингиз, — деди Ислом ака вазирга юзланыб. — Қани  
энди, цемент бўлса-ю, мустаҳкам пойдевор қўйиб, мана  
шу уйларни пишиқ тишидан тиқлашса! Минг афсуски, сиз-  
лар ажратған цемент ГРЭСга ўхшаши ўта муҳим қури-  
лишлардан ортмайди. Сиз бўлса, уни Уралға жүннатамыз,  
дайсиз... — Вилоят раҳбари ҳандакдаги лойни тениб пиши-

таётган пахсакашга юраги ачишиб термилди. — Кўрятсизми, ҳамма уй пахсадан қилингган. Агар бу ҳалқ давлатнинг мулкини ўмарид билса, мана шундай оғир шароритда яшармиди?

Вазир қизариб кетди, афтидан, у нима дейшишини ҳам билмас эди. Яна изимизга қайтдик. Ҳамма ўйга толган эди. Ниҳоят, вазир хижолатпазликдан чиқиши учунми, вилоят раҳбарининг кифтига қўлини қўйиб: — Хафа бўлманг, цементни оласиз, — деди. — Ўзим жўнатаман.

— Бу — бошқа гап, — деди Ислом ака чироий очилиб. — Қурилишини тезлаштириш учун бизга цемент керак. Шу билан бирга, турли бўхтонлардан ўз шаънимизни ҳимоя қилишига ҳам мажбурмиз. Ҳозир ўзингиз гувоҳ бўлган аччиқ ҳақиқатни мен кўрсатмасам, бир умр ўша фикрда юраг эдингиз...

Гап айланиб келиб, “ўзбеклар иши”га тақалди.

Хуллас, тушга яқин Таллимаржонга етиб бордик. Жазира маисиқда қурилиши жараёнини кўздан кечириб чиққунча кекса вазир қора терга ботиб кетди. Ислом ака эса ҳазил-ҳузул қилиб ишчиларнинг кўнглини олар, биринчи нафбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни сўраб-суришишира, вазирга эса, кўрятсизми, одамлар қандай жазирамада янги иншиотни барпо этајиши, уларга ҳар томонлама ёрдам беришимиз керак, деб таъкидлар эди.

Кечга томон Марказқўмнинг масъул ходими зудлик билан Москвага қайтиши зарурлиги ҳақида кўрсатма келди. Ислом ака ўз ўринбосарини ва мени чақирди-да, масъул ходимни тезда Қаршига олиб бориб, Марказга жўнатиш лозимлигини уқтириди.

Биз яна вилоят марказига қараб йўл олдик. Йўлда келатуриб, меҳмон айтган гап ҳамон ёдимда:

— Ҳатто Россиядаги иирик ўлкаларнинг крайкомлари ҳам бу вазирнинг раъиини қайтара олмайди, — деган эди у. — Сизларнинг обком ўткир одам экан, бояги воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Биз турли хил гап-сўзга

ишиониб, сағсаталар таъсирида юрган эканмиз. Ҳақиқат эса бошқача экан. Афсуски, шуни кўрсатиб беришга кўпчилик раҳбарларда журъат етиши майди...

«Нуроний» жамғармаси Фузор тумани бўлимининг раиси Файрат Шаропов ҳикояси:

— 1985 йили қурғоқчилик бўлди. На чигит унди, на бошқа нарса. Эсимда, туманимизга ҳукумат вакили сифатида молия вазири Ислом Каримов келиб, экин экилган ерларни бир-бир кўздан кечириб чиқди. Ўшанда мен қишлоқ хўжалиги техника таъминоти идораси раҳбари эдим. Бизда захира қисмлар етарли эканини билib, Ислом Абдуғаниевич мамнун бўлди.

— Хўш, қандай илтимосингиз бор? — деди у менга юзланниб. Шунда Ислом Абдуғаниевичга туманимизда тоза ичимлик суби муаммо эканини айтиб, сувни Яккабоғдан ташиб ичамиз, дедим.

У киши бир оз ўйланиб турди-да, туманинг биринчи котибига қараб:

— Қурилиш бўйича муовинингизни менинг олдимга жўнатинг, — деди.

Хуллас, Ислом Абдуғаниевич Фузор туманига тоза ичимлик суби олиб келиш учун вазирликдан 250 минг сўм маблағ ажратди. Шу пул ҳисобига Яккабоғдан тоза ичимлик суби тармоги тортиб келинди, шаҳар ва қишлоқ одамлари ундан баҳраманд бўла бошлиди.

Ислом ака кейинчалик, вилоятимизда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган даврда ҳам қурилишга алоҳида эётибор қаратди. Фузордаги катта ва обод бозор ҳам у кишининг ташаббуси билан барпо этилгани фикримининг тасдизиидир.

## **«ҲАЁТНИНГ ТАЛАБИ АНА ШУНДАЙ...»**

Ўша кезлар вилоятда 1 миллион 500 минг киши истикомат қилар, аҳолининг ўсиш суръати бўйича у республикада етакчи ўрин тутарди. Умуман олганда, саксонинчи йилларда вилоят аҳолиси 43 фоизга кўпайган.

Бу эса кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаар эди, албатта. Шунинг учун ҳам вилоят раҳбари мавжуд имкониятларни ўз вақтида ишга солишга астойдил ҳаракат қилди.

1987 йилнинг 12 сентябрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида у бундай деган эди:

**–Бугун вилоят раҳбаридан тортиб, энг оддий ишчигача – барчамиз қурувчи бўлишимиз шарт. Ҳаётнинг талаби ана шундай.**

Шу тариқа у ҳар бир етакчи зиммасига ана шу масъулиятли вазифани юклаган эди.

Шундан сўнг вилоятда узоққа мўлжалланган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авж олди. Қисқа вақт ичida 256 минг ўқувчига мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари, 400 ўринли янги шифохоналар қуриб битказилди.

Қашқадарёнинг олис тоғ қишлоқларида, чўл бағрида жойлашган хўжалик марказларида янги мактаб ва турар-жой бинолари, савдо дўконлари, бутун бошли маҳаллалар қад ростлади. Туман марказларида тартибсиз равишда иморат қуришга барҳам берилди, замонавий лойиҳалар асосида янги иншоотлар барпо этиш одат тусини олди. Ўша даврда Қамаши, Яккабоғ, Фузор туманларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Қингир-қийшиқ кўчалар ўрнида замонавий турар-жой бинолари, боғ-роғлар, шинам ва обод кўчалар бунёд этилди, шаҳарларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Қарши шаҳрида ва туман марказларида қад ростлаган, шарқона услубда безатилган кўркам бозорлар, шинам расталар, замонавий савдо ва умумий овқатланиш, маданий-маиший хизмат бинолари миллий меъморлигимизнинг мумтоз анъаналарини ўзида ифода этиши билан ажралиб турарди.

Қарийб чорак аср давомида воҳадан газ ва нефть қазиб олинаётган бўлса-да, вилоят шаҳар ва қишлоқларини газлаштириш, шу тариқа оғир турмуш шароитини енгиллаштириш учун амалий ишлар қилинмаган эди.

Бу адолатсизлик Ислом Абдуғаниевични ҳакли равишда ташвишлантиради:

— **Ахир, бизнинг вилоятимиз шундокқина газ захиралари устида жойлашган бўлса, республика миқёсидаги мавжуд газнинг саксон фоиздан ошигини биз қазиб олиб, қайта ишласакда, мана шу ҳудудда яшайдиган аҳолининг 17 фоизи, қишлоқ жойларда атиги 4 фоизи табиий газ билан таъминланган бўлса, бунга қандай баҳо бериш мумкин?**

Ҳақиқатан ҳам, вилоятда йиллар мобайнида ҳал этилмай келинган бу каби ўткир муаммолар оз эмас эди. Шулардан бири – ишсизлик масаласи бўлиб, банд бўлмаган аҳолининг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этарди.

Ислом Абдуғаниевич ёшлар ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга, ўғил-қизларимизни ўқитиши, ишга жойлаштириш ишига кўп куч-файрат ва вақтини сарфлади.

Кейинги йиллар давомида вилоятда иқтисодиётимизни янги, юқори босқичга кўтаришга хизмат қилалигидан олтмишдан зиёд замонавий корхона қуриб битказилган ва ишга туширилган экан, булар барчаси ўша даврда бошланган эзгу ишларнинг мантикий давоми, амалий натижасидир.

Бугунги кунда бу корхоналарда минглаб ўғил-қизларимиз меҳнат қилмоқда.

## УНУТИЛМАС ДАҲЗАЛАР

### Уирашувлар. Таассуротлар. Қайдлар

Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 20 декабрда Шўргангаз-кимё мажмуи очилишига багишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан:

— Мен ҳозир беихтиёр Қашқадарё вилоятида ўтган, ҳаётимнинг сермазмун бир қисми бўлиб қолган унумтилмас даврни эслаб турибман.

Ўша пайтларда мана шу Шўртан тупроғида туриб, вилоят аҳли билан учрашганим, улар билан бирга Қашқадарёнинг бойлиги, унинг келажаги ҳақида, эртанги иқтисодий қудрати ҳақида жуда катта ҳавас билан орзу-умидлар қилганимизни яхши эслайман.

Мен ўша вақтда айтган бир гапимни ҳозир яна тақрорламоқчиман. Яъни, Ватанимизнинг бетакрор ўлкаси бўлмииш, ўзида қанча-қанча мўъжизаларни мужассам этган мана шу Қашқадарё замини ҳали тўла очилмаган бир хазинадир.

Бу хазинанинг қалити унинг ҳақиқий эгаси бўлмииш мана шу ҳалқнинг қўлида ва ҳали шу хазинани очадиган, ундан баҳраманд бўладиган кунлар келади, иншиоolloҳ, деб айтган гапларим бугунгидек ёдимда.

Бу гаплар эндиликда тарихга айланиб қолган совет даврида бўлиб ўтган эди. У пайтда биз мана шундай буюк иншиоотлар қуришини фақат орзу қилишимиз мумкин эди.

Лекин шу замин қаъридаги бойликларни ишга солиши, улардан шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳаётини фаровон қилиши учун фойдаланишининг имкони ўйқ эди.

Ҳозир ўша даврларни одам худдики ёмон бир тушдек эслайди. У пайтларда мана шу Бухоронинг гази, Қашқадарёнинг гази «Бухоро — Урал», «Ўрта Осиё — Марказ» деган катта-катта қувурлар орқали собиқ иттифоқнинг турли жойларига кетарди-ю, лекин шу газ конларининг атрофида яшайдиган одамлар ундан бебаҳра, таъбир жоиз бўлса, дарёнинг ёқасида яшаб, сувга ташна эди.

Шу муносабат билан хотирамда сақланиб қолган бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Ўзингиз бир тасаввур қилинг, ўша пайтда республикамиз қишлоқларининг атиги 4 фоизи газлаширилган эди, холос.

Фақатгина истиклолимиз, мустақиллигимиз шарофати билан биз бугун ўз еримиз, ўз тақдиримизнинг чинакам эгаси бўлдик, ўз бойликларимиздан ўзимиз фойдаланиш имконига эришдик.

Бепоён сахро баҳрида ҳалқимизнинг азму шикоати, ақлу заковати билан барпо этилган Шўртнагаз-кимё корхонаси ҳам ана шу ҳақиқатнинг яна бир далилидир, деб ғурур билан айтсак, арзийди.

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Одил Ёқубов ҳикояси:

— Шаҳардан чиқиб, бир оз юрилгац, Шўртнагаз-кимё мажмуи кўзга ташланади. Корхонага етгац, ўнг қўлга, ўртаси гулзордан иборат бўлган хиёбон томон бурилдик. Хиёбон адозида — атрофи баланд шиштили девор билан уралган улкан боғ.

Ичкарига кирдик. Мана буни чинакам боғ, деса, арзийди.

У шу қадар катта ва оромбахшики, ҳатто чўлда, газ-кимё мажмуида эканингизни батамом унутасиз.

Биз Қашқадарёдаги кўпдан-кўп корхоналарда айнан шундай жозибали манзаранинг гувоҳи бўлдик. Айтишила-рича, вилоятда барпо этилаётган корхона ва ишчилар шаҳарчалари атрофини боғ-роғ қилиши юясини Ислом Аб-дуганиевич илгари сурган экан.

Ўшанда у киши: «Завод ёки ишчилар шаҳарчасига биринчи шишт қўйиш билан бирга, унинг атрофиди боғ яра-тиши даркор, — деб талаб қўйған экан. — Саҳронинг жази-рама иссиқида меҳнат қиласидиган инсонларга муносиб шарт-шароит яратиш ҳам қарз, ҳам фарз. Шу билан бир-га, юрт обод бўлади, ҳаётга файз киради».

Шўртнагаз-кимё мажмуи бекиёс, унинг сарҳадларини кўз билан илгаб бўлмаганидек, салоҳиятини ҳам бир қараашда тасаввур этиши қийин.

Хиёбондан ишит-қизлар ўтади, беихтиёр эътибор беріб қараймиз, улар ишчи-хизматчилар, ўзимизнинг фарзандларимиз.

— Мустақилликка эришгүнимизча миллий кадрлар масаласи биз учун жиғдий мұаммо әди, — дейді корхона раҳбары Олим Муродов. — Заводнинг ўша даврдаги раҳбарлари маҳаллий мутахассисларни назарга илмас, нишикки масала бўлса, собық иттифоқ вазирлари билан ҳал этишарди. Ислом Абдулганиевич вилоятга раҳбар бўлгунга қадар ишилаган «биринчи»лар бу заводга деярли келмаган. Нега десангиз, завод директори обком комитетини ҳам писанд қиласmas әди. Лекин Ислом Абдулганиевич қисқа вақт ичидаги бу калондимоғ шахсларнинг попугини пасайтириб, вилоят билан ҳисоблашадиган қилиб қўйди.

У киши мана шу заводда туриб, собық иттифоқнинг нефть ва газ вазири билан гаплашганига ўзим гувоҳ бўлганман.

«Қачон сиз бу заводга келасиз, қачон ишчиларингизнинг турмуши шароитини ўз кўзингиз билан кўрасиз? Улар бамисоли Африкада, жазира маҳаллий мөхнат қилишади. Мана шундай оғир иқлимда ишилётган фидойи инсонларга сиз билан биз қулайлик яратиб беришимиш керакми, йўқми?» деб куйиниб сўзлаган әди.

Бош муҳандис сухбатга қўшилади:

— Ислом Абдулганиевич дастлаб келганларида клубга ишчилар сизмай кетган. Ўшанда вилоят раҳбари одамлар билан очиқчасига гаплашган, сўнг завод бошликларини тургизиб қўйиб, ишчиларнинг мұаммоларини ҳал этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берган.

Ислом Абдулганиевич клубдаги учрашувдан олдин ишчилар ошхонаси, ётоқхона ва цехларни айланиб чиқиб, мавжуд аҳволни ўз кўзи билан кўрган. Шу боис, астайдил мөхнат қилаётган инсонлар шунга яраша яхши яшашга ҳақим эканини қайта-қайта таъкидлаган.

— Қачон ободончилик билан шуғулланамиз? Қачон боз-рөз яратамиз, қачон одамга ўхшаб яшаймиз? — деган әди у киши.

Ўшанда унга барча, ҳатто рус ишчилари ҳам тан бер-

ган. Тўғри, тўқсонинчى ишларда уларнинг бир қисми кўчидек кетди. Аммо аксарият кўпчилиги кейинчалик пушаймон бўлиб хатлар ёзишиди, ҳатто айримлари қайтиб келишиди. Лекин гап бунда эмас. Муҳими, маҳаллий аҳоли бу корхонани эплаб бошқара олмайди, деган тушунча чиппакка чиқди. Бугун корхона янада кенгайиб, юксак самарадорлик билан ишлаб турибди.

Айтишиларича, чет эл технологияси асосида газ конденсатини қайта ишлаб, тўққиз турдаги элементни ажратиб олиш, шунга ихтисослашган саккизта завод қуриш, яъни мана шундай мажмуя барпо этиши ҳаракати Ислом Абдуғаниевич томонидан ўша даврда бошланган, кейинчалик Бельгиянинг савдо-саноат доиралари вакиллари билан амалий музокаралар бўлиб ўтган экан.

Хуллас, Қашқадарёдаги гурунгларимизда гап айланиб келиб, беихтиёр раҳбар шахси, унинг салоҳияти, узокни кўра билиши ва гайрат-шижоати масаласига тақалди.

Ислом Абдуғаниевич вилоятда иш бошлагач, дастлабки йилда биргина Қарши шаҳрининг ўзида замонавий бозор, мебеллар уйи, Ёшлар маркази, 4 та қаҳвахона, 9 та дўкон, 21 минг квадрат метр турар жой бинолари, маданият ва истироҳат боғлари, болалар боғчалари, мактаб ва спорт мажмуалари, ҳунармандчилик устахоналари, кенг ва равон кўчалар, янги даҳалар барпо этилган.

Косон туманидаги Свердлов номли, Қарши туманидаги «Ленин йўли» совхозларида коттежлардан иборат янги мавзелар ҳад ростлаган. Худди шу иш Фузор, Қамаши, Яккабоз, Ульянов туманларида ҳам амалга оширилган.

Шунингдек, «Қарши термопласт» заводи қурилиб, ишига тусирилган ва бу корхона полиэтилен дренаж қувурлар ишлаб чиқара бошлаган. Таллимаржон ГРЭСи, Кўкдумалоқ компрессор станцияси қурилиши қизғин тус олган.

Муҳандис Ражаб Турдиев ҳикояси:

— 1987 йилнинг 18 октябрида Ислом Абдуғаниевич туманимизга келиб, Қамаши шаҳрини айланиб кўрди.

Ўшанда мен туман ижроқўми раисининг ўринбосари эдим.

Ҳаво жуда совук, бир-икки кун олдин ҳаттиқ ёмайр ёққан, аксига олиб Ибн Сино номли, «Самарқанд» ва «Бухоро» кўчалари асфальтланмаган, ҳатто шагал ташланмаган эди. Агар, шонсангиз, бу кўчаларда юриб бўлмасди.

— Йўлнинг аҳволини қаранг, — деди Ислом Абдуғаниевич «Самарқанд» кўчасидан ўтаётуб. — Ким ҳандай хоҳласа, шундай уй қурган, меборликдан ҳатто асар йўқ. Ахир, бу — шаҳар-ку, ука?!

Мен уятдан ерга кириб кетай дедим.

У киши эллигинчи йилларда қуриб ташланган пастак уйларни, дўконлару нон цехини кўздан кечиргач, дехқон бозорига қараб йўл олди.

Бозорнинг айвони қийишайиб қолган, пахса деворлари қулаб тушганди. Қачонлардир дарвоза биқинига бир ярим метрча гишт терилган ва шу ҳолда қолиб кетганди.

Вилоят раҳбари буларнинг барчасини синчиклаб кўздан кечирди, сўнг одамлар билан суҳбатлашиди.

У киши бозордан қайтар экан, икки ой муддатда мана шу кўчаларни замонавий таъмирдан чиқариш, олти ой ичида ҳалиқа янги бозор қуриб бериши вазифасини зимилизга юклиди.

— Энди, белни маҳкам бояглаб ишга киришиши керак, — деди Ислом ака. — Биламан, бу ишлар осонликча бўлмайди, имкониятлар эса чекланган, аммо қўлни қовуштириб, қараб туриш ҳам тўғри эмас. Ҳаракат қилиши керак, биргалашамиз, инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Биз вилоят раҳбари ўз қўли билан чизиб берган лойиҳа асосида янги бозор қуришига киришидик. У киши ишларнинг боришини доимо сўраб-суришишириб турди. 1988 йилнинг 13 январида қурилиши ишлари ниҳоясига етди.

Ўша куни Ислом Абдуғаниевич бошчилигида барча туманларнинг вакиллари иккита автобусда шаҳримиздаги ўзгаришлар билан танишиши учун келгани ва улар янги

бозорнинг очилиши маросимида иштирок этганини қамашиликлар ҳали-ҳануз эслаб юришади.

Фузор тумани ҳокимининг ўринбосари Турдиой Эшонкулова ҳикояси:

— Деконободдинг «Хўжай пок» зиёратгоҳи қадимдан шифобахи суби, минг дардга даво бўлган балчизи билан довруғ қозонган. Лекин бу ерга шифо топиш ниятида келувчилар учун на бир ётоказ жой, на бир бошқа шарт-шароит бор эди.

Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мана шу зиёратгоҳ обод бўлганига мен гувоҳман.

Абвало, Тошкентдан мутахассислар таклиф этилди, улар сув билан балчиқнинг шифобахи хусусиятларини илмий жиҳатдан атрофлича ўрганиб чиқди. Шундан сўнг бу масканга келувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилди — меҳмонхона, чойхона, даволаши мажмуаси қуриб, ишга туширилди.

Шу билан бирга, Қорашина қишлоғида ҳам вилоятимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши билан шифохона ва кўркам мактаб биноси қад ростлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қурбон Эгамбердиев ҳикояси:

— У пайтда мен вилоят телевидение ва радиоэшилтириши бошқармаси бошлизи эдим. Бир масала юзасидан Ислом Абдуганиевич билан маслаҳатлашгач, у кишидан телемарказ қурилишига ёрдам беринини илтимос қўлдим.

— Лойиҳа-сметалар тайёрми? — деб сўради вилоят раҳбари.

— Йўқ, — дедим мен. — Ҳозирча бирон-бир вилоядда бундай марказ қурилган эмас. Лекин марказий телерадио қўмитаси қошида маҳсус лойиҳалаштириши институти бор...

— Эртагаётк Москвага боринг. Гаплашинг. Ҳужжатларни тезлаштиринг. Маблағ масаласини ўзимиз ҳал этамиз.

Ислом Абдуганиевич телефон орқали вилоят ижроия

құмитасининг раиси билан ғаплашды өткізу масала бүйін-  
ча менга амалай ёрдам берши лозимлігіни үқстірди.

Нихоят, ұжжат өткізу үшін қызылар тайёр бўлди.

Ислом Абдуғаниевич собиқ Марказдан келган мута-  
хассисларни қабул қилиб, эскизлар билан бирма-бир та-  
нишиб чиқди, сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Айтилган таклиф өткізу муроҳазалар шу қадар асосли,  
аниқ өткізу өткізи, москвалик мутахассислар лом-мим  
демай, барча фикрларни инобатга олишиди.

Шу асосда лойиҳа қайта ишланди. Ислом Абдуғаниевич  
ложиҳа билан танишар экан, гарчи ҳар бир фикри унда  
ўз ифодасини топған бўлса-да, яна бир қатор ўзгартиши-  
лар киритиш лозимлігіни үқстірди.

Хуллас, расмий ишлар рисоладагидек ҳал бўлгач, қури-  
лиш бошланди өткізу телемарказ биноси қад ростлади...

## **ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ...**

1987 йил охирлади. Қишириб келди. Йил сархисоб қилиниб, ғалвир сувдан құтариленди. Вилоятда ишлаб чиқаришнинг ҳамма күрсаткичлари бүйича яхши натижалар құлға киритилди.

Хұжалик юритишнинг замонавий шакл ва усуллары, айниқса, пудрат ва ижара пудрати ўзининг ижобий самарасини бермоқда эди.

Қаловини топсанг, қор ёнади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Ҳатто чорак аср муқаддам ўзлаштирилған, күпчилик ерлари шүрланиб, ишдан чиққан Нишон туманида ҳам сезиларли ўзгариш күзга ташланған башлади.

Вилоятнинг жанубида жойлашған бу туман кейинги йилларда муттасил орқага кетаётған эди. Бунинг асосий сабаби – ишчи кучи етишмас, оқибатда ҳамма ишлар ўз ҳолига ташлаб күйилған эди. Ўз вақтида Наманган ва Сурхондарёдан кўчириб келинган кишилар «пахта иши» бошланғач, машъум қатағондан ўзларини четга олиб, ўз вилоятларига қайтиб кетди. Аксарият бригадаларда ҳатто битта ҳам ишлайдиган одам йўқ эди.

Мана шундай оғир вазиятда вилоят раҳбари бирдан-бир тўғри йўлни танлади – хувиллаб қолған чўл хўжаликлариға ўтроқ аҳолини жалб этди. Уларга тегишли шарт-шароит яратиб берилди, меҳнатни рағбатлантириш тўғри ташкил этилди. Шу саъи-ҳаракат туфайли кузга бориб ўтган йилга нисбатан 7,5 минг тонна кўп пахта тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Албатта, бу ўсиш-ўзгаришлар, ўнгланиш ва ютуқ-

лар, хусусан, Ислом Каримов обрўсининг кундан-кунга ошиб бораётгани Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг иккинчи котиби В. Анишчев ва унинг атрофида жипслашган вилоятнинг иккинчи котиби М. Солдатов, вилоят ижроия қўмитаси раиси А. Кадин, Қарши шаҳар раҳбари В. Лозицкий каби ўзига бино қўйган «десантчи» амалдорларга ҳеч вақт маъқул тушмас эди.

Шу боис 1987 йилнинг 12 декабрида бўлиб ўтган вилоят партия ташкилоти пленумида В. Анишчев Ислом Каримов ва унинг сафдошларига қарши очик ҳужумга ўтди. У қашқадарёликларни бошқа жойларга нисбатан бу вилоятда тўлиқ намоён бўлган мулқдорлар хуружига бефарқ қараётганликда айлади.

В. Анишчев, кимларнидир виждонини йўқотганликда, кимларнидир партия сиёсатини тушунмасликда айлади. Унинг сўзларида дўқ-пўписа, дағдаға кўп, лекин аниқ далил йўқ эди.

Қатағонга даъват руҳи билан сугорилган бу нутқ инқирозга юз тутаётган империянинг Қашқадарё вилоятидаги сўнгги жазаваларидан бири эди, холос. Аммо ўша вақтда у одамларни бўлиб ташлаш, бир-бирига қарши қўйиш, «қама-қама»ларни авж олдиришга қаратилгани билан ўта хатарли эди.

«Очиқ айтиш керакки, – деди В. Анишчев, – бундай вазият, хусусан қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, амални суиистеъмол қилиш республиканинг бирон-бир вилоятида Қашқадарёдагичалик кескин тус олган эмас. Аксарият ҳолларда эса бундай ҳаракатларга партия ва совет раҳбарлари, коммунистлар бошчилик қилади».

Вилоят раҳбарига бундан ортиқ айб қўйиш мумкин эмас эди, албатта. В. Анишчев айтган таъна-маломат замирида Ислом Каримовнинг шу эл, шу юрт учун қилаётган барча эзгу ишлари амалдаги сиёсатга қарши қаратилган, деган сиёсий айлов мавжуд эди.

Ўшандада мажлис аҳлининг кайфияти, руҳи тушиб

кетган бўлса, ажаб эмас. Лекин, ўтирганларнинг аксарияти оқ билан қоранинг фарқига бора оладиган, энг муҳими, қатагон сиёсати кулфатларини ўз юраларидан ўтказган, зийрак ва ҳушёр одамлар эди. Шу боис Марказқўм иккинчи котибининг нутқи совуққина қарши олинди, кейин сўзга чиққан кишилар бу мавзуни бутунлай четлаб ўтди.

– Олдимизда қиладиган кўп-кўп ишлар турибди, – деди Ислом Каримов ўз сўзида. – Ўз кўлами жиҳатидан ғоят катта, сермашаққат ва масъулиятли бу ишлар ҳар биримиздан ғайрат ва қатъият талаб этади. Бугунги кунда ҳал этувчи омиллар – демократлаштириш ва туб ислоҳотларни жадаллаштириш, одамларнинг ҳаёт кечиришини яхшилаш, инсон омилини рӯёбга чиқаришдан иборат.

Тараққиёт тўсиқларни енгиб ўтишни тақозо этади. Ўтган бир йил давомида Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё халқининг обрўйини, гурурини кўтаришга бутун куч-ғайратини сафарбар этган эди.

Қашқадарё халқи ҳам ўз раҳбарига шунга яраша ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Ана шундай ўзаро ҳурмат ва ишонч, самимият, бир-бирини қўллаб-қувватлаш навбатдаги эзгу ишларга йўл очди.

Буни алоҳида таъкидлашимизнинг сабаби шуки, В. Анишчев бошчилигидаги «десантчи»ларнинг Қашқадарё вилояти раҳбари ва халқини бир-бирига қарши қўйиш, «қама-қама»ларни авж олдириш мақсадидаги навбатдаги хуружи 1987 йилнинг 12 декабрида бўлган эди. Бу пайтга келиб, «ўзбеклар иши», «пахта иши» кампанияси янги босқичга кўтарилаётган эди.

Бу даврда Москванинг «Правда», «Известия», «Огонёк» каби йирик нашрлари бутун дунёнинг дик-қат-эътиборини Узбекистонга қаратган, республика уюшган жиноий гуруҳлар, «пахта мафияси» уясига айланган, деган ғаразли уйдирмаларни кенг тарқатётган эди.

Ўзбек халқини бадном этишга, бўлиб ташлашга

ва шу тариқа унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринган разил кучлар мана шундай информацион ҳужумдан сўнг қатағонни янада кенг кўламда давом эттиришди.

1988 йилнинг 7 декабрида Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби И.Усмонхўжаев, Марказқўмнинг қатор аъзолари гўё ўз обрўисига доғ туширгани учун ишдан олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди. Москва матбуотида эса янги шов-шуввлар бошланди.

Бу шундан далолат берадики, ўша даврда Анишчевлар қаерга қўл узатса, етарди, шу боис уларга қарши очиқча кураш олиб бориш ўта хатарли эди.

Агар Қарши шаҳрида бўлиб ўтган ўша пленумда, ундан кейинги даврда вилоят раҳбари эзгулик ва адолат йўлида қатъий турмаганида, эл уни қўллаб-қувватламаганида яна ишлар орқага кетиши, қанчадан-қанча йўқотишлар бўлиши ҳеч гап эмас эди.

Эзгу мақсад йўлидаги бирдамлик ва аҳиллик давр тўфонларини енгиб ўтишда муҳим омил бўлди. Одамлар ўзидан ортиб ўзгалар ҳақида ўйлай бошлади, ноҳақ жабр чекаётган юртдошларини бегоналар ҳукмига ташлаб қўймаслик ҳақида бош қотиришга киришди.

Қарши давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси ўқитувчиси Мейли Тўрақулов ҳикояси:

— Ислом Каримов иш бошлаган пайтда Қашқадарёдаги умумий аҳвол, айниқса, қишлоқ хўжалиги жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди.

Мен ўша кезлар вилоят партия қўмитасида хизмат қилганман. Рўй-рост айтадиган бўлсак, Ислом Каримов билан ишлаш гоят масъулиятли эди. Вилоят раҳбари котиблар ёхуд бўлим мудирлари орқали эмас, балки топширикни ижро этадиган ходим билан бевосита ишлар, масаланинг биз ўйлаб кўрмаган, аслида ўта муҳим бўлган жиҳатларини сўраб-сурошитиради эди.

Бу — биз учун катта мактаб бўлган, албатта.

У ходимларга нисбатан қаттиққўл, талабчан, шу билан бирга, меҳрибон эди. Кўп ҳолларда бирга тушликка чиқар, одоб юзасидан: «Сиз ўтириб туринг, Ислом Абдуғаниевич», деб илтимос қиласак-да, унамасди. Аксинча, таом олиш учун биз билан бирга нафбатда турарди.

Меҳнаткашларни қабул қилиш гоҳо ярим кечага қадар чўзилиб кетарди. Бунга сабаб — арз билан келувчиларнинг охирни кўринмасди, лекин Ислом ака улар билан бафуржа сұхбатлашар, одамлар дилидаги кечинмаларни чуқур ҳис этар, қўлидан келганича ёрдам берар эди. Кўп бор кузатганман — у киши мутасадди ташкилот раҳбарларининг oddий одамларга бўлган муносабатига қараб уларнинг ишига баҳо берар эди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қурбон Эгамбердиев ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич ҳар куни ишини вилоят газеталари билан танишишдан бошлар эди. У киши газета саҳифаларини шунчаки кўздан кечирмас, ҳар бир матери-

ални синчиклаб ўқиб чиқарди. Кўнглида бирон-бир фикр туғилса, муҳаррирга телефон қилиб, ўз мулоҳазаларини баён этарди. Айниқса, танқидий-таҳлилий мақолалар вилюят раҳбаридаги жиддий муносабат уйғотар, муаллифга миннатдорлик билдириши билан бирга, тилга олинган хўжалик раҳбари билан шахсан гаплашар, бу иллатлар қаёқдан келиб чиқаётганини билишга, уларни биргаликда бартараф этишига ҳаракат қиласар эди.

Шу ўринда қутидаги бир воқеани эслаб ўтиши ўринли, деб ўйлайман.

Косон туманидаги бир чорвачилик хўжалигида наслчилек масаласи эътибордан четда қолиб, молларнинг зоти бузилган, оқибатда маҳсулот кескин камайиб кетган эди. Биз вилюят радиосида шу муаммони кўтариб чиқдик.

Бу эса хўжалик раҳбарининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. У танқид oddий меҳнаткашларга жуда оғир ботгани ҳақида вилюят партия қўмитасига шикоят ёзди. Бу ҳам етмагандек, вилюят телерадио қўмитасига келиб, биз, журналистларга дўйқ-пўписа қиласди.

Аксига олиб, вилюят партия қўмитасининг қишилоқ хўжалик бўлимидаги масъул шахслар ҳам уни қўйлаб-қувватлади, хуллас, тазийқ кучайиб кетди. Ахийри, бу гап Ислом Абдуғаниевичга ҳам бориб етди.

Вилюят раҳбари нуфузли гурӯҳ ташкил этиб, уларнинг зиммасига вазиятни атрофлича ўрганиши ва масалага холис баҳо бериш базифасини юклади. Текшириши натижаси шундай бўлиб чиқдик, биз кўтарган масала вилюят қишилоқ хўжалик ходимлари йизилишида муҳокама этилди. Танқид ҳаққоний деб топилди. Хўжалик раҳбарининг ишда қолиш ёки қолмаслиги масаласини кўриб чиқиши туман партия қўмитасига ҳавола этилди.

Вилюят газетасида чоп этилган уруҷиликка доир таҳлилий материал ҳам шундай кескин баҳсларга сабаб бўлган. Бу мақола эълон қилингач, кўпдан-кўп раҳбарлар: «Журналистлар қилдан қийиқ ахтаради», деб таъна қилишиди, очик-ойдин бизни айблай бошлиди. Охир-оқибат

*уибы мақола вилоят партия құмитаси бюросида мұхокама этилди.*

Негадир ұатто бюорода ҳам иккى хил қарааш үзага келди. Бюро аъзоларининг бир қисми, газета масаланы түгри күттарған, деса, қолғанлар, таҳририят ўзбошимчалик қилмаслиги керак, биздан беруҳсат бу ишларга аралашишга нима ҳаққын бор, деб туриб олди. Ҳатто айримлар: «Бу — одамларни ишдан совутиш, бузғунчалиқ», дейишігача бориб етди.

*Шунда Ислом Абдуғаниевич үрнидан туриб:*

— Азиз дўстлар, мен бир нарсани тушунмаяпман, — деди. — Газета күттарған масала түгриими, йўқми? Агар түгри бўлса, бу иллатларни бартараф этиши лозимми, йўқми? Журналист бизнинг умумий манфаатимиздан келиб чиқиб, етилган муаммони кун тартибига қўйган бўлса, хўш, бунинг нимаси ёмон? Унга раҳмат дейиш үрнига сизлар дағдага қиласизлар, муаммодан муаммо келтириб чиқарасизлар. Билиб қўйинглар, ҳаёт ўзгармоқда, одамларниң сиёсий савияси кундан-кунга ўсиб бормоқда, сиз қўллаётган эскича усул эса фақат ўз обрўйингизга путур етказади. Журналистларга эркинлик бериш, улар билан биргалашиб ишлаш даркор.

Яна такрор айтаман: журналистларимиз мана шундай ҳаёттый масалаларни бартараф этишда бизга яқиндан ёрдам бераётган экан, бунинг учун уларга ташаккур дейишшимиз керак.

*Ислом Абдуғаниевичнинг бу гапларидан журналистларнинг боши осмонга етди.*

## ИККИ ТУМАНГА ҚАРАГАН ҚИШЛОҚ

Наврўз қишлоғи, одамларнинг эсласича, етминчидеги йилларда иккига бўлиб ташланган. Ўша даврдаги юқори идораларнинг буйруғига кўра, қишлоқни кесиб ўтган жарнинг у томони Чироқчи, бу томони эса Шаҳрисабз туманига қарайдиган бўлиб қолган. Албатта, бу иш бир жиҳатдан кулгили бўлса, иккичи жиҳатдан ачинарли эди.

Орадан йиллар ўтиб, бу «маъмурӣ бўлиниш» ўзининг салбий оқибатларини келтириб чиқара бошлиди. Бу, айниқса, тўй-маърака, никоҳдан ўтиш, ҳужжат олиш, касалхонага ётиш каби масалаларда яққол кўзга ташланар эди.

1986 йили қишлоқ аҳли бир бўлиб, ҳар икки туман раҳбарига мурожаат этди, қишлоқнинг бундай ҳолати кўпдान-кўп ноқулайликлар келтириб чиқараётганини таъкидлаб, уни яна қўшиб беришларини илтимос қилди.

Лекин бу ўтинч ерда қолди. Шундан сўнг уч-тўрт оқсоқол вилоятнинг биринчи котибига арз қилиб шикоят ёзади. Шикоятни ўқитувчи Эштемир Хўжана-заров қофозга тушириб беради.

Шикоят айланиб келиб, Шаҳрисабз туманининг биринчи котиби қўлига тушади. Биринчи котиб масаланинг моҳияти билан эмас, балки хатни ким ёзгани билан қизиқади. У ёш ўқитувчининг бу ишда иштироқи борлигини аниқлагач, унинг кўзини очиб қўймоқчи бўлади ва икки йил жамоа хўжалигида сувчи бўлиб ишлашга мажбур қиласди.

Лекин бу билан элнинг норозилиги барҳам топмайди. Нега деганда, экин экиладиган унумдор ер-

лар, мол боқиладиган яйловлар Шаҳрисабз тумани тасарруфига ўтиб кетган. Чироқчига тегишли ҳудуд эса асосан пахтазордан иборат бўлган. Маҳаллий аҳоли қадим-қадимдан чорвачилик ҳисобидан тирикчилик қилиб келган. Шаҳрисабзликлар эса энди ўзларининг ихтиёрига ўтган яйловдан уларнинг фойдаланишига йўл қўймаган. Табиийки, бу аризабозликка сабаб бўлган.

1987 йилнинг баҳорида қишлоқ оқсоқоллари яна вилоят раҳбарига мурожаат этади, иккига бўлинган қишлоқни бирлаштириб, Шаҳрисабз тумани ҳудудидаги яйловларни олиб беришни илтимос қиласди.

Ислом Абдуғаниевич мана шу ҳудуд вилоят тараққиётида, бу ерда яшаётган одамлар ҳаётида катта аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, бу масалани ўрганиб чиқишга киришади. Айни шу вақтда иттифоқ раҳбарияти халқ хўжалигини бошқаришда маъмурий ҳудудларни йириклиштириш сиёсатини илгари суради.

Катта вилоятлар бир-бирига қўшиб юборилаётган бир пайтда кичик бир қишлоқни бирлаштириш фикри жуда ғалати туюлиши табиий эди. Лекин шунга қарамасдан, Ислом Абдуғаниевич республика раҳбариятига мурожаат қилиб, муаммони батафсил тушунтиради ва уни ижобий ҳал этишда ёрдам сўрайди. Республика раҳбарияти эса турли сабабларни рўкач қилиб, бу ҳаётий масала ечимини орқага суради.

Шу орада республика Олий Советига сайловлар бошланади. Ва айрим кимсалар Наврӯз қишлоғи аҳолисини қийнаб келаётган муаммодан ўз мақсади йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қиласди.

– Агар қишлоқ бирлаштирилмаса, Шаҳрисабз туманига асоссиз олиб берилган яйловлар қайтарилмаса, наврӯзликлар сайловда иштирок этишдан бош тортади! – деб жар солади улар.

Ушбу масала жиддий тус олгач, бутун диққат-эътибор шу қишлоқ аҳлини тинчтишга қаратилади.

Кейинчалик бу воқеага сиёсий баҳо бериб, В. Анишчев ушбу муаммонинг келиб чиқишига ҳам жойлардаги раҳбарлар айбдор, деган фикрни илгари суради. Жумладан, «Иш оммавий норозилик юришигача бориб етди, – дейди у вазиятни атай бўрттириб. – Улар орасида коммунистлар ҳам бўлгани ачинарлидир. Масала ўзинингadolatли ечимини топди, лекин шунгача бориш керакмиди?»

В. Анишчев вилоят раҳбарига сиёсий айб қўймоқчи, ўзини эса жонқуяр ваadolatпарвар қилиб қўрсатмоқчи бўлади. Ҳолбуки, бу воқеа тамомила бошқача тарзда ечим топган эди...

1987 йилнинг кузида одамларнинг кўнглидаги ишамалга ошди – қишлоқ бирлашди. Вилоят раҳбари-нинг ташаббуси билан бу ерда қўш қаватли кўркам янги мактаб биноси қад ростлади. Тинч ва осуда ҳаёт қарор топди.

Халқ демократик партияси Чироқчи туман кенгашининг собиқ биринчи котиби Мусулмон Бойхонов ҳикояси:

— Ҳамма гап шундаки, Наврӯз қишлоғи Ильич номидаги совхозга қарап, унинг маркази қишлоқдан қирқ чакирим олисда жойлашган эди. Энди тасаввур қилинг, икки энлик бир маълумотнома олиш учун одамлар неча чакирим йўл босиб, қанча сарсон бўларди.

Марказга боришининг ўзи бир азоб, иш битириши минг азоб эди.

Ислом Абдуғаниевич вилоятда иш бошлагач, орадан кўп ўтмай, мана шу қишлоқка ташриф буюорди. Ҳаво жуда салқин эди, эзиз ёмғир ёғаётганди.

Оқсоқоллар вилоят раҳбарини ҳурмат билан кутуб олишиди. Ислом Абдуғаниевич ёгин-сочинга қарамай, кексалар билан анча сухбатлашиди. У киши ёмғирдан намиқ-қан пахса уйларга, кўлмак ҳосил бўлган қинеир-қийшик кўчаларга кўз югуртириб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрди, қишлоқ аҳлининг дардини тушунди, хайрлашаётуб, ҳаммаси яхши бўлади, деб оқсоқолларни умидлантирди.

Орадан бирмунча вақт ўтди. 1987 йилнинг ёзиди, туш пайти, қўйқисдан мени идорага чақиришиди. Ўшанда мен Ленин номли хўжалик раиси эдим. Борсам, туманимизнинг биринчи котиби Юрий Мелентьев ўйга толганча сигарет чекиб ўтирган экан. Шоша-пиша Чироқчига жўнадик. Райком биносининг учинчи қаватида вилоят раҳбари муовинлари, прокурор ва бошқа одамларга дуч келганим ёдимда.

— Тез киринг, сизни кутуб ўтиришибди, — деди аллаким.

Биринчи котибнинг хонасида тўрт киши ўтирас, Ислом Абдуғаниевич эса улардан тепароқда турган эди.

— Келинг, — деди у киши қисқа қилиб. - Ўтиринг.

Меҳмонлар билан сўрашдим. Маълум бўлишича, Тошкентдан шу масала бўйича комиссия келган экан. Қишлоғимиз оқсоқоли Мухтор бобо Намозовнинг рўпарасида комиссия аъзолари — Нуридин Муҳиддинов, ундан нарида — Расул Гуломов, ўша пайтдаги республика Министрлар Советининг раиси Файрат Қодиров ўтираси эди. Афтидан, Қодиров бизнинг оқсоқол билан бир нимани муҳокама қилаётган экан шекилли, салом-аликдан сўнг улар яна суҳбатни давом эттиришди. Гап иккига ажralиб қолган Наврӯз қишлоғини қўшиши-қўшмаслик ҳақида борар эди. Лекин оқсоқол ҳукумат раҳбарининг гапига тушунмаётган ёки тушунишини истамаётган эди. Охри, менинг сабрим чидамади.

— Файрат Ҳамидуллаевич, — дедим. — Чамамда, оқсоқол сизни тушунмаяпти. У ёгини сўрасангиз, бу кишининг гапи билан масала ҳал бўлмайди. Буни одамларнинг олдига бориб, бамаслаҳат бирёкли қилган маъқул.

Шу гапдан сўнг Ислом ака:

— Файрат Ҳамидуллаевич, — деди. — Сиз, яхиси, колхоз раиси билан ҳам маслаҳатлашинг.

Қодиров:

— Сейчас, — деди-да, яна оқсоқонни саволга тутди.

— Тўғрисини айтсан, гапингизга тушунмаяпман, — деди Мухтор бобо ахийри бетоқат бўлиб. — Энди, бу кўпчилик билан ҳал бўладиган иш. Қишлоққа бораийлик, одамлар кутуб ўтиришибди.

Шундан сўнг Қодиров менга ўгирилиб, бир-икки савол берган бўлди. Пировардидা:

— Ерни олиб бериш талаб этилган аризани олиб келинг, — деди.

Мен қайтиб хўжаликка бордим, одамлар имзо чеккан ўша ҳужжатни олиб келгунимча анча вақт ўтди. Қарасам, Қодиров жуда асабий, дикжат бўлиб ўтирибди.

— Нет, я не согласен, — деди у Ислом Абдуғаниевичга қараб. — Если народ не соглашается, тогда я буду...

Афтидан, у ўз фикрини ўтказмоқчи, мабодо одамлар гапига кўнмаса, қандайдир ёрдам чақирмоқчи эди.

Афтидан, ҳукумат раҳбари билан Ислом Абдуганиевич нинг гапи бир жойдан чиқмаган, қандайдир келишимовчилек бўлганга ўхшарди. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди.

Хуллас, ҳаммамиз эшикка қараб юрдик.

Қодировнинг талабига кўра, қоронғи тушган бўлса-да, одамларни ийгидик. Мажлис бошлангач, Министрлар Советининг раиси гапни айлантира бошлади. Ахийри, одамларнинг тоқати тоқ бўлди.

— Қишлоғимизни қўшиб берасизми, йўқми, шуни очик айтинг! — деб турит олди улар.

Қодиров беихтиёр ўрнидан турит:

— Мен Ильич номли совхознинг беш минг гектар ерини олиб, Ленин номли колхозга бера олмайман, — деди очик часига. — Наврўз қишлоғи ҳозирги ҳолида қолади.

Бу гапга нисбатан норозилик хитоблари янгради. Айниқса, хотин-қизлар зални бошига кўтарди. Одамлар жунбушига кела бошлагач, Ислом Абдуганиевич ўрнидан турит, ҳалқни тинчлантириди. У кишии пастга тушиб, жамоа орасига кириб борди. Сўнг:

— Наврўзлик оғайнилар! — деди салмоқлаб. — Сизларни ташвишига соглан бу масала ҳозир юқори доираларда ҳам атрофлича ўрганилмоқда ва у ижобий ечимини топишига ишончим комил. Сиз учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ўша ерлар ҳам тўлалигича қайтарилади. Ҳамма гап шундаки, бу фақат сизнинг, шу ерлик аҳолининг турмуши яхии бўлсин, деб қилинмоқда. Демак, бундан тўғри холоса чиқарив, ердан оқилона фойдаланишингиз, шу жойни обод этишингиз керак бўлади.

Гулдурос қарсак янгради. Ҳатто аёлларнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Кимдир у кишига миннатдорлик билан термилди, кимдир чапак чалди, яна кимдир дуо қилди. Назаримда, ҳатто зал ҳам ёришиб кетгандек эди.

Ҳақиқатан ҳам, орадан тўрт кун ўтгач, вилоят раҳ-

бари келиб, Наврўз қишлоғи жамоасини йиғди, қишлоқнинг бир бутунлигини таъминлаш ва унинг азалий ҳудудини тиклаб, бизнинг хўжаликка қўшиши ҳақидаги қарорни ўқиб эшиштириди. Шундан сўнг кўп ўтмай у кишининг саъи-ҳаракати билан бу ерда икки қаватли янги мактаб биносини қуришига киришилди...

Наврўз қишлоғи аҳлининг дилида бир армон қолган. Ўн беш йил олдин бўлган мана шу воқеалар ҳақида гап очилса, «Ўшанда Ислом Абдуғаниевичнинг елкасига тўн ёпишига улгурмай қолдик-да», деб ҳамон афсус қилишиади...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков ҳикояси:

— Мен ўша йиллар республика Министрлар Совети расининг биринчи ўринbosари, давлат агросаноат комитетининг раиси лавозимида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра вилоятларга, жумладан, Қашқадарёга ҳам тез-тез бориб турганман.

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёда вилоят раҳбари сифатида иши бошлаган пайтда вилоят иқтисодиёти бутунлай инқирозга юз тутган эди. Саноат, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида самараадорлик пасайиб кетган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишиши бўйича режалар барбод бўлган, мана шунинг оқибатида турмуш ҳар томонлама оғирлашиб, аҳолининг норозилиги кучайган, ариза ва шикоятбозлик авж олганди.

Маҳаллий раҳбарларнинг аксарият кўпчилиги оддий халқ ҳаётидан узилиб қолган, одамлар уларга ишонмас, шу боис гурух-гурух бўлиб пойтахтга, нуфузли идоралар, газета ва журналларнинг таҳририяtlарига қатнаб, арзу дод қилишига мажбур бўлар эди. Тошкентдаги масъул ходимларнинг кўп бақти ана шундай шикоятларни кўриб чиқишига сарф бўларди.

Қашқадарёликларнинг феълу авторини жуда яхши билганим учун ишонч билан айтаманки, бу халқ унча-бунчага бундай қилмайди, ориятли, сабр-тоқатли, гурури ба-

ланд одамлар. Аммо дардини эшиитмасанг, гапига қулоқ солмасанг, иззат-журматини жойига қўймасанг, чидаб тура олмайди. Қандай раҳбар бўлишидан қатъи назар, дангал олдига келади-да, ўйлаб турган гапини шартта-шартта юзига айтади. Ўз ҳақини талаб қиласади.

Аксинча, ҳалқни тушуниб қувончи ташвишларига шерик бўладиган, оғирини енгил қиласадиган, энг муҳими, мард ва танти, ўз гапининг устидан чиқадиган бағри кенг раҳбарга тан беради, унга ихлос қўйиб, ҳар доим қўллаб-қувватлайди, отасига раҳмат, деб дую қиласади.

Ислом Абдуғаниевич ишни давдабали мажлислардан, шомни тонгга улаб ўтказиладиган “разборка”лардан эмас, ёки айтийлик, аввалги раҳбарларга ўхшаб кадрларни пала-партииш алмаштиришдан эмас, ҳалқнинг, oddий одамларнинг қалбига қулоқ тутшишдан бошлади.

Вилоят раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки бир-икки ойнинг ўзидаёқ Қашқадарёда у киши бормаган бирон-бир қишлоқ ёки дала-дашт қолмаган. “Вилоят раҳбари йўлга чиқяпти, фалон туманга бормоқчи, фалон жойда кутуб олиш керак”, деб биронни безовта қилган эмас, ўзи тонг сахарда ўрнидан туриб, oddийгина кийиниб, тўппа-тўғри далага йўл олар, дехқонлар, чорвадорлар билан учрашиб, худди эски қадрдонлардай қуюқ сухбатлашар эди. Бундай сухбатларнинг кўпига мен ўзим гувоҳ бўлганман.

Ислом Абдуғаниевич кўпроқ ҳамсуҳбатини гапиртиришга ҳаракат қиласади. Оилавий аҳволи, бола-чақаларини бирма-бир сўраб-сурештирас, уларнинг саломатлиги, ўқшиш-ишлари яхшими, уст-боши бутми, хўш, ўзингиз қалайсиз, курорт ё санаторийига борганимисиз сира, деб унинг кўнглига қўл солар эди. Ҳатто кўпчимик бундай савимий муомаладан эсанкираб қоларди. “Наҳотки Ислом Каримов деганлари шундай камтар, соддадил одам бўлса? Вилоятнинг каттаси oddий чўпон-чўлиқларнинг олдига келиб, улар билан чой ичиб, гурунглашиб ўтиrsa-я?!”

Вилоятнинг янги раҳбари аввалги “катта”лардан бу-

тунлай фарқ қилишини, у юракка яқин одам эканини англагач, кишиларнинг кўнгли хотиржам бўлиб, қулфи дили очилиб кетар эди.

Ислом Абдуғаниевич шу хислати билан қисқа вақт ичida ҳалқнинг меҳрини ва ишончини қозонди.

Вилоят битта бўлгани билан ҳар бир туман, ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос ҳусусиятлари бор, элнинг кўнгли нозик. Гаплашсангиз, бироби пастдан, бироби баланддан келади. Ёши улугига: “Хўп”, дейсиз, ёши кичигининг сал ҳовурини босасиз. Гапини эшиласиз, маслаҳатлашасиз, ҳақ бўлса, айтганини қиласиз, ана шунда сиздан яхши одам бўлмайди.

Абваллари бундай воқеаларни кўрмаган, бир умр вилоят раҳбарининг ёнига йўлай олмаган одамлар энди шунга амин бўлдики, Худонинг марҳамати билан уларнинг ёнида ортиқча иззат талаб қилмайдиган, пайкал оралаб, яйлов кезиб чарчамайдиган, чорвадорнинг ва дехқоннинг тўшагида ёнбошлиб, у билан гурунг қиласидиган, уни астойдил эшиладиган кўнгли очиқ, баъзи кенг раҳбар турибди. Демак, унга ишонса, дардини, кўнглидаги эзгу орзу-армонларини очиқ айтса бўлади.

Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёдаги биринчи муваффақияти мана шу – оддий меҳнаткашларнинг самимий ишончи бўлди.

Маълумки, собық иттифоқ даврида жуда кўп масалалар Марказнинг умумий кўрсатмалари асосида ҳал этилган. Маҳаллий аҳолининг хоҳииш-иродаси ҳеч вақт иnobatga олинмаган. Натижада, аксарият кўпчилик ҳолларда ер ва сув устида баҳс ва норозиликлар келиб чиқкан. Худди шундай воқеалардан бири Чироқчи туманидаги Ленин номли хўжаликда рўй берган. Гап шундаки, хўжалик жуда йирик бўлиб, иши юзасидан ёки оддий бир маълумотнома олиш учун идорага борадиган бўлсангиз, бир неча ўнлаб километр йўл босишга, сарсон-саргардон бўлишига тўғри келади. Қолаверса, бошқа муаммолар ҳам оз эмас. Юз ўйлар давомида бир бутун ҳолда яшаб келган Наврўз қишилоги иккига бўлинив, икки туманга қараб қолган...

**Одамлар:** “Қишлоғымиз бўлингач, ҳамма ишларимиз орқага кетди, биз аввалгилик яшашини истаймиз”, деб норози бўлади. Уларнинг фикр-мулоҳазалари асосли, лекин шуни тинглайдиган, тушунадиган одам йўқ. Туман ва вилоятнинг аввалги раҳбарлари билib-бilmай уларнинг нафсонациятига тегади, аризабозга, извогарга чиқаришади. Оқибат-натижада одамлар Тошкентга, республика идораларида ўтирган раҳбарлар ҳузурига йўл олишади.

Республика Компартияси Марказқўми бюросида бу масала бир эмас, икки марта муҳокама қилинганд, лекин бирон-бир киши: “Одамлар нега бундай таклиф киритяпти? Бунинг замирида асосли бир гап бордир?” — деб ўйлаб кўрмаган. Мана шундай эътиборсизлик, совуқлонлик ва лоқайдлик оқибатида, гарчи нуфузли комиссиялар тузилган бўлса-да, масала ўз вақтида ечимини топмаган.

Тошкентдан борган “Хурматли комиссия аъзолари” эса халқнинг олдида кулгили аҳволга тушиб қолган. Жунбушига келган одамларга жўяли бир гап айтига олмаган.

Вазият ниҳоятда чигаллашиб кетгач, Ислом Абдуғаниевич жуда вазминлик билан иқтисодий даиллар келтириб, аҳоли ҳақли талаб билан чиқаётганини таъкидлади ва уларнинг ёнини олди. Шунда боягина қайнаб-тошаётган одамлар бирдан босилиб, “Биз Каримовга ишонализ!”, “Хурматли Каримов, ишончингизни оқлаймиз, юзингизни ерга қаратмаймиз!” дега хитоб қила бошлиди.

Комиссия аъзоларининг: “Ўртоқ биринчи котиб, сиз Марказқўм бюроси қарорига қарши чиқяпсиз, оқибати яхши бўлмайди”, — деган писандаларига қарамасдан Ислом Абдуғаниевич ўз сўзида, эл-юртга берган ваъдасида қаттиқ турди ва орадан кўп ўтмай аҳолининг талаби қондирилди. Энг муҳими, бу ўзгариши яхшиликка бўлди, шундан сўнг бу ерда ишлар юришиб кетди.

Шунга ўхшашиб янада бир воқеа эсимда. Мазкур тумандаги Ҳамид Олимжон номли хўжаликда ҳам ер билан боғлиқ муаммолар газак олиб, вақтида кўпчиликни қийнаган. Лекин Ислом Абдуғаниевич вилоятда иш бошлагач, бориб

одамлар билан сұхбатлашған ва бу масалани бартараф этганды.

Ислом Абдуғаниевич республика раҳбари бўлиб келгач, мана шу хўжаликда яна ер жанжали бошлианди. Уймовут қишилоги аҳолиси шу масалада вилоятнинг янги раҳбарига арз қилди. Лекин бундан ҳеч бир натижага чиқмагач, улар юқорига мурожаат этишиди. Шунда Ислом Абдуғаниевич мени чақириб, бориб одамларнинг кўнглини сўранг, уларни безовта этаётган масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал этинг, деб кўрсатма берди.

У кишининг маслаҳатларидан келиб чиқиб, мен тўғри Уймовут қишилоги оқсоқоли Азим бобо Пирназаровнинг хонадонига кириб бордим. Тумандаги катта-кичик раҳбарлар “аризачи” деб ориятини қўзгаган мана шу оқсоқол билан бирга ўтириб, бамаслаҳат масалани бартараф этдик ва бундан уймовутликлар гоят хурсанд бўлишиди...

Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёдаги раҳбарлик фаолияти “десантчи”лар хуружи авж олган, “ўзбеклар иши”, “пахта иши” бўйича “қама-қама”лар кучайган таҳликали даврга тўғри келган. Гдлянчилар хўжалик раҳбарлари тугул бригада бошлиқларини, ҳатто бутун умри яйловда ёки пахтазорда ўтган дехқону чорвадорни – оддий одамларни ҳам аяб ўтирган эмас. Бу ҳақда кўп ёзилган, лекин мен бугун бошка бир ҳолатни эсламоқчиман. Қани, айтинг-чи, ўша вақтда “қўшиб ёзиш”да айбланиб ноҳақ қамалган бирон-бир одамнинг уйидан, бола-чақасидан, бетоб ётган ота-онасининг ҳолидан бирон-бир киши хабар олганми? Бирон-бир туман ёки вилоят раҳбари мана шундай жафога тирифтор бўлганларнинг уйига бориб, бола-чақасининг бошини силаганми? Муштипар онасининг охузорини тинглаб, унга таскину тасалли берганми?

Агар очиқ айтадиган бўлсак, бундай хайрли ишлар сира бўлмаган. Раҳбар у ёқда турсин, ҳатто қадрдонлари, куни кеча бирга ишлаган ҳамкаслари, бирга чақчақлашиб юрган яқин дўстлари ҳам бундай пайтда ўзларини четга олган, эҳтиёткорлик қилишган.

Лекин Ислом Абдуганиевич “ўзбеклар иши”, “пахта иши” деган айблов билан ноҳақ қамалган одамларнинг хонадонига бирма-бир кириб борди, ҳатъий ишонч билан: “Худо ҳоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, ўғлингиз, турмуш ўртогингиз, отангиз ҳадемай бағрингизга қайтиб келади”, деб эзилган инсонларга таскин берди. Шу билан бирга, ҳалқимизга нисбатан катта ноҳақлик бўлаётганини баралла айтди. Мана шундан сўнгadolat излаб тинкаси қуриган, нуфузли маҳкамаларга, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига қатнайвериб ҳолдан тойған ва умиди узилган жабрдийдалар кўзида яна умид учқунлари пайдо бўлди.

Ислом Абдуганиевич жуда қалтис вазиятда катта жасорат ва тенгсиз инсонийлик билан заҳматкаш ҳалқнинг тарафини олди, шу йўлда курашди ва вилоятнинг чинакам ҳалқпарвар раҳбарига айланди.

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида ушбу вилоят маркази – Қарши шаҳри қандай кўримисиз ахволда экани кўз олдимдан сира кетмайди. Шаҳар ғоят оғир муаммолар гирдобига ботиб қолган эди. Дов-дараҳтлар сувсизликдан қуриб битган, ичимлик суби жиддий муаммога айланган, ўйдим-чукӯр йўллар ҳароб ахволга келган, ҳатто кўчадаги чироқлар ҳам ёнмасди, шу боис ҳали қош қораймасдан шаҳарни зулмат қопларди.

Ислом Абдуганиевич ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлиб шаҳар ободончилигига алоҳида эътибор қаратди. Минг машақват билан табиий газ ҳамда сув олиб келинди. Бирин-кетин бу ерда сўлим хиёбонлар, истироҳат боғлари, кўркам кўчалар, замонавий иншоотлар барпо этилди. Биринчи тенгис корти, биринчи гузар, биринчи шарқона бозор қурилишлари айнан мана шу Қарши шаҳридан бошланганини аксарият кўпчилик билмаса керак.

Нафақат вилоят марказидаги, балки туманлардаги бозорлар ҳам ниҳоятда ачинарли бир ахволда эди. Вилоят раҳбарининг ташаббуси ва саъи-ҳаракати билан улар тубдан қайта таъмирланди ёки замонавий янги бозор бун-

ёд этилди. Маданий-машиий хизмат шохобчаларининг фаолияти эса изчил йўлга қўйилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ислом Абдуганиевич билан ёнма-ён ишлаб, у кишининг мустаҳкам ироди эгаси эканига, узокни кўра олишига ва ҳамиша келажакни кўзлаб иш юритишига, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг мустаҳқил фикрини ҳимоя қилишига, одамларни доимо эзгу ишларга сафарбар эта олиш салоҳиятига кўп бор гувоҳ бўлганман. У бирон-бир қарорга келишдан аввал, кун тартибидаги масала каттами, кичикми, бундан қатъи назар, ҳар томонлама пухта ўйлаб, мутахассисларнинг фикрини эшишиб, шундан сўнг ўз муносабатини баён этади ва, албатта, ҳақ бўлиб чиқади.

Ислом Абдуганиевич Қашқадарёда иш бошлар экан, даставвал вилоят ҳаётини, бу ердаги мавжуд шароит ва имкониятларни атрофлича ўрганиб чиқди, ўзидан аввал ишлаган раҳбарлар фаолияти ва уларнинг хато-камчиликларини чуқур таҳмил қилди. Собиқ обкомлар Кремлга итоаткорликни, шахсий ҳузур-ҳаловатни эл-юрт манфатидан устун қўйишган, оқибатда ҳалқдан, оддий меҳнаткаш одамлардан ажralиб қолган эди. Юқорига: “Бизда ҳамма ишлар жойида, ҳеч бир муаммо йўқ”, деган мазмунда рапорт беришни одат қилиб олишганди.

Ислом Абдуганиевич бундай номақбул раҳбарлик усулiga барҳам берди. Ишининг кўзини биладиган ҳақиқий элпарвар, юртпарвар раҳбар қандай бўлишини амалда намойиш этди. Шунинг учун ҳам улкан салоҳиятга эга бу воҳа аҳлининг, Қашқадарё элининг чинакам меҳр-муҳаббати ва чексиз эҳтиромига сазовор бўлди. Ҳар қандай инсон учун, айниқса, раҳбар учун, ўйлайманки, бундан ортиқ баҳт бўлмайди.

## ЭГАЛИК ТУЙГУСИ

Янги, 1988 йил нафаси қут-баракадан далолат берарди. Дов-дараҳтлар, тоғу тошлар, бутун борлик оппоқ қорға бурканган.

Вилоят марказидаги истироҳат боғига улуғвор арча ўрнатилған, бу маскан тиниб-тинчимас болаларнинг севимли ўйингоҳига айланган эди. Боғ, айниқса, кечки пайт ўзгача тароват касб этар, ранг-баранг чироқлар ёғдусида улкан арча товус каби товланар эди.

Ислом Каримов стол устидаги қофозлардан бош күтарди. Тунги соат ўн биру ўн беш. Одати бўйича, у майдон тарафдаги дераза олдига келиб, дарпарданни четга сурди. Қаттиқ совуқ тушган, шу боис кўча кимсасиз эди.

Кор учқунлай бошлади. Яратганнинг инояти бу. Ерга қут-барака ёғмоқда. Йил яхши келадиганга ўхшайди. Агар уруғлик билан боғлиқ муаммолар ўз вақтида ҳал этилса, серҳосил навлар оқилона районлаштирилса, кутилганидан зиёда натижаларга эришиш мумкин.

Ислом Абдуғаниевич енгил тин олиб, хонадан чиқди. Ҳаёлида ҳамон уруғлик масаласи билан боғлиқ фикрлар чарх уради. «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят филиали олимларининг бу масаладаги лоқайдлиги унда кўпдан буён ташвиш уйғотиб келади. Чунки улар мавжуд уруғ-синаш майдонларидан фойдаланиш, деҳқонга амалий маслаҳат бериш ўрнига ҳеч кимга керак бўлмаган ҳисоботлар ёзиш билан банд эди. Бирлашма ходимлари мана шу юмушни жуда жиддий иш деб ҳисоблар, лекин кейинги йиллар мобайнида бирон-бир навни тажрибадан ўтказиб, экишга тавсия қилмаган эди.

Пахта яккаҗокимлиги туфайли ернинг унумдорлиги пасайиб кетган, вилт ва бошқа касалликлар кенг тарқалаётган бир шароитда олимларнинг бундай бокибекам ҳаракатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмасди.

Ер унумдорлигини ошириш, селекция ва агротехникани ривожлантириш даркор. Бунинг учун эса олимлар дехқонларнинг чинакам ҳамкори ва ҳаммаслагига айланиши лозим.

Шу билан бирга, бугун ҳаётнинг ўзи дехқонга эркинлик беришни тақозо этмоқда. Ахир, қачонгача юқори идорада ўтирган раҳбар бевосита далада ишлаётган, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган дехқонга қайси куни суғориш ва ўғитлаш кераклигини, фўзага бериладиган ўғитнинг миқдорини олдиндан белгилаб беради? Ҳатто фўза қатор ораларига ишлов бериш ҳам кўрсатма асосида ўтказилади. Лекин ҳеч ким мана шу тадбир табиий эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз вақтида ўтказиляптими ёки йўқми – буни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Тадбирлар хўжакўрсинга график асосида ўтказилади. Ҳолбуки, дехқоннинг ўзи бу борада ҳаммадан кўра катта тажрибага эга. У ана шу тажрибага таяниб иш тутса, ҳар бир ишловни ўз вақтида ўтказса, ҳосилдорлик албатта ошади ва янги-янги имкониятлар эшиги очилади.

Мен мана шу ернинг эгасиман, етиштирган ҳосилим ўз дастурхоним тўкинлигига хизмат қиласди, деган нуқтаи назар ҳар бир ишда устувор бўлса, ер ҳам, фўза ҳам меҳр билан парвариш этилса, кўзланган ҳосилни олишга эришиш мумкин, албатта.

Ислом Абдуғаниевич 1988 йилда вилоят бўйича 521 минг тонна пахта йигиб олинишига ишонарди. Лекин, шу билан бирга, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал этиш лозим эди. Бунинг учун эса ҳар бир қарич ердан, айниқса, сув захираларидан оқилона фойдаланиш зарур бўларди.

Вилоятда узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсишига асосан экин майдонларини кенгайтириш ва ишчи кучини оши-

риш туфайли эришилган, эндилиқда бу усул ўзини оқламаяпти. Эскича қараашлардан воз кечиш, самарадорлик ва омилкорлик ҳар қандай ишнинг асосий мезони бўлиши керак. Косон ва Қамашидаги кўпгина хўжаликлар кўлга киритаётган муваффакиятлар мана шундай ёндашув натижасидир.

Одамлар, ернинг ҳақиқий соҳиби ўзимман, деб ҳисобламаган жойда олинаётган ҳосил чўфи ҳам ўзига яраша бўлади. Демак, дехқонларда ерга эгалик туйгусини шакллантириш ва алмашлаб экишга жиддий эътибор қаратишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Айни вақтда чигитни пушта олиб экиш ҳам яхши самара беришни унутмаслик даркор.

Ана шунда ўртacha 22 центнердан ҳосил олишга, яъни ҳосилдорликни 4 центнерга оширишга эришиш, ялпи ҳосил миқдорини эса 521 минг тоннага етказиш мумкин.

Вилоят раҳбари 1988 йилнинг 27 февраляда бўлиб ўтган йифинда барчанинг эътиборини мана шу масалаларга қаратиб, ҳалол меҳнат ўз вақтида рағбат топиши керак, дея уқтирди.

У вилоятда аҳоли жон бошига ўртacha 20 килограмм гўшт, 126 килограмм сут, 66 дона тухум, 54 килограмм сабзавот ва бошқа маҳсулотлар тўғри келишини айтиб, бу кўрсаткичлар ҳатто республика даражасидан ҳам паст эканини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, деди у, шу пайтга қадар хўжаликларда пахта етишириш асосий вазифа бўлиб келган, бошқа соҳаларга эса деярли эътибор берилмаган.

Ислом Абдуғаниевич ўз нутқини пахта яккаҳокимилиги – иқтисодий қолоқлик, керак бўлса, аҳоли даромадлари пастлигининг асосий сабаби, деган хуносаб билан якунлади.

Ва ана шу таҳлилдан келиб чиқиб, бу йил пахта билан бирга, мўл-кўл фалла, мева-чева, сабзавот, узум, полиз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш ҳам қишлоқ хўжалигининг устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Вилоят җокимининг ўринбосари марҳум Райим Раҳмонов ҳикояси:

— Ёдимда, ўша йили юз мингдан ортиқ чорва моллари турли сабабга кўра бошқа вилоятларга бериб юборилган, чорвачилик хўжаликлари тугатилган, минглаб одамлар ишисиз қолган эди.

Ислом Каримов вилоят раҳбари сифатида иш бошлиганида мана шундай ўткир муаммолар кун тартибида турарди. У киши ҳеч иккисиганда, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ахволни ўнглашга киришиди. Энг аввало, ташаббускорликка кенг йўл очди.

Мироқидаги дам олии уйида ташкил этилган иқтисодий ўқуввлар ҳамон ёдимда. Унда таниқли олимлар, академиклар машғулот олиб борар ва иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сабоқ берар эди. Бу ўқув машғулотлари изсиз кетмади, албатта. Қисқа вақт ичида вилоятда ҳалқ хўжалигини бошқаришининг ўзига хос замонавий мактаби вужудга келди.

Бунинг исботини 1986 йили биргина қишилоқ хўжалиги бўйича 40 миллион сўм зарар кўрилган бўлса, 1989 йилга келиб 186 миллион сўм фойда олинганида яқъол кўриш мумкин. Ўша йили биргина ижтимоий соҳага 215 миллион сўм маблағ сарфланди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришига доир ўнлаб дастурлар ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуганиевич бизни тўрачилик, қозозбозлик каби иллатлардан бир қадар ҳалос бўлиб, бевосита одамларнинг ўзи билан ишлашга ўргатди.

У киши ҳаётдаги ҳар бир ижобий ўзгаришини зийраклик билан илгар, унинг ибратли жиҳатларини дарҳол амалга тадбиқ этарди. Вилоят раҳбари бир неча мутахассис ва меъморларни Литвага, Россиянинг қатор ўлкаларига жўнатгани, юртдошлиаримиз турли соҳаларга оид илзор тажрибаларни ўрганиб қайтгани куни кечагидек ёдимда. Кейинчалик

барпо этилган ўнлаб замонавий маданият уйлари, машиий хизмат бинолари, боғ-рөз ва хиёбонлар, кўприклар, хусусан, Қарши шаҳридаги «Янги бозор», «Эски бозор» мажмуалари, Иккингчи жаҳон уруши қатнашчалари шарафига барпо этилган «Шуҳрат» қўргони, шоҳбекат, аэропорт ва «Нуроний» чойхонаси, савдо дўконлари, шунингдек, Касби туманидаги «Бободеҳқон» чойхона мажмуси, Шаҳрисабз ва Косон бозорлари, «Кеш» чойхонаси меъморий еҷимларида биз мана шу интилишлар самарасини яққол кўришимиз мумкин.

Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан вилоятда серҳосил, тезтишар пахта навлари яратили борасида ҳам муттасил изланиши олиб борилди. Бугун мамлакатимиизда яхши ҳосил бераётган «Юлдуз» нави ўша йилларда, у кишининг назорати остида яратилган, десак, хото бўлмайди.

Ислом Каримов тарихчи, адаб ва шоирларга, умуман, зиёлиларга алоҳида эътибор билан қарап, доимо уларни қанотида олиб юрар эди. Айниқса, у журналист межнатини нухоятда қадрларди.

Ўша йилларда тиббий ташхис қўйиш маркази, хотинқизлар тиббиёт маслаҳатхонаси, болалар поликлиникаси, ногирон болалар профилакторийси, ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилдики, бу – вилоят раҳбари инсон саломатлигига нечоғлик аҳамият қаратганини кўрсатади.

Вилоятда издан чиқсан қишлоқ хўжалигини тартибга солиши, дехқончилик маданиятини кўтариш, шахсий томорқа хўжалигига эътиборни жалб этиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши, турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро аҳилоттуб яшашини таъминлаш каби серқирра фаолият ўша йилларда Ислом Каримов сиймосида намоён бўлган эди.

Ислом Абдузаниевичнинг камтарлиги, фидойилиги, тафаккур кўламигининг кенглиги, айниқса одамларнинг кўнглини топиб, улкан ишларга сафарбар этишини ҳамиша мени ҳайратга соларди.

Бугун давлат раҳбари сифатида у киши амалга ошираётган ишлар миқёсига бир қаранг. Ислом Абдузаниевичнинг назаридан четда қолган бирон-бир соҳа борми ўзи?

«Муборак» қоракўл наслчиллик ширкат хўжалиги раҳбари Ҳайитмурод Оқмаматов ҳикояси:

— Ҳаётда энди баъзан шундай хом-хатала ишлар ҳам бўлар эканки, улар ҳалқнинг кўп ийллик меҳнатини бир зумда чиппакка чиқарар экан. 1986 йили мутасадди раҳбарларнинг қалтабинлиги туфайли Қашқадарёда чорвачилик барҳам топишига бир баҳя қолган эди. Ўшанда ем-хашак етишимаслиги баҳонасида 103 минг бош қўй-қўзи қўшини вилоятларга бериб юборилди. Оқибатда шу соҳага ихтисослашган ўнлаб хўжаликлар тугатилди. Ҳолбуки, чўпон-чўлиқлик, чорвачилик биз учун ота касб экани ҳаммага маълум.

Ислом Каримов вилоядта иши бошлагач, бу масала унинг назаридан четда қолмади. У киши шу соҳанинг тажрибали вакилларини бизнинг хўжалигимизга ишади, узоқ ва атрофлича маслаҳатлашиди.

Бўладиган иши бўлган эди. Шу боис Ислом Абдуғаниевич, хўш, вилоядта чорвачиликни сақлаб қолиши учун нима қилиши керак? Қандай йўл билан уни ривожлантириши мумкин, деган масалани кун тартибига қўйди. Ўзаро фикр алмасиши, самимий мулоқот уч соат давом этди.

Вилоят раҳбаримизнинг ажойиб бир одати бор эдики, у йилат этган ҳаётий ташаббусни астойидил қўллаб-қувватларди.

У кишининг саъӣ-ҳаракатлари изсиз кетмади. Орадан кўп вақт ўтмай чорвачилик борасида сезиларли ўзгариш кўзга ташланди.

Ислом Абдуғаниевич бу соҳага гоят жиiddий қарар, вилоядаги ҳар бир чўпон-чўлиқни, чорвадорни номма-ном билар, уларнинг яхши-ёмон кунларида доимо бирга бўлишига интилар, қўлидан келган ёрдамини аямас эди.

Ўша — оғир даврда, айрим одамлар андишани унутиб, бир-бирига ташланиб ётган олаговур пайтда бундай инсонийлик ва меҳр-оқибат кишиларимизга қандай куч-қувват базишлаганини тасаввур этиши қийин эмас, албатта. Чўпон-чўлиқлар кечани — кеча, кундузни —

кундуз демай жон күйдириб мөхнат қылганига ўзим гүвөхман. Натижада орадан икки йил ўтгач, вилюят давлатга гүшт, сут, тери ва жун топшириш бўйича пешкадамлар қаторидан ўрин олди.

Дарвоҳе, ўз вақтида Ислом Абдуғаниевич қатъият кўрсатмаганида, бизнинг наслчалик хўжалигимиз ҳам барҳам топиб кетиши муқаррар эди.

Нега десангиз, бу хўжалик ҳам «тугатилган»лар рўйхатида бўлган, лекин вилюят раҳбари уни саклаб қолган эди. Кейин ҳам у киши доимо бизга амалий ёрдам бериб келди.

Ислом ака ҳар сафар хўжалигимизга келганида, албатта, кўнглимизни кўтариб, яна бирон-бир янгиликни ҳаётга тадбиқ этишига ундан кетарди. Шу тариқа кўпдан-кўп ишлар, қурилишлар амалга оширилди.

1988 йили у кишининг кўрсатмаси бўйича муҳташам чойхона барпо этдик. Ҳадемай бу жой кексаю ёшининг севимли масканига айланди. Ҳозир тўйларимиз ҳам, маъракаларимиз ҳам шу ерда ўтади.

Ўша вақтда Наврўз байрами қатавон этилган пайт эди. Гарчи шундай бўлса-да, Ислом Абдуғаниевич яхши ният билан бу кўркам кошонага «Наврўз» деб ном қўйиб берганини бугунгидек яхши эслаймиз.

Фузор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг ўринbosари Искандар Бўриев ҳикояси:

— Ўшанда мен Охунбоев номли хўжаликка раҳбарлик қиласдим. Ёзининг жазира мақаласида Ислом Каримов республика Олий Совети раисининг ўринbosари билан хўжалигимизга кириб келди.

Қишлоқларни айланив чиққа:

— Сизларда гўшт таъминоти қандай, нима муаммолар бор? — деб сўради.

— Ҳар йили 200 бош қорамолни семиртириб, гўштга топширамиз, — дедим мен. Шундан сўнг у киши ферма-

ларни айланиб кўрди ва энг охирида хўжалик инкубаторига бориб, у ердаги иш билан танишиди.

— Ҳар йили 200 бош қорамолни гўштга топширасизми? — деди Ислом Абдузаниевич. — Нима, шуни асраб қолишнинг иложи йўқми?

Мен бу ҳақда аввал сира ўйлаб кўрмаган эканман. Нима деяримни билмай қолдим.

— Инкубаторда ўрдак жўжа кўпайтирилса, ҳар йили 60 тонна ўрдак гўшти топшириш мумкин, — деди Ислом Абдузаниевич. — Шунда 200 бош қорамол асраб қолинади.

У киши инкубатор олдида улкан ҳовуз қазишни маслаҳат берди. Хуллас, ишга киришдик.

Вилоят раҳбарининг хатига биноан Каттақўргон паррандачилик мажмуаси ходимлари бизга яқиндан ёрдам берди, ўрдак тухумидан жўжа очириш ва уни парвариш қилишининг ҳадисини олдик.

Ўрдак жўжаси икки ойда бир килогача семирар экан. Уни гўштга топшира бошлидик. Шу йили 60 тонна ўрдак гўшти тайёрладик, натижада 200 бош қорамол хўжалик фойдасига қолди.

Вилоят раҳбаримизнинг ташаббуси билан амалга оширилган бу тажриба кейинчалик кенг оммалашиди.

«Нуроний» жамғармаси Чироқчи тумани бўлимининг раиси Усмон Ҳамроев ҳикояси:

— 1988 йил жуда серёгин келди. Кўкламда қаттиқ жала бўлиб, сел ҳавфи кучайди. Қалқама сув омборига, Қуруқсой ҳавзасига тоздан бўтана сув тошиб кела бошлиди. Дамбаларни сув бузиб кетиши ҳеч гап эмасди. Тебаракатрофда эса гуж-гуж қишлоқ. На тошқиннинг олдини олиб бўлади, на аҳолини кўчириб...

Дамбадан сув сиза бошлилагач, Ислом Каримов вилоятдаги ташкилотларни, уларнинг техникаси, ишчи кучини, умуман, барчани мавжуд ҳавф-хатарни бартараф этишига сафарбар қилди. Ўзи эса, оёғида — этик, эгнида — фуфайка, қачон қараманг, дамба устида.

Ҳар эҳтимолга қарши кун ботиши тарафдан қўшимча канал очишга киришдик. Беш юз метрлик бу йўналиш зудлик билан бетонлаштирилди. Икки кун ичида бундай сув иншоотини барпо этиши осон эмасди, албатта.

Ислом ака тошқин бартараф бўлмагунча Қалқамада, дамба бўйида, одамлар билан елкама-елка турди. Ўшанда беш кечаю беш кундуз у киши мижжа қоққанини бирор кўрган эмас. Ҳолдан тойған, кўзлари юмилиб кетаётган одамларга далда берив, мададкор бўларди.

Сел босилиб, хатар ортда қолгач, Ислом Каримов қишлоқларни айланниб чиқди. У кишининг кўрсатмаси билан Тарагай қишлоғида савдо дўкони ва иккита кўприк барпо этилди, йўлга асфальт ётқизилди.

Нишон тумани дехқон ва фермерлар уюшмалари вакиллиги директори Ҳайитмурод Фармонов ҳикояси:

— 1988 йилнинг январи эди. Вилоятимиз раҳбари мени ҳузурига чақириб:

— Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ўзингизга маълум. Ишда кескин бурилиши ясамасак бўлмайди, — деди. — Албатта, бунинг учун кечаю кундуз ишлашга тўғри келади. Мен кўпчилик билан маслаҳатлашдим, улар ёвингарчилик яхши бўлди, ерни сугормай чигит экамиз, дейишяпти. Сиз бу масалага қандай қарайсиз?

Мен билганимча ўз фикримни айтдим.

Ислом Абдуғаниевич шу тариқа масаланинг можиятини атрофлича ўрганиб чиқди. У, қишлоқ хўжалигига дехқоннинг ўзига кўпроқ эркинлик бериш лозим, деган фикрда эди ва бошқаларни ҳам шунга даъват этарди.

Шу сабабли бўлса керак, ўша йили дехқоннинг қўл-оёгини боялаб қўядиган буйруқбозлик ва кўрсатмалар кескин камайди, ижлим ва шарт-шароитдан келиб чиқиб, чигит экани, ғўзани парвариши қилиши йўлга қўйилди. Албатта, бу дехқонларнинг зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Натижка ёмон бўлмади — ҳосилдорлик кескин ўсади. Вилоят бўйича 520 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди.

## **ВИЛОЯТНИНГ САҚЛАБ ҚОЛИНИШИ**

Халқни ўз ортидан эргаштириш ва унга етакчилик қилиш учун раҳбар одамларнинг юксак ишончи ва меҳр-муҳаббатини қозониши лозим, албатта. Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Қисқа вақт мобайнида вилоят раҳбари Қашқадарё аҳлининг наинки меҳрига сазовор бўлди, балки уларнинг юрагига ўт солди ва улкан ишларга сафарбар этди. Табиийки, бу ҳаммага ҳам маъкул кела-вермас эди.

Айниқса, Ислом Каримовга муттасил чап кўз билан қараб келган В. Анишчев мудом қилдан қийик ахтарар, унинг фаолиятидан бирон-бир хато ва камчилик топишга, обрўсизлантиришга ҳаракат қиласарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказқўми қабул қилган «Гражданларни қабул қилиш ва меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни ташкил этишда Қашқадарё областидаги камчиликлар тўғрисида»ги қарор мана шу ғаразли ниятнинг бир маҳсули эди. Лекин вилоят раҳбарияти бу хужжатга холис кўз билан қаради ва уни барча туманларда ўрганиб чиқишига тавсия этди. Шу асосда белгиланган тадбирлар вилоятда эришилган амалий натижаларни янада оширишга хизмат қилди. Ҳатто фуқароларни ўз иш жойида қабул қилиш, масалани ўша ернинг ўзида атрофлича ўрганиб чиқиб, ҳал этиш тажрибаси изчил йўлга қўйилди. Бунда, айниқса, кейинчалик анъанага айланиб кетган «Очиқ хат кунлари» деб номланган янгилик муҳим аҳамият касб этди.

«Очиқ хат кунлари» шуниси билан эътиборга молик эдики, аввало, оддий меҳнаткашнинг бирон-бир муаммо бўйича идорама-идора сарсон бўлиб юри-

шига ҳожат қолмасди, шу билан бирга, раҳбарлар ҳаётнинг ичига, яъни одамлар орасига янада чукурроқ кириб борар, бу эса, уларнинг зиммасидаги масъулиятни ошириш баробарида икки томоннинг ўзаро яқинлашувиға ҳам хизмат қиласди.

Ўша йили ҳар ойнинг бошида чорвачилик туманларида «Чорвадорлар куни» ўтказиш ҳам анъана тусини олди. Сут соғувчилик танлови, спорт мусобақалари, илфор тажрибаларни оммалаштириш бу тадбиргага ўзгача маъно-мазмун бағишларди.

Жойлардаги баландпарвоз шиорлар олиб ташланиб, уларнинг ўрнида «Ҳалол меҳнат қилсанг, обрӯ топасан» деган ҳаётий даъватлар юзага келди.

Вилоят ҳаётида ана шундай жиддий ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда, 1988 йилнинг бошларида, «Ўзбекистон ССР ҳалқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси» деб аталган директив ҳужжатга кўра, Қашқадарёни Бухоро вилояти таркибиغا қўшиш ҳаракати бошланди.

1988 йилнинг апрелида бўлиб ўтган республика Олий Совети сессиясида Ўзбекистон ССР ҳалқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Бу –1988 йилнинг 2 сентябрида Бўз, Чорток, Бўзатов, Баҳористон, Қўшработ, Норин каби қатор туманларнинг, шу йилнинг 6 сентябрида эса Навоий ва Жиззах вилоятларининг тугатилишига сабаб бўлган, юртимизнинг турли ҳудудларида беҳисоб ижтимоий муаммолар келтириб чиқарган, тараққиётни бир неча йилларга орқага тортган ҳужжат эди.

Аслида собиқ иттифоқ раҳбарияти бир-бирини тақрорловчи вазирликлар, қўмита ва муассасалар ғоят кўпайиб кетганини инобатга олиб, бир хил вазифани бажарувчи идораларни бирлашириш, шу тариқа бошқарув соҳасидаги ортиқча иш ўринлари ни қисқартириш сиёсатини бошлаган эди, Ўзбекис-

тонда эса бу масалага бошқача ёндашилди. Аниқроғи, «территориал бўлинишдаги ортиқча тарқоқликка барҳам бериш, маъмурий аппаратни қисқартириш» деган баҳона билан йирик вилоятлар тузиш, жумладан, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари негизида Бухоро вилояти ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилган эди.

Агар бугун чукурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, аслида бу масала замирида бошқа бир ғаразли мақсад ҳам бўлганини сезиш қийин эмас. Аниқроқ айтганда, юқорида ўтирган В. Анишчевга ўхшаган «десантчи»-лар шу йўл билан кун сайин обрўйи ошиб бораётган Ислом Каримовни раҳбарлик вазифасидан четлаштиromoқчи эди. Чунки бундай режани амалга оширишнинг бошқа йўли йўқ эди. Халқ Ислом Каримовни яхши кўриб, унга суюниб қолган эди. Бинобарин, уни очикдан-очиқ ишдан олиб ташлаб бўлмасди.

Сессияда ушбу хужжат муҳокамасида иштирок этган қашқадарёлик депутатлар бирмунча асосли далиллар келтириб, ўз эътиrozларини маълум қилишди. Лекин уларнинг хulosалари инобатга олинмади. Шу боис кейинчалик вилоятни сақлаб қолиш, бунинг учун республикамиз раҳбариятининг фикрини ўзгартириш фақат Ислом Каримовнинг дадил ва мардона ҳаракатларига боғлиқ бўлиб қолди.

1988 йилнинг бошида, вилоят раҳбари Кавказда, санаторийда даволанаётган бир пайтда Бухоро шаҳрида ташкилий йиғилиш бўлиб ўтади ва унда иштирок этган икки вилоят вакиллари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини бирлаштириш ҳақидаги таклифни «Яқдиллик» билан маъқуллайди.

Бу йиғилиш Қашқадарё вилояти раҳбарининг иштирокисиз, жуда зудлик билан ўтказилиши бежиз эмас эди, албатта. В. Анишчев «Яқдиллик билан қарор қабул қилингач, ҳеч ким уни ўзгартира олмайди», дея режа тузган ва шу асосда ҳаракат қилган эди.

Ислом Абдуғаниевич бу воқеадан хабар топгач, ўша куниёқ шошилинч тарзда Қаршига етиб келди.

Уни мансаб қизиқтирмасди. Чунки республика миқёсида бундан ҳам масъулиятлироқ лавозимларда ишлаган эди. Уни фақат бир нарса – йиллар давомида алоҳида маъмурий ҳудуд сифатида шаклланган, ўзига хос ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларга, бетакрор миллий анъаналарга эга бўлган Қашқадарё замини, унинг меҳнаткаш ҳалқи тақдирни ташвишлантирар эди. Аҳолиси кундан-кунга ўсиб бораётган, бебаҳо табиий газ ва нефть захираларига эга бўлган, республика иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир бўлган бу ҳудуд алоҳида вилоят сифатида сақлаб қолиниши лозим эди, нафақат Қашқадарё, балки бутун республика манфаатлари ҳам шуни тақозо этарди. Шунинг учун ҳам вилоят раҳбари ушбу масала Тошкентда, юқори доирада муҳокама этилганида қатъият ва акл-идрок билан ўзининг ҳақ эканини исботлаб беради.

– Муҳокамага қўйилган масала аслида ҳалқимиз манфаатларига зид эканини, бу бизга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан зарба бўлишини англаб турар эдик, лекин мана шу ички норозиликни баён этишга журъат қила олмасдик, – деб эслайди ўша даврда Бухоро вилояти ижроқўми раиси бўлган А. Тошкенбоев. – Ҳамон шафқатсиз равишда ҳукм суриб келаётган зўравонлик муҳити ҳаммани чўчишиб қўйганди. Нихоят, Қашқадарё вилоятининг раҳбари Ислом Каримовга сўз берилди. Ҳеч кутилмаганда у киши шиддат билан ўз Фикрини баён этдий. Республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринbosари В. Огарок бошчилигидаги комиссия Москва сиёсатини кўр-кўрона бажараётгани, вилоятларни бу тарзда бирлаштириш ижтимоий, иқтисодий ва тарихий жиҳатдан мутлақо хато бўлишини далиллар асосида исботлаб берди.



Ислом Каримов: «Ҳар сафар Қашқадарё  
заличига кадам кўйганда беихтиёр

Ўшанда менга залда момақалдироқ гумбурлагандек бўлиб туюлган.

В. Огарокнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетган. У қўрслик билан нотиқнинг гапини бўлиб:

– Юқорида ўтирганлар шуни сендан яхшироқ билса керак? – деб луқма ташлади.

Ислом Абдуғаниевич эса вазминлик билан, мен бу масалада энг билимдон одам билан ҳам мунозара қилишга тайёрман, деди.

Ўша пайтда одамлар ҳатто ўз отасининг маъракасига боришга журъат этмас, қатағон гирдоби ҳар куни ўнлаб инсонларни ўз домига тортиб кетаётган эди. Мана шундай қалтис вазиятда Марказнинг қонунга тенг хукмини рад этиш ҳар қандай одам учун кутилмаган фожиалар келтириб чиқариши ҳеч гап эмасди. Шу боис залда ўтирганлар сукутга чўмиб, тош қотиб қолган эди.

Ислом Абдуғаниевичнинг ҳар томонлама асосли, ҳаққоний фикрлари республика раҳбариятини жиддий ўйлантириб қўйди. Шундан сўнг улар Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бирлаштириш масаласини яна кун тартибига қўйишга журъат этмади. Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини қўшиб юбориш режаси ҳам ўз-ўзидан барҳам топди.

Албатта, бу биргина вилоятнинг ҳаётида эмас, балки бутун республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожида катта аҳамиятга молик масала эди. Унинг адолатли ечим топишида воҳанинг истиқболи, халқнинг хоҳиши-иродаси устувор аҳамият касб этди. Ўз вақтида фоят тўғри қарор қабул қилинганини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бу ҳақда Нишон тумани деҳқон ва фермерлар уюшмалари вакиллиги директори Ҳайитмурод Фармонов шундай ҳикоя қиласди:

– Ислом Абдуғаниевич Кавказдан қайтиб келгач, қабулига бордим. У кишининг кайфияти йўқ эди. Гап айланиб

*Олдинда нағбатдаги улкан ишлар  
кутиб турибди...*



келиб Қашқадарёни Бухоро вилоятига қўшиш масаласига тақалди.

— Афтидан, бу иш чуқур ўйланмасдан қилинмоқда, — дедим мен. — Бир пайтлар Қашқадарёни Сурхондарё вилоятига қўшишган, ўшанда кўрган азобимиз ёдимда. Энг ёмони, вилоятни тугатишса, бошланган ишлар қолиб кетади, сарсон-саргардонлик авж олади.

— Ахир, Бухородаги йиғилишида лоқал бирон киши шу ҳақда бир оғиз гап айтмабди-ку, — деди Ислом Абдуғаниевич асабий оҳангда. — Ҳамма қўл кўтариб, таклифни маъқуллаб келибди-ку!

— Ислом ака, — дедим мен ўтинч билан. — Одамлар-нинг ёлғиз умиди сиздан. Ҳозир ҳамма газабда, қўйиб берсангиз, одамлар Тошкентгача боради.

Ислом Абдуғаниевич, бу масалани фаоллар йиғилишида атрофлича муҳокама этиши мақсадга мувофиқ, деб топди.

Йиғилишида кўплар қатори мен ҳам сўзга чиқиб, бу масала етарлича ўйлаб кўрилмасдан кун тартибига қўйилганини таъкидладим.

— Ислом Абдуғаниевич, — дедим, — вилоятни асраб қолсангиз, бу ишл Қашқадарё 600 минг тонна пахта беради!

Ҳамма ўрнидан туриб кетди, одамлар менинг гапимни маъқуллаб, узоқ қарсак чалди.

Ислом Абдуғаниевич халқнинг хоҳииш-иродасидан келиб чиқиб, ишга астойдил киришиди. Пойтахтда бўлган иирик йиғилишида вилоят аҳлининг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиб чиқди. Ўша даврда бундай ҳатти-ҳаракат сиёсатга қарши чиқши, деб баҳоланаарди. Ислом ака шунга журъат этиди ва ўзининг ҳақлигини исботлади.

Ўша иили Қашқадарё аҳли астойдил меҳнат қилиб, 552 минг тонна пахта етишитирди, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди.

Кузнинг охирида Шаҳрисабз туманида бўлиб ўтган йиғилишида Ислом Абдуғаниевич менга ўғирилиб:

— Пахтамиз 600 минг тонна бўлмай қолди-ку? — деди жилмайиб.

— Ҳали далада пахта кўп, — дедим мен. — Гапимизнинг устидан, албатта, чиқамиз.

Бошқалар ҳам менинг гапимни маъқуллади. Маъқсадга эришиши учун беш кун кифоя эди.

Ўшандада Ислом Абдуганиевич:

— Азизлар, гапингизнинг устидан чиқишингизга ишонаман, — деди. — Билиб қўйинглар, мен сизлардан, қашқадарёликлардан розиман, ўзимни ҳам қашқадарёлик деб биламан.

## ИНСОННИ ЯХШИЛИК ҚУТҚАРАДИ

Ўша кезларда ушбу сатрлар муаллифи кўпчилик қаторида турли йигинларда Ислом Каримовнинг маъруза ва нутқларини тинглаган. Бир учрашувда у киши, Ф. Достоевскийнинг машҳур фикрига кўшимча қилиб, инсонни яхшилик қутқаради, дегани ёдимда. Бу фоят чукур маъноли гап вилоят раҳбарининг ҳаёти, раҳбарлик фаолияти маъно-мазмунини ифода этарди. У ўзининг ана шу ҳаётий принципидан келиб чиқиб, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга, оддий халқقا ҳамдард бўлиб яшашга асосий эътиборни қаратди.

Биринчи навбатда уни вилоятда уй-жой қуриш суръатлари ташвишга соларди. Нега деганда, жойларда бу борада ташаббус кўрсатиш ўрнига ҳатто давлат ажратган маблагни ҳам ўз вақтида ўзлаштира олмаслиқдек нохуш ҳолатлар ҳукм сурар, ҳатто ёшлар уй-жой кооперативлари ҳам суст ва қониқарсиз фаолият кўрсатаётган эди. Хусусан, якка тартибда уй-жой қуриш ниятида бўлган кишиларга амалий ёрдам бериш, уларни ер ва қурилиш материаллари билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам вилоят раҳбарини қаноатлантирумас эди.

**— Одамлар ҳаракат қилмоқда, ўз қаддини ростлаб олмоқда, — деган эди Ислом Абдуғаниевич яна бир мажлисда, — ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида ўзларини хўжайин деб ҳис қилмоқда.**

Дарҳақиқат, ҳаёт шиддат билан олдинга силжимоқда, бу эса ҳар бир одамдан ўз малакасини изчил ошириб боришини, ўқиш-ўрганишни, муттасил интилишни талаб этарди. Ўз навбатида олдимизда турган вази-

фаларни амалга ошириш учун аниқ бир ҳаётй дастурга эга бўлишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда эди.

Ислом Каримов, буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, вилоят иқтисодий тараққиётининг бешта устувор йўналишини белгилаб берди. Улар қуидагилардан иборат эди.

**Биринчидан**, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш. Бунинг учун, энг аввало, меҳнат унумдорлигини кўтариш, ердан фойдаланишни иммий асосга қуриш, сув захираларидан оқилона фойдаланиш ва тежаб суғоришни амалга ошириш.

**Иккинчидан**, дехқонга мустақиллик бериш. Бунинг учун эса ишни ташкил этишнинг ижара шаклларига ўтиш – бригада, оиласвий ва якка тартибдаги пудратни ривожлантириш.

**Учинчидан**, хўжаликлар ва ҳар бир туман миқёсида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш.

**Тўртинчидан**, кўптармоқли хўжаликларнинг озиқовқат маҳсулотлари` этиштиришдаги иштирокини таъминлаш.

**Бешинчидан**, колхоз ва совхоз аъзоларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида мева ва сабзавот этиштиришни кўпайтириш.

Мана шундан келиб чиқиб, вилоятдаги пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлар ҳам гўшт, сут, сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари этиштиришга жалб этилди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириш йигирма фоизга кўпайди.

Бу эса ўз навбатида тўлақонли тараққиётга йўл очибгина қолмай, пахта яккаҳокимлигига ҳам маълум маънода чек қўяр эди.

Мана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ вилоятда икки йил мобайнида режага нисбатан ўттиз минг тоннадан зиёд фалла этиштирилган эди.

Ислом Каримов 1988 йил 17 сентябрь куни бўлган йиғилишда дехқонга тўла эркинлик бериш лозимлигини яна бир бор уқтириб, уни ернинг

ҳақиқий хўжайинига айлантириш зарур эканини таъкидлади.

Ҳаёт пудрат усулининг афзал жиҳатларини баъзи хўжаликлар мисолида аллақачон намоён этган эди. Чунончи, Қарши туманидаги саккизинчи совхознинг Л.Ким бошлиқ участкаси жамоаси мана шу усулда ишлаб келарди. Жамоанинг ҳар бир ишчиси ўртacha ҳисобда ўттиз минг сўмлик маҳсулот етиштиради. Бундай мисоллар оз эмас эди, албатта. Ва бу – манфаатдорлик инсон имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришини англатиб туради.

Вилоят раҳбарининг, айниқса, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан умиди катта эди. Чунки воҳанинг қишлоқ жойларида 170 минг хонадон бўлса, ҳар 100 хонадонга 123 қорамол ва 300 қўй-эчки тўғри келарди. Уларни янада кўпайтириш, колхоз ва совхозларга нисбатан жуда тез тараққий эттириш мумкин эди. Айни пайтда чорвачилик маҳсулотларининг 40 фоизини, мева-сабзавот маҳсулотларининг эса 34 фоизини шахсий ёрдамчи хўжаликлар етиштириб беражетган эди.

Ислом Каримов қишлоқда яшайдиган ҳар бир оила ёрдамчи хўжалик ҳисобидан ўз ички эҳтиёжини таъминлабгина қолмай, етиштирган маҳсулотининг бир қисмини аҳолига сотиши, қўшимча даромад олиши мумкинлигини эътиборга олиб, ҳар бир хўжалик раҳбари зиммасига хонадонларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқиши учун етарли шарт-шароит яратишга кўмаклашиш вазифасини юклиди.

Орадан йиллар ўтиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини ифода этадиган ўзбек модели жаҳон миқёсида эътибор топди. Юқоридаги мисоллар бу моделнинг илк асослари дастлаб ўша даврда, Қашқадарёдаги тажрибалар асосида шакллана бошлагани, кейинчалик бутун мамлакатимизни қамраб олган кенг миқёсли ислоҳотлар дастлабки қадамлар сифатида аввало мана шу ерда синовдан ўтганини кўрсатади.

«Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раҳбари Қурбон Панжиев ҳикояси:

— 2001 йилнинг охирида Нукус — Бухоро — Қарши — Фузор автомобиль йўлининг 705-километрида барпо этилган катта кўприк ишига туширилди.

Темир ўйл устидан ўтувчи бу кўприкнинг узунлиги 90 метр бўлса-да, 3 километрдан ортиқ масофада йўл мосланган, унинг лойиҳа қиймати 1 миллиард 470 миллион сўмни ташкил этганди.

Ушбу улкан иншиотнинг қурилиши тарихи Ислом ака вилоятимизда раҳбар бўлиб ишлаган давр билан бевосита боғлиқ.

*Саксонинчи ишларнинг охирлари.*

Ўша куни йўлга асфальт ётқизаётган эдик. Қарши шахри томонидан Ислом Абдуганиевич келиб қолди. Аксига олиб, худди шу пайтда Қарши — Косон темир йўлидан поезд ўта бошлади.

Ислом Абдуганиевич поезднинг ўтишини йигирма дақиқача кутиб турди. Сўнг йўлнинг бу томонига ўтгач, «Волга»дан тушиб, бизнинг олдимизга келди. Ишишимизни кузатди. Йўлсозлар билан сұхбатлашиди. Гап орасида:

— Мана шу темир йўл устидан кўприк ўтказса бўладими, йўқми? — деб сўради.

— Бўлади, — дедим мен.

— Шуни қилиш керак, — деди Ислом Абдуганиевич. — Қаранг, қанча машина, қанча йўловчи поезднинг ўтишини кутишиб мажбур. Диққатбозлик. Бу масалани ҳал этиш керак.

Мен шошиб қолганим учун нима дейишни ҳам билмас эдим.

Вилоят раҳбари эътиборимизни қаратган муаммо неча ишлдан буён мавжуд бўлса-да, кўприк қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, очигини айтганда, барчамиз бунга кўнишиб кетган эдик.

— Сиз шу ишга ташаббускор бўлинг, — деди Ислом Абдуганиевич. — Агар кимда-ким қаршилик қиласа, ўзим аралашаман.

Мана шу гапдан куч олиб, кўприк қурилишини бошлиб юбордик. Уни қуриб битказганимизда Ислом Абдуганиевич мамлакатимиз раҳбари эди.

Ёдимда, у кишининг саъй-ҳаракати билан вилояти-мизда 300 километр узунликдаги янги йўллар қурилган, кўпдан-кўп ободончиллик ишлари, янги кўчалар, даҳа ва бекатлар барпо этилган эди.

Бугун мен шу хайрли ишларнинг биттасини эслаб ўтдим, холос.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматов ҳикояси («Ёш ленинчи» газетаси, 1989 йилнинг январи):

— Қишлоқ аҳлига майиший хизмат кўрсатиш табиий равишда косиблик ва ҳунармандчilik ривожини тақозо этади. Бу борада Қашқадарё вилоятida амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Қўли гул одамлар ўз иқтидорига таяниб, ҳаётга файз киритмоқда. Бу — ҳар жиҳатдан ибратли ва олижаноб фаолиятдир. Унинг қадр-қимматини англаш учун қишлоқда яшаш шарт эмас, бориб ўша заргар ва чилангар, ганчикор ва темирчи уста ясаётган буюмларни кўриш, улардан рози бўлган кишилар сұхбатини тинглаш, халқнинг тилидаги гапларни эшитиши кифоя.

Мана, биз Қарши шаҳридаги марказий колхоз бозоридамиз. Янги бозор атрофини юксак дид ва катта маҳорат билан барпо этилган бир қаватли нақшинкор бинолар қуршаб турибди. Уларга устахоналар ва майиший хизмат шохобчалари жойлашган.

Биз темирчиллик устахонасига кирдик. Ўша, қадим-қадимда ота-боболаримиз ишлатган дам, унда чўз ловуллаб турибди.

Қорачадан келган қорувли йигит қисқичдаги темирни

чўг қўрига обдан тоблагач, сандон устига қўяди. Оппоқ соқолли отахон эса унга ишлов бера бошлиайди.

Чўгланиб турган бир парча темир аста-секин ўроқ шаклига киради.

Отахоннинг исми-шарифи – Саттор Равшанов.

— Етти аждодимиз темирчи ўтган, — дейди Саттор ота. — Мана, энди Комилжон неварам ҳам шу касбнинг бошини тутмоқда.

— Нима, сизлар фақат ўроқ ясайсизларми?

— Ўроқми, болгами, темирдан неники ясаш мумкин бўлса, бари қўлимиздан келади.

Агар сиз бозор атрофидаги қатор устахоналарга бир-бир кирсангиз, кимдир оддий лойдан сопол идишилар, кимдир ёғочдан бешик ясаётганига ва яна кимдир ганчдан нақшили безаклар ишлаётганига гувоҳ бўласиз.

Шу пайтга қадар миший хизмат деса, сартарош, поїафзал ёки телевизор созловчи уста бизнинг кўз олдимизга келар эди, холос. Бугун эса Қашқадарё ҳишлоқларида азал-азалдан ҳалқимиз ҳаётига мос равишда шакланиб келган касб-хунарлар яна ривож топаётганини кўриб, кўнглингиз яйрайди. Эндиликда турмушини кулолчилик, тандирсозлик, устачилик каби минг шиллар давомида ҳалқ ҳаётига сингиб кетган ва унинг ажralмас қисмига айланган касб-хунарларсиз тасаввур этиши қийин.

Қадимий турмуш анъаналаримизга мос бўлган соҳибкорлик, айниқса, Чироқчи туманида кенг оммалашган. Масалан, туманда увада пахтани қайта ишилаб, титиб берииш цехлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Яқинда эса зизирёғ тайёрловчи бир неча жувоз ишига туширилди.

Чироқчидаги ҳар бир хонадонда бежирим тандир мавжуд. Тандирларни кўрсангиз, ҳавас қиласиз. Улар бир қўлдан чиққандек бир-бирига ўхшашиб, пишиқ ва чиройли. Қўли гул устанинг маҳорати яққол кўзга ташланиб турибди.

Тандирчилар Охунбобоев номли, «Коммуна» хўжаликларида, туман марказида фаолият кўрсатади. Уларга учта тажрибали оқсоқол раҳбарлик қиласиди.

Усталар ихтиёрига маҳсус машина бериб қўйилган. Тандир тайёр бўлгач, буюртмачига етказиб берилади. Агар, керак бўлса, улар ўзлари тандирни қуриб беришади.

Қашқадарё вилоятида кенг оммалашган бундай ибратли ишлар шуниси билан дикқатга сазоворки, у ҳаётга янги бир тўлқин олиб кирмоқда. Инсоннинг имкониятлари рўёбга чиқишига хизмат этмоқда. Бундай саъй-ҳаракат ҳар томонлама қўллаб-қувватланса арзийди. Чунки якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан ҳалқимиз манфаатдор эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

## **САРҲИСОБ**

1988 йил охирлаб қолган, собиқ иттифоқ ҳудудида вазият тобора оғирлашиб борар, совет матбуоти эса қайта қуриш ҳақида сафсата сотиш билан банд эди. Марказда чоп этиладиган газета-журналларда Ўзбекистонга юборилган «десантчи»лар ҳақидаги, хусусан, Гдлян билан Ивановни «ўтда куймас, сувда чўкмас қаҳрамон» қилиб кўрсатишга қаратилган мақолалар кетма-кет босиларди. Уларда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган уйдирма гаплар айтилар, шу тариқа халқимиз, турмуш тарзимиз ҳақида дунё аҳлида бўхтон тасаввурлар уйғотилар эди.

Нима эмиш, Ўзбекистонда илдиз отган «пахта мафияси» москвалик терговчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатаётган эмиш, шу сабабли Гдлян ва Иванов қандайдир даҳшатли жиноятчини қўлга олиш учун бронемашинада боришга мажбур бўлган эмиш...

Хуллас, республикани истаганча оёқости қилиш учун уларга кенг йўл очиб берилган, гарчи XX аср охирлаётган бўлса-да, бу ерда машъум ўттиз еттинчи Йилнинг совуқ нафаси кезиб юради.

Ўша қатағон ваҳми юракларга даҳшат солиб турган нотинч ва безовта даврда, вилоят раҳбарининг қатъияти ва жасорати туфайли Қашқадарёда ҳаёт оқими тинч бир ўзанга солинган, одамлар яратувчилик иши билан банд эди.

Чунки қишлоқ хўжалиги, саноат ва капитал қурилишни қайта тиклаш, ривожлантириш аввало тинчлик ва хотиржамликни, айниқса, пировард натижада ҳар бир кишининг манфаатдор бўлишини талаб этарди.

Вилоятда мана шундай шарт-шароит аста-секин яратилмоқда эди.

– Биз пахта яккаҳокимлигига чек қўйиш учун ҳам ноз-неъматлар етиширишга бутун кучимизни сафарбар этяпмиз, – деб ҳикоя қиласи Қарши туманидаги 8-совхознинг агроучасткаси бошлиғи Лев Николаевич Ким республика газетаси ўқувчиларига. – 1988 йилда шаҳарликлар дастурхонига 150 тонна полиз, 1000 тонна сабзавот, 2000 тонна картошка, тонналаб қовун-тарвуз тортиқ этдик.

Бу йил мева-чева, узум ҳосили кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Фалла ҳосилдорлиги эса 40 центнерни ташкил этди. 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан зиёд пичан жамғарилди. 760 гектар ердан ўртача 25 центнердан пахта ҳосили олинди.

Айтиш керакки, вилоятдаги қўпдан-қўп хўжаликлар ўз ишини мана шу тарзда йўлга қўйган, бу эса амалда ижобий самара бераётган эди.

Бу даврга келиб шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳам турмушга файз кирита бошлади. Айниқса, Яккабоғ, Фузор, Косон, Ульянов, Қарши туманларида бу тармоқ ибрат бўлгулик даражада йўлга қўйилганди.

Вилоят раҳбарининг ўз вақтида, уйкусиз кечаларда мана шу юрт, унинг халқи ҳақида ўйлаб, одамларнинг оғирини енгил қилиш, Қашқадарёни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида бошлаган ташабbusлари, амалий ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлаган эди.

1988 йилнинг декабрида бўлиб ўтган вилоят партия конференциясида Ислом Абдуғаниевичнинг мана шу хизматлари, яъни халқ билан ҳамнафас бўлиб, ишнинг кўзини билиб, уни тўғри ташкил этгани юксак баҳоланди. Аслида ҳам маънавий ва иқти sodий жиҳатдан буткул таназзулга тушиб қолган йирик вилоятни қисқа муддат ичидан оёққа қўйиш, тараққиёт йўлига олиб чиқиш, энг муҳими, элни турли тажовузлардан ҳимоя этиш, унинг тинчлиги ва осо-йишталигини таъминлаш таҳсинга сазовор эди.

Бундай ишчан вазият вилоят бўйича барча соҳаларда ўсиш ва юксалишга замин яратди. Жумладан, саноатда маҳсулот сотиш ва меҳнат унумдорлиги режаси ортиғи билан бажарилди. Товар маҳсулотлари ҳажми ўртача 1,5 баробар ошди, қарийб 400 миллион сўмлик фойда олинди.

Курилишда меҳнат унумдорлиги ортди, қурилиш-монтаж ишларининг таннархи камайди. 1988 йил 20 миллион сўм фойда билан якунланди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ялпи маҳсулот 325 миллион сўмликка ёки бир ярим баробарга кўпайди. Колхоз ва совхозлар давлатдан олинган 80 миллион сўмдан зиёд қарзларидан қутулди. Пахта сотиш режаси ошиғи билан адо этилди.

Хаётдаги ўзгаришлардан, айниқса оддий меҳнат-кашлар манфаатдор эди, шу боис улар белни янада маҳкам боғлаб ишларди. Раҳбарлар ҳам мавжуд шароитда ишни янгича ташкил этиш учун етарли тажрибага эга бўлган эди.

9 та саноат корхонаси, 3 та қурилиш ташкилоти ўз харажатларини тўла қоплаб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга эришди. 32 та колхоз ва совхоз харажатларни назорат қилишнинг чек тизимиға ўтди. 48 та ҳўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг цех шакли жорий этилди.

Ушбу жамоалар тажрибаси ҳўжалик юритишининг янги шакли афзаллигини, юқори самарадорликка омил бўлишини амалда намоён этди.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 20 фоизга кўпайди. Шу ҳисобдан савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари (16 фоизга), сут-қатиқ маҳсулотлари (42 фоизга), тухум (44 фоизга), сабзавот (30 фоизга), полиз маҳсулотлари ва мева-чева (38 фоизга), картошка (32 фоизга) сотиш кўпайди.

Вилоятда жами саҳни ярим миллион квадрат метр,

яъни режалаштирилганига нисбатан 100 минг квадрат метр кўп турар жой бинолари қуриб битказилди, 25 минг оила янги уй-жой олди. Кооператив тарзда ва якка тартибда уй-жой қуриш кўпайди, турар жой қурилиши унинг умумий ҳажмига нисбатан 55 фоизга кўтарилиди...

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга йўналтирилган маблағлар миқдори ошди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 35 миллион сўм маблағ сарфланди. 15 минг хонадан газлаштирилди. Шунингдек, 250 километрдан зиёд замонавий йўллар ва кўприклар барпо этилди.

Меҳнат захираларидан фойдаланиш ва аҳолини иш билан банд этиш мақсадида маҳсус «Меҳнат» дастури ишлаб чиқилди. Шу асосда 30 минг киши турли ишларга жалб этилди.

Халқ ҳунармандчилиги ривож топди, меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик, кооператив ва индивидуал шакллари ҳаётга тадбиқ этилди.

Демократия ва ошкоралик туфайли аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсди, маънавий-маърифий савиясида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Лекин вилоят раҳбари одамларни эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасликка, аксинча, эртанги кун, келажакни ўйлаб яшашга даъват этишдан чарчамайди.

– Қаранг, ҳамон тўрачилик иллатлари, эскириб кетган йўриқнома ва кўрсатмалар инсонлар қўлини ипсиз боғлаб турибди, – дейди у куйиниб. – Бундай қофозларнинг, асоссиз буйруқларнинг кучи ҳамон ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир шундай даврки, ҳар бир ишда одамлар билан маслаҳатлашиш, халқнинг фикрига кулок солиш, узоқни кўзлаб иш юритиш лозим. Фақат шундай йўл тутган раҳбаргина ютади.

**Демократия ва ошкоралик – күнгилга келган ишни қилиш, анархия, дегани эмас. Ҳар бир ишда, ҳар доим тартиб ва интизом устувор бўлиши даркор...**

Вилоятда қўлга киритилган катта ютуқлардан кўз юмиб бўлмасди. Қашқадарё ҳар жиҳатдан бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Буни ҳатто вилоят партия конференциясида иштирок этган республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринbosари В.Огарок ҳам тан олишга мажбур бўлди.

– Қашқадарё вилояти Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутади, – деди у. – Вилоятда барча соҳаларда ишларнинг тўғри ташкил этилиши тараққиёт учун муҳим омил бўлди. Буни биз пахтакорлар ютуғи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Вилоятда биринчи маротаба шу қадар мўл ҳосил етиштирилдики, бу – нечоғли ўсиш бўлганини, унинг салмоғини ўзида яққол намоён этади.

Ажаб дунё экан-да: ахир, айнан мана шу шахс яқиндагина Қашқадарёни Бухоро вилоятига қўшиб юборишдек мантиқсиз режани амалга ошириш учун жонжаҳди билан ҳаракат қилган эмасмиди?!

Вилоятдаги юксалиш оғир ва машаққатли меҳнатнинг, тинимсиз изланиш ва фидойиликнинг маҳсули эди, албатта. Ишнинг кўзини биладиган, давр руҳини англаб етган ёшлар Ислом Каримов раҳбарлигида ислоҳотларни амалга оширишга астойдил киришган, танланган йўлнинг тўғри ва истиқболли экани, энг муҳими, одамлар манфаатига мос келиши ҳаётда ўз тасдифини топмоқда эди...

Вилоят касаба уюшмаси қўмитаси агротармоқ шўйбаси раиси Юрий Мелентьев ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич вилоятга раҳбарлик қила бошлигач, Қашқадарёда вазият тубдан яхши томонга ўзгарди. Инсонларда бир-бирига нисбатан ишонч, меҳр-оқибат кучайди. Ўзаро ҳурмат, аҳил-тотувлик, ҳамкорлик муҳити қарор топди. Ҳаёттай муаммоларнинг амалий ечами ишишимизнинг олдинга силжиишга хизмат қилди. Жонбозлик кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилаётган инсонлар қадрланди. Раҳбарларда одамлар тақдиди, эл-юрт обрўйи учун масъулият ҳисси ошиди.

Ислом Абдуғаниевич инсонга эътибор масаласини ҳамиша етакчи ўринга қўярди.

Бу эса ўз навбатида барча соҳаларга ижобий таъсир кўрсатди.

Одатда, қилинган ишлар ўз самарасини бирданига бермайди. Унинг натижаси кейинчалик тўла намоён бўлади. Шу маънода, шиддат билан ўтган ўша ишлар иқтисодий юксалишига замин яратди, айни пайтда турмушини ташкил этиши, ҳаётни, бунёдкорликни қадрлаш борасида ҳам ибрат олса арзигулик ишлар қилинди. Қисқа вақт ичida ёшларни иш билан банд этиши, аҳолининг турмуши дараҷасини янада кўтариши, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириши масалаларига доир шунча ишлар қилиб улгурилгани ҳамон кишини ҳайратга солади.

«Қашқадарёсайёҳ» ҳиссадорлик жамияти раиси Қўчкор Тўйчиев ҳикояси:

— Очигини айтсам, Ислом Абдуғаниевич биз, ёшларга, ўз навбатида биз у кишига қаттиқ ишонар эдик. Ўзаро ишонч мустаҳкам бўлган жойда иш олдинга силжир экан.

1988 йилнинг кузидаги Ислом Каримов мен раҳбарлик қилаётган Косон туманини кели, бирга пахтазорни айланиб кўрдик. Октябрнинг ўрталари эмасми, машина терими шиддатли тус олган эди.

*Ислом акага шерик бўлиб келган тажрибали пахтакор бир тупдаги ҳосил салмоғини билиши учун доналаб кўрак санади.*

— Эллик учта, — деди у. — Хўш, туман бўйича битта машинага неча гектар пахта майдони тўғри келяпти?

— Ўртacha 90 — 100 гектар.

— Терим машиналарининг самарадорлиги қандай?

*Ўша кунларда терим машиналари воситасида туманнинг 2,5-3 фоиз пахтаси териб олинаётган эди. Вилоят раҳбари бу гапни эшишиб:*

— Агар терим машинасига кўпи билан 40 — 50 гектар пайкал тўғри келмаса, кунлик суръатни 6 — 7 фоизга етказиб бўлмайди, — деди. — Бўпти, бу ҳақда ўйлаб кўрамиз.

*Шу сухбатдан сўнг орадан бир-икки кун ўтгач, вилоятда терим машиналари сони кескин ошиди. Жумладан, биз ҳам янги терим машиналарига эга бўлдик. Табиийки, терим суръати ўсди.*

*Ўша даврда хўжалик етишитирган пахтани қабул қилиб олиш заводлар ихтиёрида эди. Ўлар пахтани ўзлари хоҳлаган навга қабул қиласар, тола миқдорини ҳам ўзлари билганча белгилаб, истаганча тола чиқараарди.*

*Бу эса Ислом Каримовнинг қатъиӣ эътирозига сабаб бўлди.*

— Қизиқ, нима учун пахтани дехқон етишитиради-ю, ҳосилга завод хўжайинлик қиласди? Ахир, буadolatдан эмас-ку! — деди у киши. — Бугундан эътиборан хўжалик пахта қабул қилиш пунктига ўз одамини қўйисин, ўз пахтасини ўзи қабул қиласин. Йизим-терим тугагач, завод хўжалик билан шартнома тузиб, шу асосда пахтани ишлаб берсин ва шунга яраша ҳақ олсин.

*Пахтачилик заводлари ҳам, трест ҳам бу ҳаракатга тиши-тирноги билан қарши чиқди, лекин Ислом Абдуғаниевич ўз фикрида қатъий турди, шу тариқа бу тажриба вилоятда амалга оширилди.*

*Ҳозирги ширкат хўжаликларининг ички хўжалик юритиш тартиби, чек тизими ҳам 1987 йили Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган эди. Ёдимда, дастлаб Қамаши туманидаги Карл Маркс номли совхозда янги иш усули синааб кўрилган, кейин вилоят бўйича шу масалада кўргазмали семинар бўлиб ўтган эди.*

## ТАРИХ ҲАҚИДА СУҲБАТ

1988–89 йилларда Ислом Абдуғаниевич билан икки маротаба учрашиш ва сұхбатлашиш ушбу сатрлар муаллифига насиб этган эди. Үшанды мен педагогика институтида оддий доцент эдим. Вилоят раҳбари билан учрашишга тарихий мавзуда ёзган мақолам сабаб бўлган, деб ўйлайман.

1988 йили «Ёшлик» журналида «Амир Темур мухри» деган мақолам эълон қилинган эди.

Ёдимда, академик Иброҳим Мўминовнинг соҳиб-қирон ҳақидаги тарихий рисоласидан сўнг ўтган йигирма йил ичida бу мавзуда бирон-бир ижобий чиқиш кузатилмаган, шунинг учунми, ушбу мақола анчамунча баҳсларга сабаб бўлган.

Бу орада тил билан боғлиқ масалалар кун тартибига чиқди, шу кунларда вилоят раҳбари мени йўқланган экан, бордим.

Ислом Абдуғаниевич мени очиқ чехра билан қарши олди. Сұхбат давомида стол устида турган журнал ва китобларга кўзим тушди. Улар каминанинг китобларию мақолалари эди.

«Амир Темур мухри» чизиб ўқилган, айрим жойларига савол аломати, баъзи бир ўринларга эса ундов белгиси қўйилган эди. Назаримда, хитоб бёлгилари кўпроқ эди. Бу – яхши аломат эди, албатта. Ичичимдан севиниб кетдим. Наҳотки, шунча ишдан, элнинг ташвишидан ортиб, мендек бир оддий домланинг ёзганларини синчиклаб ўқишга вақт топган бўлса, деб ўйладим. Лекин бу ҳақиқат эди. Яна тарихга, хусусан, тақиқланган мавзуга шундай ижобий

муносабатда бўлиш, билмадим, буни фазилат де-йиш керакми, ватанпарварлик дейиш керакми...

Менинг илм йўлидаги изланишларимга ислоҳ ки-ритган ҳам Ислом Абдуғаниевич билан бўлган сух-батлардир.

Ўша кунларга қадар ёш авлодга мумтоз адабиёт сирларидан сабоқ бериб келардим, шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борганман.

Ҳамон ёдимда, Ислом Абдуғаниевич:

– Мен ватанпарвар инсонларни ҳурмат қиласман, - деди. – Бугун барчамиз ҳам эркинликка ташнамиз, бу – табиий, албатта. Лекин мен мустақиллик учун курашда қон тўкилишига олиб келадиган кавказча жангари усулни эмас, Болтиқбўйи республикаларига хос бўлган оқилона ҳаракатни, яъни сиёсий мулоқот йўлини маъқул, деб биламан.

Мен кейинчалик бу гапнинг мазмун-моҳияти ҳақида жуда кўп ўйлаганман.

Ислом Абдуғаниевич ўз вақтида Ўзбекистоннинг жонкуяр бир фарзанди, катта қалбли ватанпарвар инсон сифатида озодлик йўлида сиёсий мулоқот воситасида курашишга, аниқ айтганда, қон тўкилишидан, йўқотиш ва кулфатлардан қочишга унданган.

Қон тўкилиши нимага олиб келишини эса кейинчалик қўшни мамлакатлар мисолида ўз кўзимиз билан кўрдик, бундай фожиаларнинг салбий оқибатини ҳам бир қадар англадик.

Суҳбат давомида Ислом Абдуғаниевич менинг хаёлимга келмаган бир гапни айтди:

– Мана, сиз тарихни яхши биласиз, нега энди Қашқадарё тарихини ёзмаяпсиз? Бу қадим юрт бой тарихга эга, дунёга улуғ алломаларни, буюк тарихий сиймоларни етиштириб берган. Кеш ва Нахшабнинг ўтмиши тарихимизнинг энг ноёб саҳифаларини ташкил этади. Ахир, бу тарихни, ноёб қўлёзмаларни кимдир тадқиқ этиши, ёзиб қолдириши, тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариши керакми, йўқми?

– Керак, албатта, – дедим мен.  
– Биласизми, мен нима учун бу гапларни айтяпман? Ўзингиз ўйланг, Россияда Суворов, Кутузов, Нахимовлар номи ва хотираси қанчалик улуғланади. Бизнинг тарихимиизда мана шундай қаҳрамонлар оз деб ўйлайсизми? Аксинча, буюк саркардаларимиз улардан ҳам қудратли, улардан ҳам салоҳиятли бўлган. Улар ақл бовар этмайдиган шижаот ва матонат кўрсатган. Улар халқимиз хотирасида абадул-абад яшашга ҳақли. Нега биз ўша сиймоларни кўтармаймиз? Ёшларимизни улар билан ифтихор қилишга ўргатмаймиз? Нега тарбияга умуман эътибор қилмаймиз? Ахир, ҳамма ишни аслида мана шундан бошлаш керак-ку?!

Сиз ёзинг, ўлмас аждодларимиз ҳақидаги китобларни рўёбга чиқариш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиласиз.

Шаҳрисабз ва Нахшабнинг икки-уч минг йиллик тарихи бор, минг афсуски, буни ҳатто шу ерда туғилиб ўсган зиёлилар ҳам билмайди. Агар шу ноёб ва бебаҳо тарихдан, мана шу заминнинг ҳар бир қаричи учун боболаримиз жон олиб, жон берганидан огоҳ бўлганида, ишончим комилки, Бухорода ўтган йифилишда иштирок этган дўстларимиз Қашқадарёни вилоят сифатида тугатиш ҳақидаги таклифни қўллаб-куватламаган бўлар эди.

Ислом Абдуғаниевичнинг куюниб айтган мана шу гаплари мени жиддий ўйга толдирди.

– Ватанимиз мана шундай шонли ўтмишга эга, деб ёшларга тарихни уқтириш керак! – деди. у киши фикрига якун ясад.

Мен мана шу даъват таъсирида кейинчалик Салоҳиддин Ҳожанинг «Темурнома» китобини нашрга тайёрладим, бу асар 1990 – 91 йилларда қайта-қайта нашр этилди. Шундан сўнг «Соҳибқирон туғилган жой» деб аталган тарихий мавзудаги туркум мақолаларни эълон қилдим, шу билан бирга, Қашқадарё

тариҳини тадқиқ этиб, уни бир китоб ҳолига келтирдим, кейинчалик «Ўзбекистоннинг янги тариҳи» биринчи жилдини яратишда ҳам баҳоли қудрат иштирок этдим.

Ислом Абдуғаниевич таъкидлаганидек, ўғил-қизларимизнинг она юртни таниши ва ўзлигини англашига, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган фидойи инсонлар бўлиб вояга етишига, соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий каби кўпдан-кўп порлоқ сиймолар ибрати халқимиз хотирасида абадул-абад яшашига қўлимииздан келганча ҳисса қўшсак, ўйлайманки, биз, тарихчилар учун бундан ортиқ баҳт бўлмайди.

### Тарих фанлари доктори Аҳмаджон Чориев ҳикояси:

— Ислом Абдуғаниевич вилоятда иш бошлигач, унинг ташаббуси билан дастлаб «Қашқадарё ижодкорлари музейи» ташкил топди. Мана шу мўътабар заминда түглиб ўсган юздан ошиқ таниқли шоир ва адабларнинг, олимларнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилиувчи ўзига хос бу музейнинг очилиши ҳаётимизда унумиллас боқеа бўлган эди.

Ўшандаги кўпчилик янги раҳбаримиз маънавиятнинг чинакам жонкуяри эканини англаган эди.

Орадан кўп ўтмай Ислом Абдуғаниевич биз, бир гурӯҳ тарихчи олимларни Қарши шаҳридаги ўлкашунослик музейига таклиф этди, Қашқадарёнинг, хусусан, Шаҳрисабз ва Нахшабнинг узоқ ўтмииши, бу заминда вояга етган улуғ сиймолар, уларнинг дунёвий тараққиётга қўшган тенгсиз ҳиссаси ҳақида гапириб, у киши мана шу тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун зарур манбалар, ноёб қўлёзмаларни чуқур тадқиқ этиши вақти келганини таъкидлади.

— Инсоннинг маънавий тақомилидаги тарихнинг хизмати бекиёс,— деди Ислом ака,— сизлардан илтимосим шуки, Қашқадарёнинг бой тарихини, ёшлиаримизга ибрат бўладиган ўлмас сиймоларини тиклаб берсангизлар.

Тасаввур қилинг, бутун республикада миллий қадриятларга ҳужум давом этаётган мураккаб бир даврда Ислом Абдуганиевич биз, тарихчиларнинг юрагига ўт солган ва ўзимиз орзу қилган эзгу ишларга даъват этган эди.

Шу билан бирга, ўша учрашувда у киши вилоятдаги тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни ҳам ҳисобга олиш лозимлигини уқтиргани бугунгилик эсимда.

Табиийки, биз бу гапдан кейин қанот чиқарип ишига киришидик. Тез фурсат ичидаги вилоят бўйича етмиши саккизта тарихий обида ва зиёратгоҳ рўйхатга олинди. Уларнинг кўпчилиги ташландиқ, ҳароб аҳволда эди. Баъзи қадамжолар текисланиб, уларнинг ўрнига экин экилган. Шаҳрисабздаги мўътабар қабристон эса бузиб ташланиб, шу жойда ресторан барпо этилган эди.

Қадимий ёдгорликлар рўйхатга олингач, уларни ўрганиши, асраб-авайлаш, таъмирлаш ишлари бошлианди. Нифақат Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус-саодат, Доруттиловат, Гумбази саййидон каби машҳур обидаларга, балки олис қишлоқлардаги ёдгорлик ва зиёратгоҳларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шулар қаторида Касбидаги Султон Мирҳайдар, Ином Муҳаммад Садрий, Китобдаги Ҳазрати Башир Ота, Муборакдаги Занжирсарой ёдгорликлари, Боги Эшон шаҳристони, Декиа сардобаси, Усмон Юсупов туманидаги Чор Гумбаз масжиди, Яккабоғдаги Қаландартепа ҳамда Амир Темур таваллуд топган қишлоқдаги Хожа Илгор Ота, Қамашидаги Лангар Ота мақбараси, Қаршидаги Ҳазрати Султон Абдулхайр масжиди ва ер ости ҳаммоми, Фузордаги Тоҳир ва Зухра мажмуаси, Қўргонтепа, Мусофир Ота қадамжолари шу тариқа обод этилди, ҳалқимизнинг маънавий мулкига, табарруқ зиёратгоҳларга айланди.

Ўшанда мен ўз шогирдларим билан Косон туманидаги Еркўргон деган жойда археологик қазув-тадқиқот ишлари олиб борганман. Бу маскандан шундай ноёб топилдижлар чиққанки, улар Еркўргон милоддан аввалги VI-V асрларда тараққий топган шаҳар бўлганини тўла тасдиқлади.

Ислом Абдуганиевичнинг ташаббуси туфайли ўнлаб нодир қўллётмалар топилди, тадқиқ этилди, тарихий ҳакиқат ўз ифодасини топган кўпдан-кўп янги китоблар яратилди. Жумладан, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир қишлоғи ҳамда аллома Ҳазрати Султон Саййид Аҳмадали ҳақидаги «Ҳазрати Башир тарихи», «Ҳазрати Султон тарихи» каби ноёб манбалар ҳам ўша жараёнда топилди ва кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Ушбу китобни кўриб, Ҳазрати Башир қишлоғида яшовчи оқсоқол Аҳмад Ҳайит ўғли ёш бола каби йиғлаганига ўзим гувоҳ бўлганман.

— Ҳазрати Баширни куни кечагача, бу одам авлиё эмас, элни йўлдан оздирган риёкор, деб маломат қилишиди, — деган эди оқсоқол. — Оллоҳ таолога минг қатла шукрки, элимизнинг, аждодларимизнинг юзи ёруғ бўлди. Шу кунларни кўриш насиб этди. Мана шундай савоб ишларнинг бошида турган Ислом аканинг умри узоқ бўлсин!..

Қашқадарёликлар Ислом Абдуганиевични ҳар доим мана шундай дуо қилиб юришади.

Фузор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Искандар Бўриев ҳикояси:

— Бизнинг хўжалик Қарши — Шаҳрисабз катта йўлиниг ёқасида жойлашган. Ислом Абдуганиевич бир гал Шаҳрисабзга ўтаётганида шу ерда тўхтаб, хўжалигимиз далаларини айланиб кўрди, қайтаётганида Тоҳир ва Зухра зиёратгоҳи у кишининг эътиборини ўзига тортди.

Қоратикан қишлоғининг жанубида, Қашқадарё соҳилида жойлашган Тоҳир ва Зухра ёдгорлиги ўша кезлар ташландиқ ва ҳароб бир аҳволда эди. Уни айланиб кўргач, Ислом Абдуганиевич ўйланиб қолди, сўнг:

— Бу жойни обод қилиш керак! — деди қатъий оҳангда.  
— Ахир бу ер — соф севги, муҳаббат ва садоқат тимсоли сифатида гоят қимматли-ку! Бу жойни, албатта, гўзал бир масканга айлантириш зарур. Ёшларимизга ибрат бўлади. Агар Европада мана шундай буюк севги ёдгорлиги

бўлса, уни кўзга тўтиё қилиб, бутун дунёдан сайёҳлар келиб зиёрат қиладиган маконга айлантириб қўяр эдилар. Нима, биз ўз аждодларимиз қалбини, уларнинг бекиёс ишқ-муҳаббат достонини келажак авлодларга мана шундай аянчли ҳолда тақдим этамизми? Раис, бу мақбаралар тарихини биладиган кишиларни топинг, ўрганинг, керак бўлса, энг кўркам меъморий мажмua учун танлов эълон қилинг!

Биз у кишининг гапларидан ҳам хижолат тортиб, ҳам руҳланиб ишга киришидик. Орадан кўп ўтмай Тоҳир ва Зуҳрага – пок муҳаббат тимсолларига ажойиб ёдгорлик ўрнатилди, атроф-тевараги ободонлаштирилиб, гулзор қилинди.

Бугунги кунда бу жой ёшлиарнинг, барча севишганларнинг севимли масканига айланган. Улар узоқ-яқиндан бу жойга атайлаб келишиб, аҳду паймон қиладилар.

Ким билсин, ўшанда вилоят раҳбаримиз бизни шу эзгу ишга даъват этмаганида бу ноёб, дунёда ўхшаши йўқ зиёратгоҳнинг тақдирни нима бўлар эди...

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ҳикояси:

— Собиқ иттифоқ, жумладан, республикамиз ҳам бошибошдоқлик домида қолган, ўзини халқнинг, миллатнинг халоскори, деб эълон қилган соҳта демократлар митинг-бозликини авжига чиқарган, турли партия ва ҳаракатларга бўлинниб олган гуруҳбозлар эса мансаб-мавқе илинжика ҳар қандай пасткашликтан қайтмайдиган даврлар эди.

Одамлар кимга, нимага ишонишни билмайди.

Мен котиб бўлиб ишлаётган Ёзувчилар уюшмаси ҳам бу вақтга келиб бузгунчи кайфиятдаги кишиларнинг таъсир доирасига тушиб қолган, айрим гуруҳларнинг норасмий «штаб»ига айланган эди. Улар «штаб»нинг кунда-кунора бўладиган мажлисларига машҳур ва обрўли одам-

ларни жалб этишига, сафни түлдиришига интиларди. Турган гапки, бундай таклифлар менга ҳам күп бора айтади, лекин ҳар сафар уни рад этдим.

Менинг бундай саркашлигим уларга ёқмай, роса қийин-қистовга олишиди. Юргани ҳам қўйишшамайди, тургани ҳам. Қилдан қийиқ ахтариб, ёмонлашгани ёмонлашган.

Кунлардан бир куни Марказқўмда бир мажлис бўлиб қолди. Ўша ернинг ўзида уюшма котиблигидан воз кечишини айтиб, ишдан бўшааш ҳақида ариза ёздим. Ўрнимдан даст туриб, ҳамманинг олдида аризамни Марказқўм раҳбарига топширдим.

Мажлисдан чиққач, самолётга ўтириб, тўғри Қаршига учдим. Мақсад — кейинги вақтларда ҳаддан зиёд таранглашиб кетган асабларга дам бериши ва отамни зиёрат қилиш эди.

Самолёт Қарши шаҳрига келиб қўнгач, мен тўғри обкомга йўл олдим. Бахтимга Ислом Каримов ўрнида экан. Хуши қабул қилди.

— Куни кеча болаларимизга атаб морожнийхона очдик. Юринг, сизга шуни кўрсатаман, баҳонада бошқа ўзгаришларни ҳам кўрасиз, — деди Ислом ака.

Мен жимгина эргашдим.

Гарчи бутун мамлакатда инжироз аломатлари ҳукм сураётган бўлса-да, Қашқадарёда аксинча — ўзгача ахволни — ҳар соҳада ўсиши, ривожланишини кузатиш мумкин эди.

Музқаймоқ еяётган болаларга қараб, бу ердаги ҳаёт билан пойтахтни ўзимча солиштирдим. Бу ерда ҳамманинг юз-кўзидаги хотиржамлик, эртанги кунга ишонч борки, бунёдкорлик ишлари авжида.

Шуларни хаёлимдан ўтказар эканман, юрагим тўлиб кетди. Беихтиёр Ислом акага бўлган воқеаларнинг барчасини айтиб бердим. У киши:

— Сиз ижодкор одамсиз, Абдуллажон! — деди вазминлик билан. — Сизни бундай хўрлаб, яккалаб ташлашларига йўл қўймаймиз.

Кабинетга қайтгач, Ислом ака тўғри Марказқўмнинг биринчи котибига қўнгироқ қилди, менинг Қаршига келга-

нимни айтди. «Ҳамма гапдан хабарим бор. Бўлар иш бўлибди. Абдуллахонга энди муносиб иши топиб берсак, бас. Шоир эмин-эркин ижод билан шуғуллансан. Қолаверса, ижодкорнинг шогирд-улфатлари кўп бўлишини ҳисобга олиб, ўзига мос вазифа берсак», деди.

Вилоят раҳбари ҳеч тап тортмай мени дадил ҳимоя қилди, буни кўриб, тўғриси, у кишининг жасоратига қойил қолдим.

Эртаси куни уйга – отамнинг маслаҳатига бордим.

– Шу раҳбаримиз жуда олийҳиммат, тилла одам, у кишининг айтганидан қолма, – деди отам.

Кечки пайт телефон қўнзишорги жиринглади, олсам, Ислом Абдулганиевич.

– Абдуллахон, ўзингизмисиз?

– Ўзимман, Ислом ака, – дедим кўнглим ёришиб.

– Энди гап бундай, – деди у киши. – Тошкентга боргач, тўғри «биринчи»нинг қабулига киринг. Ўзингизга муносиб бир иши топдик. Борганда биласиз. Бу ёқларга тез-тез келиб туринг, кўп узоқлаб кетманг.

Дарҳақиқат, Марказқўмнинг биринчи котиби мени навбатсиз қабул қилди, маஸул ходимлардан бирини чақириб:

– Ҳозир бу кишини янги иши жойига олиб бориб, танишитириб келинг, – деди.

Шу тариқа Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигидаги раҳбарлик фаолиятим бошланди.

Бу – катта бир вилоят аҳлиниң, кейинчалик она Ўзбекистонимизнинг најоткори сифатида майдонга чиқкан Ислом Абдулганиевичнинг кўплар қатори менга ҳам қилган яхшиликларидан фақат биттаси эди.

Ёзувчи Шодиқул Ҳамроев ҳикояси:

– Ўша, саксонинча йилларда пахтасилик соҳасидаги ҳавоий «ташаббус»лар, асоссиз режалар туфайли бўёзигача қарзга ботган хўжаликлар орасида Қарши туманидаги Карл Маркс номли совхоз ҳам бор эди. 1986 йилга келиб, хўжаликнинг давлатдан қарзи 2 миллион сўмдан ошиб кетган эди.

1987 йилнинг бошларида эса бутун вилоятда бўлганидек, совхоз ҳаётидаги ҳам жиддий ўзгаришлар кўзга ташланди. Ҳар бир қарис ердан унумли фойдаланиши, илзор усулларни ҳаётга тадбиқ этиши, оқилона иши юритиш одат тусига кира бошлади.

1988 йили совхоз пахта тайёрлаш режасини ошириб адo этди. Давлатга кўзда тутилганига нисбатан 700 тонна кўп пахта топширди.

Чорвачилик узоқ йиллардан буён хўжаликка зиён етказиб келарди. Бу оқсоқ соҳа ҳам оёқса қўйилди. Факат молларнинг зотини яхшилаш билан чекланиб қолмай, сифатли ем-хашак жамғариш, чорвани яхши парвариши қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас, албатта.

Энг аввало, инсонга муносабат ўзгарди. Меҳнаткашларнинг турмуши шароитини яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, моддий ва маънавий раҳбатлантириши нировард натижада ўз самарасини берди. Хўжалик режадан ташқари тонналаб чорва маҳсулотлари етишириб чиқара бошлади.

Бундан келаётган даромадлар эса яна ишчи-хизматчилар манфаатларига йўналтирилди, хўжалик ўз ҳисобидан ёш оиласлар учун қулай турар-жой массиви, машший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этди. Кичик бўлсада, лимонарий қуриб, ишга туширилди.

1989 йилнинг январида хўжалик ҳосил байрами ўтказди. Совхознинг шинам стадионини тўлдириб ўтирган ҳамюртлар билан суҳбатлашиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, хўжалик ҳисоби ҳар бир кишини – oddий ишчини ҳам, масъул раҳбарни ҳам қайта тарбияламоқда, хўжалик мулкига ўз шахсий мулкидек муносабатда бўлишига ўргатмоқда. Ерга, мулкка, энг аввало ўз ишиннга сидқидидан ёндашсанг, ҳар бир лаҳзадан оқилона фойдаланссанг, турмушини ўнглаш, яхши томонга ўзгартирishi мумкин экан, буни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда...

Менинг бу кузатишларим 1989 йилнинг январида рес-

публика ёшлар газетасида босилган эди. Орадан унча күп бақт үтмай Құбасойда үт чиқди ва бутун водий аланга ицида қолди...

Энді сиз тасаввур этинг: мана шундай мұраккаб бир вазиятда, бутун мамлакат инқирозға юз тутган даврда Қашқадарे вилоятининг хұжалик ҳаётида, одамлар онғыда амалға оширилган үзгаришлар мөхият зәтибори билан жиддий үйлаб күришга муносиб ишлар әмасми?

Едімда, 1987 йили Шахрисабздаги Оқсаройни таъмирлаш учун 408 минг сүм маблағ ажратылды. Вилоят махсус таъмирлаш устахонаси ходимлари ўша йилнинг май ойигача астыойдил ишлади. Гарбий минора тенасига бир қатор тишилдерди. Аммо республика «Меъмор» ишлаб чиқарыш бирлашмаси раҳбарияти уларни техника хавфсизлигига риоя этмасликда айблаб, таъмирлаш ишларини тұхтатыб қўйди.

Бирлашма таъмирчиларга ҳеч қандай амалий ёрдам бермади. Лойиҳалаш илмий текшириш институты эса лойиҳа тайёрлаб беришдан бош тортди.

Гарчи шундай бўлса-да, Дорут-тиловат, Коба мадрасаси, XVI асрда барпо этилган ҳаммолни таъмирлашга киришилдики, бу ўша шароитда муҳим қадамлар эди.

Шу тобда яна бир воқеа хаёлимдан ўтади. Адашмасам, саксонинчи йилларнинг охирлари эди. Оқсарой олдида муҳташам янги боз барпо этилди. Шаҳар ижроқўми ишчилишида кимдир ўрнидан туриб, шу хиёбонни Амир Темур номи билан атасак, деб таклиф киритди. Залга шундай бесаранжом жимлик чўқдики, бу – қатагондан сўнгги сукунни ёдга соларди.

Кутимаганда вилоят раҳбари Ислом Каримов ўрнидан туриб:

— Тиззангиз қалтираб бўлса-да, ҳақ гапни айтдингиз, — деди. — Мен бу таклифни астыойдил қўллаб-қувватлайман!

Шундан сўнг қарсаклар, шодиёна олқишилар янгради.

Бундан қарийб ўн беш йил мұқаддам Қашқадарे заминида амалға оширилған, Ислом Каримовнинг номи билан чамбарчас бөглиқ бўлған бу ишлар бугун тарихимизнинг унтилмас саҳифаларини ташкил этади. Биз ушбу саҳифаларни варақлаган сари бу кунларга осонликча етиб келмаганимизни, озодлигимиз, истикъолимиз қандай матонатли, тенгсиз курашлар билан қўлга киритилганини чуқурроқ англаймиз.

**Журналист Сирожиддин Раупов ҳикояси:**

— Саксонинчи йилларнинг охирлари эди. Ўшанда биз ҳали талаба эдик. Собиқ имтифоқнинг барча ҳудудларида гоҳ ошкор, гоҳ яширин тус олаётган нотинчлик ва галаёнлар аста-секин Тошкентга ҳам етиб келди.

Ҳаётнинг суронли синовларига илк бор дүй келган, ҳали онги ва дунёқараши шаклланмаган талаба ёшлиар, минг афсуски, қалтис бир даврда ўз ҳолига ташлаб қўйилған эди. Ҳар хил норасмий ҳаракат ва партиялар ўз манфатлари йўлида уларни сиёсий «ўйин»лар гирдобига торта бошлади.

Мана шундай мураккаб вазиятда Қашқадаре вилоят раҳбари Ислом Каримовнинг сабий-ҳаракати билан ёшлиар ҳаётидаги рўй бериши мумкин бўлған адашишларнинг олдини олиш мақсадида катта бир амалий қадам ташланди.

1988 йилнинг апрелида Тошкент Давлат университетининг маданият саройида қашқадарёлик талаба ва домлалар билан вилоят раҳбарининг учрашуви бўлади, деган хабар тарқалди. Республикада авж олган бошбошдоқлик таъсиррида ҳаётдаги етишимовчиликлардан норози бўлиб юрган ёшлиар белгиланган куни вилоят раҳбари билан учрашувга тўпланишиди. Уларнинг аксарияти бундай учрашувдан бирон-бир ижобий натижка чиқишига деярли ишонмас эди. Чунки республиканинг амалдаги раҳбарияти ёшлиарнинг ҳақли талабларига мутлақо эътибор қаратмаётган эди. Шу боис кўпчилик: «Қани, вилоят раҳбари бизга нима дер экан? У ҳам бошқа раҳбарлардек қуруқ

ваъда бериб кетадиган бўлса, бунинг бизга ҳеч кераги йўқ», деган кайфиятда эди.

Учрашув ҳеч куттилмагандага жуда самимий бир руҳда бошлианди ва охирига қадар шундай кайфиятда ўтди.

Ислом Каримов асосий эътиборни талабаларнинг кўнглини кўтариши, уларнинг яшаши ва ўқиши шароитларини ўрганишига қаратди.

У киши ёшлиарни юрагига яқин олиб, улар билан очиқ ва узоқ суҳбатлашиди. Вилоят раҳбари талабалар кўнглидаги гапларни, уларни қийнаётган муаммоларни дикқат билан эшилди. Сўнг уларни ҳал этиши ҳақида гапирди. Ислом Каримовнинг ўшандаги бир гапи, яъни ҳозирги қишинчиликлар ўз йўли билан, уларни албатта биргаликда ҳал қиласиз, лекин сизларнинг асосий вазифангиз — ўз соҳангиз бўйича етук мутахассислар бўлиб этишиши эканини асло эсингиздан чиқарманг, деган даъвати менинг хотирамга муҳрланиб қолган.

— Барчангиз яхши биласизки, вилоятдаги аҳвол ҳавас қиласидиган даражада эмас. Лекин биз турмушни яхшилаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиласиз. Чунки ўзимиз ҳаракат қиласак, ҳеч ким четдан келиб бизга шарт-шароит яратиб бермайди. Шундай экан, биринчи наъбатда аҳолини газ, тоза ичимлик суби билан таъминлашимиз даркор. Бу борада кўпдан-кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда, — деган эди у киши сўзини давом эттириб.

— Насиб этса, сизлар ўқишини тугатиб боргач, мана шу ишларни биргаликда давом эттирамиз. Ота-онангизнинг сиздек ўзил-қизларидан орзу-умиди катта. Бизнинг бирдан-бир истагимиз — сизларнинг баҳтингизни кўришдан иборат. Буни ҳеч қачон унутманг.

Ўшанда ҳаяжонли бу учрашув, раҳбарнинг талабаларга оталарча самимий муносабати эртаси куниёқ бутун пойтахтга обоза бўлган эди.

## **ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ДАВРИ**

Қарши чўлларида 1989 йилнинг кутлуғ нафаси кеза бошлади. Дехқон шўр ювиш билан банд. Яккабоғ ва Чироқчи томонларда кўпкарили тўйлар, маърака-мавридлар бошланган, Сурхон ва Самарқанд тарафлардан тўй-тўйлаб келаётган чавандозларнинг охири кўринмас эди.

Тўйларда кўпкари қизир, «фалончининг тўйида бахшилар тонггача достон айтибди», «курашда писмадончи полвоннинг кураги ерга тегмапти», деган овозалар эл ичра ёйилар эди. Одамлар алланечук енгил тортган.

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг ўша машъум XVI пленумидан сўнг халқ бошида тегирмон тошидек айланган қирғин-қатағон, юракни вайрон этувчи кулфат ва мусибатлар унугилган эди гўё, қора булуллар тумандек тарқаб, қуёш чараклаб чиққани каби, одамлар орасида хуш кайфият ҳукмрон эди. Яқин йиллар ичидаги бундай кўнгил хотиржамлик бўлмаган. Умуман, шу йили одамлар турмушида ҳам кескин ўзгариш сезилган эди.

Элнинг нияти холис, раҳбар одил ва олийҳиммат бўлса, табиат ҳам сахийлик билан ўз сепини ёяр экан. Биз 1989 йилнинг авжи баҳорида айнан шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлганмиз. Қамаши, Чироқчи, Фузор кенгликларида, Чиял қир-адирларида буғдойзор бамисоли дengиздек чайқалиб туради, пайкалларда бир текис униб чиққан ғўза ниҳоллари гулга кириб, кишининг бир қувончига минг қувонч қўшар эди.

Мана шундай фараҳбахш кунларнинг бирида, 1989 йилнинг 28 апрелида вилоят партия қўмитасининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Бу йифин ўзининг маз-

мун-моҳияти билан тамомила бошқача руҳда ўтди. Вилоят раҳбари унда давр учун мутлақо янги ғояларни илгари сурди.

Шундан келиб чиқиб, пленум қарор қабул қилди. Унга кўра, пахтани тайёрлаш билан бирга, уни сақлаш ҳам колхоз ва совхозлар зиммасига юкланди, бу – мулк эгасига билдирилган чинакам ишонч, қолаверса, манфаатдорлик ва эгалик ҳиссини шакллантиришнинг таъсирчан омили эди.

Ҳаётнинг ўзи «Пахтасаноат» бирлашмаси, пахта тозалаш заводларидан замонга мос равишда иш юритишни, ўз ускуна ва технологияларини такомиллаштириб, хомашёни сифатли қайта ишлашни талаб этмоқда эди.

Шунингдек, мажлисда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз режаларини олдиндан ишлаб чиқиши, яъни қандай маҳсулот етиштиради ва унинг қанчасини сотади, қанчасини эса бошқа эҳтиёжларга ишлатади – мана шуларнинг барчасини ўзи мустақил ҳал этиши мақсадга мувофик, деб топилди.

Ислом Абдуғаниевич янги йилдан бошлаб полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини ижарага бериш таклифини илгари сурди. Шу билан бирга, қоракўлчилик ва бўрдоқичиликни, оқсаётган фермаларни ва фойдаланилмай келинаётган ерларни ижарага бериш масаласи ҳам кун тартибига кўйилди.

Бу йиғилишда вилоят раҳбари хўжалик юритиш ва иқтисодиётни янги босқичга кўтаришнинг замонавий концепциясини илгари сурган эди.

Таклиф тариқасида, шунингдек, бошқарувнинг тўлиқ цех тизимиға ўтиш, совхозларнинг бўлимлари, колхозларнинг бригада ҳисобчиларини тугатиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Биргина мана шу ислоҳотнинг ўзи хўжаликларга бир неча миллион сўмлик фойда келтириши аниқ мисоллар билан тушунириб берилди...

Ўша йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг колхоз ва совхозлари ҳам ҳисоб-китобнинг чек шаклига тўлиқ ўтди.

Ўткир ижтимоий муаммоларни амалий тарзда ҳал этиш учун шартли равишида «Эллик» деб номланган дастур ишлаб чиқилди. Унда беш йил мобайнида овлоқ жойлардаги элликта қишлоқни замонавий талаб даражасида қайтадан қуриш ва ободонлаштириш кўзда тутилган эди.

— **Кишлоқ меҳнаткашлари яхши яшамасдан туриб, жамиятнинг умумий фаровонлигига эришиб бўлмайди,** — деди Ислом Каримов. — Катта-кичик ҳар бир раҳбар қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиши керак. Ёдингизда бўлсин — бу яхшилик уч ҳисса кўпа-йиб, албатта, сизларнинг ўзингизга қайтади.

Вилоят ҳаётида рўй берадиган шиддатли ижобий ўзгаришлар ўз вақтида Марказдан келган ва «бу ерда тартиб ўрнатамиз» деган «десантчи» тўданинг ҳафсаласини пир қилди. Энди улар ўзларини қўярга жой топа олмай қолишиди. Биринчи бўлиб «десантчи»лар етакчиси — вилоят ижроия қўмитаси раиси А. Кадин кўч-кўронини йиғишириб, Москвага йўл олди. Унинг изидан В. Лозицкий, Н. Видешин каби «арбоб»лар ҳам келган жойига қараб жўнаб қолди. Қушлар учиб келиб-кетади, дараҳт ўз жойида қолади, деган ҳикмат тўғри бўлиб чиқди.

Қашқадарёда яратувчилик, бунёдкорлик руҳи қатъий тус олган эди. Вилоят ҳар томонлама равнақ топа бошлаган, энг муҳими, одамлар ўз раҳбарига, эртанги кунга комил ишонч билан қараб, астойдил меҳнат қилаётган эди. Ана шундай кунларнинг бирида Ислом Абдуғаниевични собиқ иттифоқ раҳбарияти Марказга таклиф қилиб қолди...

Албатта, ўша кезларда Қашқадарё вилоятида ҳукм сурган иқлим республикадаги бекарор вазиятдан мутлақо фарқ қиласарди.

Гарчи бу ҳақда кўп ёзилган бўлса-да, ана шу таҳликали воқеаларни яна бир бор эслаб ўтиш барчамиз, айниқса, у кунларни кўрмаган ёшларимиз учун фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

1989 йил 20 май куни Фарғона вилоятида, Қувасойда низо чиққан, у ўз вақтида бартараф этилмагани боис, бутун водийга ёйила бошлаган эди. Бу воқеаларни уюштирган қора кучлар эса уларга сиёсий тус бериб, Фарғонада ҳокимиятни ағдариб ташлашга қаратилган ҳаракат бўлди, деб вазиятни янада чигаллаштиришга уринди.

Оқибатда иттифоқ Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари томонидан Фарғонага ҳаво десанти ташланди.

Шўро матбуоти саҳифаларини «миллатчилар», «қора дори истеъмол қилган гиёхвандлар», «социалистик қонунчилик ва совет халқларининг қардошлиқ анъаналарини поймол этган газандалар» деган таъна-маломат ва сиёсий ёрлиқлар босиб кетди, яна халқ шаънига номуносиб таҳқирлар, таъна ва маломатлар ёғила бошлади, қўшни республикалардан қарийб икки юз нафар терговчилар гурӯҳи водийга жалб этилди.

Бир сўз билан айтганда, заҳматкаш ўзбек халқига нисбатан иттифоқ миқёсида яна тазийқ ва таъқиблар бошланди, халқнинг ғурури яна ерга урилди. Бундай ноҳақлик мавжуд тузумга нисбатан одамларнинг нафратини оширди, норозилик янада кучайиб кетди.

Қувасойдан бошланган, Фарғона, Марғилон, Кўқон, Тошлоқ ва Яйпан сингари шаҳар ва қишлоқларга ёйилган нотинчлик, гарчи орадан бир ой ўтса-да, босилмади. Ўт ичидан қолган водий ҳамон тутаб ётар эди.

Республика Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби Р.Нишонов бу қонли фожиани «бир ли-кобча қулупнай можароси» деб изоҳлаб, бутун дунёга кулги ва шарманда бўлган, шу билан бирга, ўзи Москвадан бери келмас, афтидан, одамларни тинчлантира олишига ишонмас, очиғи, халқ билан юзмай юз бўлишга юраги бетламас эди.

Хўш, мана шундай ўта оғир, алангали бир вазиятда ким республикада тартиб ўрнатиши, аниқ қилиб айтганда, давр талаб этаётган вазифани бажариши – халқни ўз ортидан эргаштира олиши мумкин?

Ислом Каримов...

«Бу шахс аппаратчига нисбатан кўпроқ курашчига ўхшайди, – деб ёзган эди «Литературная газета» 1991 йилнинг 14 августида. – У жуда қалтис пайтда ҳокимият тепасига келди. Фарғонада одамлар бир-бирини ўлдираётган, уйларни ёқиб юборишаётган эди. Фазабга мингандин инсонларни қасос деб бир-бирининг қонини тўкишдан, афсуски, ҳеч ким қайтара олмади. Колаверса, содир этилаётган қонли тўқнашувлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида аниқ маълумотнинг ўзи йўқ, бундай низоларни бартараф этиш бўйича тажриба ҳам йўқ эди.

Куни кеча сайланган янги раҳбарни эса халқ ҳали яқиндан билмасди. Шундай бўлишига қарамасдан эртаси куни у ўша ёқقا, Фарғонага отланди. Аэропортда кутиб олган соқчилар бўлинмасини: «Қирғин бўлаётган жойга боринглар, одамларни вазминликка даъват этинглар!» – деб жўнатиб юборди.

Вилоят партия қўмитаси биноси олдида турган бронетранспортёrlарни ҳам ёнгин ичидаги қолган ҳудудларга сафарбар қилди. Ўзи эса қўлига тутқазилган маълумотларга қаноат қilmай, тўппа-тўғри ўша – нотинчлик содир этилаётган жойларга, фазабга мингандин оломоннинг ичига кириб борди...

Водий аҳли янги раҳбарга тан берди, у жасур одам экан, деди. Ва бу гап бутун Ўзбекистонга ёйилди...

Бугун республикада Ислом Каримов шахсига бефарқ қарайдиган инсон йўқ. Одамлар ўз орзу-ҳавасларини унинг номи билан боғлашмоқда. Бошимиздан ўтказган барча азоб-укубатлар ҳаққи уни бизга Яратганинг ўзи етказди, дейишишмоқда...»

Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон раҳбари этиб

сайланганида қашқадарёликлар ҳам севинишиди, ҳам ачинишди. Чунки уларнинг барчаси бу инсонни ўзларига тоғдек таянч дёб билар, ўз акаси ёки укасидек яхши кўрар эди. Шу боис Ислом Каримов Қашқадарё заминида тер тўкиб, ҳам ўзининг, ҳам вилоятнинг обрўйини кўтариб, сўнг республикага муносиб раҳбар бўлгани уларнинг ҳар бирига чексиз фурур ва ифтихор бахш этарди.

Чунки яқиндагина қишлоқ хўжалиги, бутун иқтисодиёти инқирозга юз тутган, қанчадан-қанча фидойи фарзандлари қамалиб, оёқости қилинган бу вилоят айнан шу зотнинг шарофати билан қаддини тиклаб олди. Мана шу эзгу ишларга бош бўлган Йўлбошчнинг ўзи эса янада юксак ва олий мартабага кўтарилди. Бу – дунёда адолат борлигидан, унинг қонуниятлари устувор эканидан далолат эди.

Ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуғаниевич сиймосида одамийлик, меҳр-оқибат, ғайрат-шижоат ва қатъият, адолатпарварлик ва ватанпарварлик каби юксак инсоний фазилатлар дунёдаги жамики бойликлардан афзал эканини курсатди.

Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалол ва жонкуяр, ҳақгўй ва ташаббускор, эл-юрт ишига фидойи бўлса, ҳеч қачон кам бўлмаслиги Ислом Каримов тақдири мисолида ўз тасдигини топди.

Уни яқиндан биладиган кишилардан бири: «Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёга битта костюмда келиб, битта костюмда кетди», деган эди. Албатта, бу гап бежиз айтилган эмас. Одамлар камдан-кам раҳбарга шундай баҳо беришини яхши биламиз. Бу фикр Ислом Каримовнинг камтар, ҳалол ва покиза инсон эканига ишора бўлиб, унинг бу фазилати одамлар томонидан юксак қадрланганини ўзида намоён этади.

Шу маънода, Ислом Каримовнинг Қашқадарёдаги фидокорона меҳнати, серқирра фаолиятига берилган мукофот – халқнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва юксак ишончидир, десак, асло хато бўлмайди.

Китоб туманидаги «Китоб» ширкат хўжалиги раиси, «Эл-юрг ҳурмати» ордени соҳиби Зариф Бурҳонов ҳикояси:

— Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиши, самогон тайёрлаши тугатиш ҳаракати бошланди. Бориб-бориб, бу — боғдорчиликка қарши курашига айланаб кетди.

Бизнинг хўжалик совхоз-завод ҳисобланиб, асосан боғдорчиликка ихтисослашган эди. Ўзимиз этишитирган узумнинг бир қисмини қайта ишлаб, вино тайёрлардик.

Боғларни бузиш, токзорларни илдизи билан қўпориб ташлаш ҳақида кўрсатма бўлди. Лекин шундай қилишга ҳеч қўлимиш бормади.

Ахийри, мени хўжалик раҳбари сифатида ишга совукқонлик билан қараганликда айблаб, масалам вилоят партия комиссиясида кўриб чиқилди, узумзорлар бузиб ташланмагани, вино ишлаб чиқарилгани учун партиявий жазо берилди.

Шундан кейин яна биз одатдагидек ишлайвердик. Узумзорларга қўл текизмадик. Боғбон қандай қилиб ўз бозини бузиши мумкин, ахир?

1987 йил нафақат чўл зонасида, балки тоғли ҳудудларда ҳам боғдорчилик учун қулай келди. Фақат кузнинг ярмига бориб, галвир сувдан кўтарилаётган пайтда, очиши, ўйланиб қолдик.

Яна айбдор бўлиб қолмаймизми?

Бу савол бизни бежиз қийнамаётган эди. Мазкур соҳага ҳамон ўгай кўз билан қараларди.

Ҳеч кутимагандаги вилоятнинг янги раҳбари Ислом Каримов бир мажлисда «Боғдорчилик нега оқсаётти?» деган масалани кўтариб қолди.

Кузнинг охирида вилоят миёсидаги ишчилиш бўлди. Кун тартибига қатор масалалар қўйилган бўлишига қарамасдан, Ислом Абдуғаниевич гапни боғдорчилик муаммоларидан бошлади. Ва масъул шахсларни саволга тутди:

— Хўш, вилоят бўйича узум ҳосилдорлиги атиги 30 центнерга тушиб кетганини қандай баҳолаш мумкин? Умуман, боғдорчиллик борасида йўл қўйилаётган хўжасизликка қачон барҳам берилади?

У киши ўртага ташлаган бу саволлар биз, боғбонларни анчадан буён ташвишлантириб келаётган эди. Лекин юрак ёришга чўчийсан киши. Ахийри, ўрнимдан туриб:

— Мана, энди ишилаймиз, Ислом Абдуғаниевич, — дедим. — Чунки шу пайтгача бизни сўрайдиган одам бўлмади, мана шу эътиборсизлик туфайли боғдорчиллик ўз ҳолига ташлаб қўйилди, токзорлар турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилинмади, агротехникага риоя этилмади, оқибатда ҳосилдорлик кескин камайиб кетди...

Ислом Абдуғаниевич бошқалар билдирган фикрларни ҳам дикжат билан эшилди, сўнг ўз хуносаларини айтуб, бундай деди:

— Бизнинг вазифамиз — аҳолини ийл бўйи турли туман сифатли ноз-небъматлар билан таъминлашдан иборат. Бунинг учун эса соҳа мутахассислари келгуси ийл ҳосили учун бугундан бошлиб жиддий тайёргарлик кўриши даркор. Раҳбарият томонидан бирон-бир амалий ёрдам керак бўлса, биз доимо тайёрмиз.

Бу гаплардан руҳим жуда кўтарилиб кетди. Эртаси куни хўжалик боғбонларини ишиб, вилоят раҳбарининг айтган фикрларини уларга етказдим, зинмамизга катта масбулият юкланганини айтдим.

Одамлар хурсанд бўлди. Чунки иттифоқ раҳбариятининг боғдорчилликка, хусусан, узумчиликка бўлган нотўғри муносабати, кўп жойларда боғлар чопиб ташлангани уларнинг шаштини синдирган, умуман, бу соҳанинг келажаги хавф остида қолган эди.

Вилоят раҳбарининг разбатидан сўнг Марказнинг сиёсатига парво қилмай, астойдил ишига киришдик. Натижада 1988 иши вилоятда узум ҳосили уч баробар ошиди — жами 56 минг тонна узум, 180 минг тонна сабзавот олин-

ди. Қашқадарё бу соҳалар бўйича республикада учинчи ўринга кўтарилиди. Одамларнинг ишга бўлган муносабати кескин ўзгарди...

Ўша кезлари Ислом Абдуганиевич Китоб ёки Шахрисабз томонга келиб қолса, албатта боғ-роғларни кўздан кечиради. Бир сафар у киши: «Сизлар боғбонсизлар, қачон токка ишлов бериш, қачон дорилаш, қайси маҳал хомток қилишини биласизлар. Агар биз Китоб туманида олимлар билан боғбонлар мулоқотини уюштирасак, ҳар икки томон учун фойдали бўлмасмикан?» дегани ёдимда.

У чинакам боғбончиллик мактаби, унинг тажрибалари рўёбга чиқиши, оммалашиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаган эди ўшанда. Биз энг сара навларни туманларимизнинг турлича тупроқ ва иқлим шароитларига мослаштиришимиз даркор, дегани ҳам ёдимда.

1991 йили Москвага, ҳалқ депутатлари съездига бораётган эдик, Ислом Абдуганиевич мени чақириб, «Қашқадарёда биз эккан дарахтлар омонми?» — деб ҳазиллашибди, сўнг вилоятдаги боғ-роғлар, боғбонлар ва ободончиллик ишлари ҳақида сўраб-суриштирди. Шунда мен ўз вақтида у кишининг ташаббуси билан бошланган ишлар бугун қандай давом эттирилаётгани, яратилишида ўзи бошқош бўлган, эндиликда ҳосилга кирган боғларнинг самараси ҳақида гапириб, кўп хайрли ишлар қилган эдингиз, дедим.

— Хонободдаги, Қамаши — Чим йўлининг икки тарафидаги дарахтлар қандай ўсяпти? — деб сўради Ислом Абдуганиевич.

— Яқинда водийликлар келиб, ўзингиз бошлаган мана шу ишларни кўриб, рости, ҳайрон қолишибди, — дедим.

Ислом Абдуганиевич бу гапларни эшишиб мамнун бўлди.

У киши вилоят раҳбари бўлган даврда қаерга бормасин, ободончилликка, хусусан, дов-дарахт, боғ-роққа алоҳида эътибор берарди. Мингчинор ва Мироқига, бошқа тоғли ҳудудларга йўллари тушганида, нинабаргли дарахтларни кўпайтиши лозимлигини қайта-қайта тайинлар эди.

Ислом аканинг жонкуярлиги туфайли вилоят ҳудуди-

даги йўлларнинг икки тарафи дарахтзор қилинди, боз-рөзлар яратилди, кўчалар обод этилди.

Ҳар иши кўкламда оммавий равишда дарахт экиш хайрли анъанага айланди. Шундай пайтларда у киши, нафакат баҳорда, балки кузда ҳам дов-дарахт экиш керак, деб таъкидларди. Нихоллар бехато кўкарсинг, ҳар бир экилган кўчатнинг ўсиши ҳамиша назорат қилинсин, дерди. Боз-рөзларни узлуксиз парвариш қилишга ундарди.

Бугун Қашқадарё заминининг ҳар бир қаричида барқ уриб турган дарахтлар, бозлар ўн икки-ўн уч ишларни ўзгаришлардан, юрт ободлиги йўлидаги фидойиликдан гувоҳлик берив турибди.

«Нуроний» жамғармаси Қарши шаҳар бўлнимининг раиси Эркин Жалолов ҳикояси:

— Ислом Каримов республика Молия вазирлигига раҳбарлик қилган даврда мен вилоят молия бошқармасининг бошлиги эдим. У киши биздан доимо астойдил меҳнат қилишини, бошлаган иши мизни охирига етказишни, ўзимизга нисбатан талабчан бўлишини, ҳар бир масалани ўз кучимиз билан ҳал этишини ва энг муҳими, ҳамиша вижданан ҳалол ишилашини талаб этарди.

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёга кўп келган, бир сафар — хотин-қизлар байрами арафаси эди — у киши Тошкентга қайтаётганида:

— Ислом Абдуғаниевич, — дедим мен. — Эртага байрам. Сиз совға-салом харид қилишга ҳам улгурмадингиз. Айбга қўшимайсиз, фарзандларингизга арзимас совға олган эдик.

Ислом Абдуғаниевичнинг қовоғи солинди.

— Эркин ака, — деди у киши хафа бўлганини яширмай. — Иккинчи маротаба бундай гапларни эшиштмайин, тушиундингизми?

Ўшанда жуда ноқулай аҳволда қолганман.

Мен нима учун бу гапларни айтяпман?

Ҳамма жойда ҳам биринчи раҳбарнинг иш тутуми, шахсий ибрати умумий иклимини белгилайди.

Вилоятга у киши раҳбар бўлгач, муносабатлар ижобий томонга тубдан ўзгарди. Ислом Абдуғаниевичдаги соғдиллик, ҳалоллик ва талабчанлик иши миздаги асосий мезонга айланди.

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёда икки ярим йил астайдил меҳнат қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари сифатида Тошкентга йўл олганида ўзи билан олиб кетган бор «кўч-кўрон»и «Волга»нинг орқа юқхонасига жой бўлган, у ҳам бўлса, кийим-кечак ва китоблар эди, холос.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоири*

## **ФАХР**

*Ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилояти  
Кенгаши сессиясида ўқилган шеър*

Кимдир мақтанади санъати билан,  
Бирор илму фанга рағбати билан.  
Кимдир шеъри билан мақтанса, кимдир  
Мақтанар мол-дунё, давлати билан.

Кимдир ўрмонларин қўкка кўтарса,  
Кимдир гердаяди шоҳмоти билан.  
Уларнинг бари-ку инсонга хосдир,  
Бирма-бир келгайдир навбати билан.

Тошкентда ҳайкал бор бир оиласа,  
Шон топмиш етимга шафқати билан.  
Аҳли Кеш мақтанса арзийди – Темур  
Жаҳонни забт этди сарвати билан.

Ўзбекнинг бошидан зар сочсин дунё –  
Топди у ризқини заҳмати билан.  
Унинг асосидир – буюк боболар  
Бизга ибрат бўлди меҳнати билан.

Биздек ноchorлар-ку ерга қараймиз,  
Кимдир осмон бўлди савлати билан.  
Қашқадарё ҳалқи фахр этар доим  
Исломи яратган шавкати билан.

## **ФИДОЙИ**

Сочилиб ётади олтин ва гавҳар  
Тоғларнинг қаърида ё қумлоқ сойда.  
Кимдир заҳмат чекиб йиғмаса агар,  
У пинҳон бойлиқдан, айтинг, не фойда.

Бедов от кезади чўлларда яйдоқ,  
Фалакка ётгудек шаҳди, шиддати.  
Ёвқур бир чавандоз бўлмаса бироқ,  
Айтинг, чиқармиди донғи, шуҳрати.

Асрий жумбоқни ҳам бир фозил ечгай,  
Дарғасиз кеманинг сузмоғи гумон.  
Кимдир ҳаловату уйқудан кечгай,  
Шундан Ватани тинч, ҳалқи ҳам омон.

Фидойи Инсонлар – балки раҳнамо,  
Балки оддий зотдир – ҳар қайда бордир.  
Улар унугтайлар ўзин доимо,  
Чунки қўлловчиси Парвардигордир.

Бор бўл, эзгуликка баҳшида ҳаёт,  
Заҳматинг туфайли етдинг ниятга.  
Шоҳмисан, фуқаро – энди умрбод  
Дахлдор бўлдинг сен абадиятга.

## **ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ**

1989 йилнинг 27 июлида Қашқадарё вилоятига янги биринчи котиб тайинланади.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов эса мажлис ҳайъатида ўтирас эди.

Ўшанда у кишининг хаёлидан қандай ўй-фикрлар ўтган экан?

Бу саволга Ислом Каримовнинг ўзи айтган қуидаги сўзлар жавоб бўла олади:

**«Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон хайрли иш қиладими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бајаришга сафарбар эта оладими? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши, ўзига ўзи савол бериши керак.**

**Халқимизда «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ» деган гап бор. Кимдан боғ қоляпти, яхши ном, яхши хотира қоляпти, кимдан доғ, иснод қоляпти – буни одамларнинг ўзи ажратиб олади».**

Ислом Каримов бу борада Қашқадарёдаги фаолияти биланоқ барчага ўрнак бўлган эди. Унинг Қашқа воҳасида амалга оширган эзгу ишларини рамзий маънода кўркам бир боқقا қиёслаш мумкин. Бу сўлим боғ, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг мангу яшил боғлари сингари абадий яшайди ва бебаҳо неъматлари билан элимизни тоабад баҳраманд этади...

Халқимизнинг асрий армонлари рўёбга чиққан,

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

**Ислом Каримов.** "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида". Т., "Ўзбекистон", 1995 йил.

**Ислом Каримов.** "Соҳибқирон камолга етган юрт". Шахрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. "Манавий юксалиш йўлида". Т., "Ўзбекистон", 1998 йил.

**Ислом Каримов.** "Ватан озодлиги, ҳалқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, ҳар бир оила фаровонлиги – мен учун олий саодат". Қашқадарё вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. "Халқ ишончи – олий масъулият". Т., "Ўзбекистон", 2000 йил.

**Ислом Каримов.** "Мамлакатимиз иқтисодиётининг фахри". Шўртнгаз-кимё мажмуи очилишига бағишлиланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. "Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил 21 декабрь.

**Ислом Каримов.** "Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари". Шахрисабзнинг 2700 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. "Туркистон" газетаси, 2002 йил 2 ноябрь.

Ўзбекистон Президенти Давлат архивининг Қашқадарё вилояти филиали хужжатлари: 1-жилд, 28-рўйхат, 2-, 7-, 9-ишлар; 1-жилд, 32-рўйхат, 2-, 4-ишлар; 1-жилд, 36-рўйхат, 2-, 8-, 25-, 32-, 41-, 187-ишлар; 1-жилд, 39-рўйхат, 6-иш; 1-жилд, 42-рўйхат, 2-, 6-, 11-, 16-, 19-, 26-ишлар.

"Қашқадарё ҳақиқати", "Кашкадарьинская правда" газеталари, 1986–89 йиллар.

**Владимир Соколов.** "Одамлар бир-бирларини ўлдирмасинлар". "Литературная газета", 1991 йил 14 август.

**Леонид Левитин** (Дональд С.Карлайл билан ҳамкорликда). "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти". Т., "Ўзбекистон", 1996 йил.

**Леонид Левитин.** "Ўзбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента Ислама Каримова". Москва, "Вагриус", 2001 г.

**Александр Яковлев.** "Қайтадан кашф этилган мамлакат". "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида". Т., "Ўзбекистон", 2001 йил.

**МөҳманFaффарли, Алан Касаев.** "Ривожланаётган ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси". Т., "Ўзбекистон", 2001 йил.

"Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида". Т., "Шарқ" НМК, 1996 йил.

**Поён Равшанов.** "Қашқадарё тарихи". Т., "Фан", 1995 йил.

**М. Янгибоев.** "Қашқадарё вилояти географияси". Қарши, 1993 йил.

"Ўзбекистон жанубий районлари табиати ва хўжалигини мажмуали ўрганишнинг долзарб масалалари". I–III қисмлар, Қарши, 1991 йил.

## **МУНДАРИЖА**

Ислом Каримов. «У кунларни ҳеч қачон унутмайман...» .....	3
Муқаддима .....	9
1986 йилнинг 27 декабри .....	13
Тангликтининг туб илдизлари .....	24
Қатъият .....	36
«Ҳаммасини ўзимиз қилишимизга тўғри келади!..» .....	46
Эски можаронинг ечими .....	53
Ислоҳотлар дебочаси .....	57
Адолат ҳимояси йўлида .....	64
Муаммолар билан юзма-юз .....	78
«Ҳаётнинг талаби ана шундай...» .....	86
Элим деб, юртим деб .....	95
Икки туманга қараган қишлоқ .....	102
Эгалик туйфуси .....	115
Вилоятнинг сақлаб қолиниши .....	124
Инсонни яхшилик қутқаради .....	131
Сарҳисоб .....	138
Тарих ҳақида сұхбат .....	145
Тарихий бурилиш даври .....	158
Яхшидан боғ қолади .....	171

## **ПОЁН РАВШАНОВ**

### **КАШҚАДАРЁ:** *истиқлол арағасида*

*Тошкент «Маънавият» 2003*

Нашр учун мастьул: *Х. Султонов, F. Хотамов*  
Муҳаррирлар: *M. Қаршибоев, С. Раупов*  
Нашриёт муҳаррири: *У. Кўчкоров*  
Мусаввир: *M. Аглямов*  
Сурат муаллифлари: *Ф. Курбонбоев, А. Тўраев,  
Р. Шагаев, А. Жумаев.*  
Техн. муҳаррир *T. Золотилова*  
Мусахҳих: *Х. Зокирова*  
Компьютерда тайёрловчи: *A. Турсунов*

Теришга 18.03.2003 й.да берилди. Босишга 10.07.2003 й.да рухсат этилди. Бичими  
60x90/<sub>16</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 11,0 + 3,0  
рангли вкл. + 0,375 рангли форзац. Шартли кр.-отт. 36,5. Нашр т. 6,77 + 4,64  
рангли вкл. + 0,58 рангли форзац. 10000 нусха. Буюртма № А – 5007. Нархи шар-  
тнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 44 – 03.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа ком-  
бинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-үй. 2003.